



**Наманган вилоят
"Келажак нури"
нодавлат-нотижорат
ташкilotи**



**Фуқаролик жамиятини
ўрганиш институти
Наманган минтақавий
ахборот-таҳлил маркази**

**"ЁШЛАР ВА АЁЛЛАРНИНГ МЕХНАТ
ҚОНУНЧИЛИГИ БЎЙИЧА ХУҚУҚИЙ
БИЛИМ ВА МАДАНИЯТИНИ
ШАҚЛЛАНТИРИШ"**

**мавзуида минтақавий илмий-амалий
конференция**

МАТЕРИАЛЛАРИ ТўПЛАМИ

Наманган - 2010



Наманган вилоят “Келажак нури”
нодавлат-нотижорат ташкилоти

Фуқаролик жамиятини ўрганиш
институти Наманган минтақавий
ахборот-таҳлил маркази

**“Ёшлар ва аёлларнинг меҳнат қонунчилиги бўйича
ҳуқуқий билим ва маданиятини шакллантириш”**

мавзуида минтақавий илмий-амалий конференция

МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

(21 май 2010 йил)

Ушбу тўпламда “Ёшлар одам савдосига қарши” лойиҳаси доирасида Наманган вилояти “Келажак нури” нодавлат нотижорат ташкилоти ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Наманган минтақавий ахборот - таҳлил маркази ҳамкорлигида ўтказилган “Ёшлар ва аёлларнинг меҳнат қонунчилиги бўйича ҳуқуқий билим ва маданиятини шакллантириш” мавзуида ўтказилган илмий-амалий конференцияда иштирок этган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилигида ёшлар ва аёллар меҳнати ҳамда имтиёзлар, меҳнат миграциясининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий омиллари, одам савдосини олдини олиш ва жабрланганларга ёрдам беришда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий ҳамкорлиги, қишлоқ жойларида янги иш ўринларни яратиш ва унинг ижтимоий-иқтисодий асослари шунингдек, таълим тизимида ҳуқуқий билим ва маданиятни шакллантиришнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболи йўналишларида илимий иш олиб бораётган олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлари, аспирантлари, магистрантлари ва талабаларининг ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, жамоат ва нодавлат ташкилотлари вакилларининг мақолалари тўпланган.

Ташкилий қўмита:

- Азизова Манзура - Наманган вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят Хотин-қизлар қўмитаси раиси
- Худайбердиев Зафар - Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Наманган минтақавий ахборот - таҳлил маркази бош илмий ходими, иқтисод фанлари номзоди, доцент
- Отабоев Дилшодбек - Наманган вилоят “Келажак нури” нодавлат нотижорат ташкилоти раиси, лойиҳа раҳбари
- Мажидов Абдували - Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Наманган минтақавий ахборот - таҳлил маркази катта илмий ходими

Мухаррирлар:

и.ф.н., доц. З. Худайбердиев, Д. Отабоев



Ушбу тўплам Бутунжаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси Ижтимоий ривожланиш жамғармаси томонидан молиялаштирилган “Ёшлар одам савдосига қарши” лойиҳаси маблаглари ҳисобига чоп этилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни	6
---	---

I-ШУЪБА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МЕХНАТ ҚОНУНЧИЛИГИДА
ЁШЛАР ВА АЁЛЛАР МЕХНАТИ ХАМДА ИМТИЁЗЛАР**

<i>Инатуллаев Б</i>	Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш: бандлик масалалари	12
<i>Комилов Ш.</i>	Аёллар ва болалар меҳнатидан фойдаланишнинг қонуний асослари	13
<i>МирзамахмудовТ.</i>	Меҳнат қонунчилигида ёшлар ва аёллар меҳнатини ижтимоий ҳимоялаш ҳамда имтиёзлар тизими	15
<i>Рахимов И.</i>	Вояга етмаган ёшлар ва аёлларнинг меҳнат муносабатларидаги шарт-шароитлари ва уларни ҳуқуқий ҳимоялаш	17
<i>Омонов А.</i>	Mehnat qonunchiligi: yoshlar va ayollar mehnati hamda imtiyozlar	18
<i>Otaboev R.</i>	Аёлларнинг жамият ҳаётидаги сиёсий-ижтимоий фаоллигини ошириш	20
<i>Умаров И.</i>	Мамлакатимизда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиниши...	22
<i>Юнусов Ш.</i>		
<i>Қодиров Н.,</i>		
<i>Умарханов С.</i>		

II-ШУЪБА

**МЕХНАТ МИГРАЦИЯСИНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ
ВА ҲУҚУҚИЙ ОМИЛЛАРИ**

<i>Каримов Т.</i>	Меҳнат миграциясининг юзага келишининг илмий-назарий талқини	24
<i>Умарханов С.</i>	Миграция: яшаш учун кураш	26
<i>Уринов Б.,</i>	Наманган вилояти таълим ва соғлиқни сақлаш соҳа-ларида ички миграциянинг солиштирма таҳлили	28
<i>Нуриддинова Ш.</i>	Меҳнат миграцияси: мозий ва ҳозирги замон.....	30
<i>Худайбердиев З.</i>	Меҳнат миграцияси ва бандлик	32
<i>Юнусов Ш.</i>		

III-ШУЪБА

**ОДАМ САВДОСИНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА ВА ЖАБРЛАНГАНЛАРГА
ЁРДАМ БЕРИШДА ДАВЛАТ ВА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ
ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИГИ**

<i>Арипов А.</i>	Одам савдоси жиноятига қарши курашишда халқаро стандартлар ва миллий қонунчилик	34
------------------	---	----

<i>Бадриддинов М.</i>	Ислом дини ва одам савдоси	36
<i>Исақова З.</i>	Одам савдосининг олдини олишда маҳалланинг ўрни.....	37
<i>Исоқов Б.</i>	Одам савдоси – глобал муаммо	40
<i>Мажидов А.</i>		
<i>Умарханов С.</i>	Одам савдосининг олдини олишда ёшларнинг роли	43
<i>Мукаррамов Ш.</i>	Наманган вилоятида одам савдосини олдини олиш бўйича амалга оширилаётган фаолият	45
<i>Умаров О.</i>		
<i>Отабоев Д.</i>	Одам савдосини олдини олиш ва жабрланганларга ёрдам беришда давлат ва нодавлат ташкилотларининг хамкорлиги	47
<i>Собиров Ф.</i>	Одам савдоси жинояти учун жинной жавобгарликнинг қонунларимиздаги амалий ифодаси.....	49
<i>Тиллабоев М.</i>	Одам савдоси – аср балоси	51
<i>Тоҳиров О.</i>	Одам савдоси ва уни олдини олиш муаммолари	54
<i>Умарханов С.</i>	Одам савдоси – “яшнаётган” хавфли бизнес.....	56
<i>Кўчқаров А.</i>	Одам савдосини олдин олиш ва унга қарши курашиш ...	57

IV-ШУЪБА

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРНИ ЯРАТИШ ВА УНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ		
<i>Арипов О.</i>	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда аёллар меҳнатидан фойдаланиш.....	61
<i>Хамидов Э.</i>	Аҳолини иш билан таъминлашда кичик бизнеснинг ўрни	62
<i>Худойбердиев Ё.</i>	Янги ишчи ўринлари яратишнинг	
<i>Нурматов Б.</i>	асосий йўналишлари	64

V-ШУЪБА

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ҲУҚУҚИЙ БИЛИМ ВА МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛИ		
<i>Абдубаннабов М.</i>		
<i>Арипов А.</i>	Ҳуқуқий тарбия тушунчаси ва унинг моҳияти.....	67
<i>Ахмедов У.</i>	Таълим тизимида ҳуқуқий маданият ва мафкуравий жараёнлар уйғунлигини таъминлашнинг устивор йўналишлари	70
<i>Валиев Ш.</i>	Демократик янгиланишлар шароитида шахснинг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий масъулиятини ошириш зарурияти	72

<i>Жабборов С.</i>	Хуқуқий билим ва маданиятни шакллантиришда	
<i>Арипов А.</i>	хуқуқий онг ва унинг аҳамияти	74
<i>Инатуллаев Б.</i>	Хуқуқий таълим-тарбия демократик давлат пойдевори.	76
<i>Мирзакаримова М</i>	Ўзбекистонда шарқона жамоавийликка асосланган	
<i>Абдуллаева Б.</i>	кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда инсон маънавий тарбиясининг иқтисодий жиҳатлари	78
<i>Nurmatov D.</i>	Та`лим тизимида ҳуқуқий билим ва маданиятни	
<i>Nurmatova G.</i>	shakllantirish.....	80
<i>Юлчиева Г.</i>	Таълим тизимида хуқуқий билим ва маданиятни шакллантиришнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболи	81

“Ёшлар ва аёлларнинг меҳнат қончилиги бўйича хуқуқий билим ва маданиятини шакллантириш” мавзuida ўтказилган илмий-амалий конференциядан олинган хулоса ва таклифлар	84
---	----

10.05.2010 да теришга берилди. 06.06.2010 да босишга ружсат этилди. Бичими 60x84. Ҳажми 5,5 босма табоқ. Адади 60 нусха. Буюртма 746. Баҳоси келишилган нарҳда.

**«Ибрат номли босмаҳона» МЧЖ да
(Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 36) чоп этилди..**

ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТЎҒРИСИДА*

**Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 18 мартда қабул қилинган
Сенат томонидан 2008 йил 27 мартда маъқулланган**

1-БОБ. УМУМҲИЙ ҚОНДАЛАР

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қондалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қондалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

одам савдосига қарши курашиш - одам савдосининг олдини олиш, уни аниқлаш, унга чек қўйиш, унинг оқибатларини минималлаштириш, одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича фаолият;

одам савдоси - куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд бошқа мажбурлаш шаклларидан фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш орқали одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш. Одамлардан фойдаланиш бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланишни ёки улардан шахвоний фойдаланишнинг бошқа шаклларини, мажбурий меҳнат ёки хизматларни, қуллик ёки қулликка ўхшаш одатларни, эрксиз ҳолат ёхуд инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олишни англатади;

одам савдоси билан шугулланувчи шахс - мустақил равишда ёки бир гуруҳ шахслар таркибида одам савдоси билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатни содир этувчи жисмоний ёки юридик шахс, шунингдек ўз ҳаракатлари билан одам савдосига кўмаклашадиган, худди шунингдек гарчи ўз мансаб ваколатларига кўра тўсқинлик қилиши ва қарши курашиши шарт бўлса ҳам одам савдосига тўсқинлик қилмайдиган ёки қарши курашмайдиган мансабдор шахс.

4-модда. Одам савдосига қарши курашишнинг асосий принциплари

Одам савдосига қарши курашиш қуйидаги асосий принципларга асосланади:
қонунийлик;

одам савдоси билан шугулланувчи шахслар жавобгарлигининг муқаррарлиги;
одам савдосидан жабрланганларнинг камситилишига йўл қўймаслик;
ижтимоий ҳамкорлик.

2-БОБ. ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

5-модда. Одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари

Одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги.

Одам савдосига қарши курашиш фаолиятини конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа давлат органлари ҳам амалга ошириши мумкин.

6-модда. Одам савдосига қарши курашиш бўйича идоралараро комиссиялар

Одам савдосига қарши курашишни амалга оширувчи давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш учун одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси (бундан буён матнда Идоралараро комиссия деб юритилади) тузилади. Идоралараро комиссияни шакллантириш ва унинг фаолияти тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида конун ҳужжатларида белгиланган тартибда одам савдосига қарши курашиш бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар (бундан буён матнда ҳудудий идоралараро комиссиялар деб юритилади) ҳам тузилиши мумкин.

Идоралараро комиссиянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат ноижорат ташкилотларининг одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

одам савдосига имкон берувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга доир ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирларни ташкил этиш;

одам савдосининг қўлами, ҳолати ва хусусиятлари тўғрисида ахборот тўплаш ҳамда таҳлил қилиш;

ҳудудий идоралараро комиссияларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш ишларини яхшилаш бўйича таклифлар тайёрлаш;

одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги конун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

одам савдосига қарши курашиш масалалари ҳақида аҳолини хабардор қилиш тадбирларини ташкил этиш.

7-модда. Одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органларининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги одам савдосига қарши курашиш соҳасида:

одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни очиш бўйича тезкор-қидирув фаолиятини ташкил этади ҳамда амалга оширади, жиноят ишлари бўйича суриштирув ва дастлабки тергов ўтказилишини таъминлайди;

одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг статистика ҳисобини ташкил этади ва амалга оширади;

одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар, уюшган гуруҳлар ва жиний уюшмаларнинг фаолиятига чек қўйиш бўйича халқаро ташкилотлар ҳамда бошқа давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан ҳамкорликни амалга оширади;

одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;

одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар, уюшган гуруҳлар ва жиний уюшмалар ҳақида тегишли давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органларига ахборот тақдим этади;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади, оммавий ахборот воситаларини жалб этган ҳолда аҳоли ўртасида кенг миқёсда огоҳлантириш-профилактика ишларини ўтказиши;

Ўзбекистон Республикасининг икки томонлама ва кўп томонлама халқаро шартномаларида назарда тутилган, ички ишлар органлари ваколатига қирадиган тадбирларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати одам савдосига қарши курашиш соҳасида:

халқаро террорчилик ташкилотлари ва уюшган жиний гуруҳларнинг одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар билан алоқаларини аниқлайди;

халқаро террорчилик ташкилотлари ва уюшган жиний гуруҳлар томонидан амалга ошириладиган одам савдоси билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича суриштирув ҳамда дастлабки тергов ўтказиши;

одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар ва одам савдосидан жабрланганлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кесиб ўтишга уринишларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш чораларини кўради.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари одам савдосига қарши курашиш соҳасида:

одам савдосидан жабрланган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида турган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш фаолиятини амалга оширади;

одам савдосидан жабрланганларни Ўзбекистон Республикасига қайтаришга кўмаклашади, уларда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаган тақдирда эса, белгиланган тартибда уларнинг

инҳисини аниқлаш чораларини кўради ҳамда уларга консуллик йиғимлари ва бошқа йиғимларни ундирмасдан Ўзбекистон Республикасига қайтиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни расмийлаштиради;

зарур бўлган ҳолларда чет давлатларнинг тегишли ваколатли органларига Ўзбекистон Республикасининг одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳақида маълумотлар тақдим этади;

одам савдосидан жабрланганларга уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳақида ахборот тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги одам савдосига қарши курашиш соҳасида одам савдосидан жабрланганларга тиббий ва психологик ёрдам кўрсатишни белгиланган тартибда ташкил этади.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органларига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар ҳам берилиши мумкин.

8-модда. Одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органларига кўмаклашиш

Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, шунингдек фуқаролар одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органларига кўмаклашади ҳамда зарур ёрдам кўрсатади.

3-БОБ. ОДАМ САВДОСИДАН ЖАБРАНГАНЛАРНИ ХИМОЯ ҚИЛИШ ВА УЛАРГА ЁРДАМ КЎРСАТИШ

9-модда. Одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатувчи ва уларни химоя қилувчи ихтисослаштирилган муассасалар

Одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни химоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатувчи ва уларни химоя қилувчи ихтисослаштирилган муассасалар (бундан буён матнда ихтисослаштирилган муассасалар деб юритилади) ташкил этилади.

Ихтисослаштирилган муассасаларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

одам савдосидан жабрланганларга қулай яшаш ва шахсий гигиена шароитларини таъминлаш;

одам савдосидан жабрланганларни озик-овқат, дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш;

одам савдосидан жабрланганларга шошилинч тиббий, психологик, ижтимоий, юридик ва бошқа хил ёрдам бериш;

одам савдосидан жабрланганларнинг хавфсизлигини муҳофаза қилиш;

одам савдосидан жабрланганларнинг қариндошлари билан алоқа ўрнатилишига кўмаклашиш;

одам савдосидан жабрланганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳақида ахборот бериш;

одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилишга қўмаклашиш.

Ихтисослаштирилган муассасалар ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдикланадиган Низомга мувофиқ амалга оширади.

10-модда. Одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш

Одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш, уларни нормал турмуш тарзига қайтариш мақсадида амалга оширилади ва мазкур шахсларга юридик ёрдам бериш, уларни психологик, тиббий, касбий реабилитация қилиш, уларни ишга жойлаштириш, уларга вақтинчалик турар жой беришни ўз ичига олади.

Одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилишни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

11-модда. Одам савдосидан жабрланган болаларга ёрдам кўрсатиш

Ихтисослаштирилган муассасаларнинг раҳбарлари уларда одам савдосидан жабрланган болалар ҳақида маълумот пайдо бўлган тақдирда, конун ҳужжатларига мувофиқ одам савдосидан жабрланган болаларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида бу ҳақда васийлик ва ҳомийлик органларига дарҳол хабар қилишни шарт.

Одам савдосидан жабрланган болалар ихтисослаштирилган муассасаларга жойлаштирилганда улар қатта ёшдагилардан алоҳида туришлари керак.

Ихтисослаштирилган муассасаларга жойлаштирилган одам савдосидан жабрланган болаларга конун ҳужжатларига мувофиқ давлат таълим муассасаларига қатнаш имконияти берилади.

Агар одам савдосидан жабрланган болалар ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган бўлса ёки ўз оиласи турган жойдан беҳабар бўлса, уларнинг ота-онасини ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахсларни кидириш чоралари кўрилади.

12-модда. Одам савдосидан жабрланганларнинг хавфсизлигини таъминлаш чоралари ва уларга бериладиган бошқа кафолатлар

Суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья одам савдосида гумон қилинаётган шахсларни аниқлаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиш хоҳишини билдирган одам савдосидан жабрланган шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган хавфсизлик чораларини кўради.

Агар одам савдосидан жабрланган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ жабрланувчи деб топилган бўлса ёки жиноят иши бўйича гувоҳ бўлса ёхуд одам савдосида гумон қилинаётган шахсларни аниқлашда тегишли органларга ёрдам бераётган бўлса, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг, судьянинг асосланган илтимосномасига кўра бундай шахсга нисбатан одам савдосида айбдор шахслар ҳусусида жиноят иши бўйича қарор чиқарилгунига қадар, депортация

чоралари қўлланилиши мумкин эмас. Бунда одам савдосидан жабрланган шахсга унинг Ўзбекистон Республикасига кириши ҳолатларидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасида вақтинча бўлиш ҳуқуқи берилиши керак.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган хавфсизлик чоралари қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

одам савдосидан жабрланган қайси шахсларга нисбатан тезкор-кидирув тадбирлари, суриштирув, дастлабки тергов ёки суд муҳокамаси ўтказилаётган бўлса, шу шахслар билан алоқани уларнинг мажбурловисиз тиклаган бўлса;

шахснинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилишга бўлган хоҳиши ёлғон эканлиги ёхуд шахснинг жавобгарликдан бўйин товлаш усули эканлиги ишончли тарзда аниқланган бўлса.

Одам савдосидан жабрланганлар мажбурлов ёки таҳдид остида содир этилган қилмиш учун фуқаролик, маъмурий ва жиноий жавобгарликдан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда озод қилинади.

13-модда. Одам савдосидан жабрланганларнинг таъминоти ва уларни реабилитация қилиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини қоплаш

Суд томонидан одам савдосида айбдор деб топилган шахслар одам савдосидан жабрланганларнинг таъминоти ва уларни реабилитация қилиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини тўлиқ ҳажмда қоплайди.

4-БОБ. ЯҚУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

14-модда. Одам савдосига қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорлик

Одам савдосига қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорлик Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

15-модда. Одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

16-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

17-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. Каримов

**) Ушбу Қонун "Халқ сўзи" газетасида 2008 йил 18 апрелда эълон қилинган.*

"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2008 йил, 16-сон

1-ШУЪБА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МЕХНАТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ЁШЛАР ВА АЁЛЛАР МЕХНАТИ ҲАМДА ИМТИЁЗЛАР

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш: бандлик масалалари

Б.Инатуллаев

Наманган Давлат Университети талабаси

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг янги босқичи бўлган эркинлаштириш даврида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар марказида аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоялаш масаласи туради. Кўп болали ва кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизими ўзининг аниқ манзилга йўналганлиги билан ажралиб туради. Зеро, мамлакатимизда ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг мақсадлилиги, аҳолининг ижтимоий ҳимояга мухтож қатламини аниқлаш ва уларга моддий ёрдам бериш тизими бошқа мамлакатлардан ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Ўзбекистоннинг ўз янгиланиш ва тараққиёт йўлига асос қилиб олинган етакчи тамойиллардан бири - кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишдан иборатдир.

Ижтимоий сиёсат кенг мазмунга эга бўлиб, қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

- даромадлар ва нарх сиёсати;
- кадрлар тайёрлаш ва аҳолини иш билан таъминлаш ёки бандлик сиёсати;
- аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатиш сиёсати.

Аҳолини иш билан таъминлаш ёки меҳнатда бандлиги масаласи ижтимоий сиёсатнинг ўзак йўналишларидан бири ҳисобланади. Меҳнатда бандликнинг ўсиши аҳоли турмуш даражаси ва даромадларининг ошишини таъминлайди. Шу боисдан Республикамиз Президенти И.Каримов тақидлаганларидек, “меҳнат бозорини шакллантириш, янги иш жойларини барпо этиш ва аҳолининг иш билан оқилона бандлигини таъминлаш бўйича фаол сиёсат ўтказиш керак. Бу борада ишсизликнинг олдини олиш, меҳнатга яроқли ҳар бир фуқоро ўзмеҳнатидан даромад топиб, ўз эҳтиёжларини кондириши, ўз турмуш даражасини, оиласи ва болалари фаровонлигини ошириши учун зарур шарт-шароит яратиш муҳим аҳамиятга эга”.

Фикримизча, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва уларнинг бандлигини таъминлашда қуйидагиларни ақс этиши ижтимоий ҳимоя механизмини такомиллаштиришига хизмат қилади:

– аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кучли жалб қилиш, чунки қанчалик тадбиркорлик субъектлари ривожланса, бюджетга тушум миқдори шу даражада ортади ва шу асосда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш қўлами кенгайди;

– касб-хунар таълими муассасаларида битирувчиларнинг ўз касби, мутахассисликлари истикболини олдиндан тасаввур этиш кўникмаларини шакллантириш ишларини ташкил этиш.

Шунингдек, аҳолининг меҳнатда бандлиги орқали аҳоли ижтимоий ҳимоялашда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳам салмоқли ўринга эга. Уларни қуйидагиларда қўриш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

– аҳоли бандлиги ва ижтимоий ҳимоялаш бўйича жамоатчилик назоратини ўрнатиш ва ҳудудда янги ишчи ўринлари яратилишида ташаббускор бўлиш;

– ҳудудда мавжуд аҳоли бандлиги ва ижтимоий ҳимоя қилишга доир масалаларни доимий комиссия билан ўрганиш, лозим бўлса Кенгаш кун тартибига киритиш;

– муайян касб-хунарга лаёқатли шахсларни касаначилик асосида тадбиркорлик субъектларига бириктириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

– сайловчилар билан бўлган ҳисобот–йигилишларида ва кундалик фаолиятида Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилиги билан аҳолини яқиндан таништириб бориш.

Сайловчилари манфаатини ҳамма нарсадан устун билган депутат бор билим-салоҳияти ва куч-қудратини ҳудуд иқтисодий тараққиёти ва инфратузилмасини такомиллашувига қаратмоғи лозим. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, “Халқ ғамини ейдиган, унинг ташвишларини юракдан хис этадиган, ўзини етакчи деб ҳисоблайдиган одам доимо ёниб туриши керак. Биринчи галда ёшларимиз ҳаётда ўз ўрнимни албатта топаман, қўзлаган мақсадимга албатта эришаман, ҳеч кимдан кам бўлишга ҳаққим йўқ, деган туйғу ва сўнмас ҳаракат билан яшashi ва ана шундай маънавий муҳит жамиятимизда барқарор бўлиши лозим.”

Аёллар ва болалар меҳнатидан фойдаланишнинг

қонуний асослари

Ш. Комилов

Наманган Давлат университети талабаси

Ўзбекистонда табиат тухфалари билан биргаликда қонунларимиз ҳам мукамал ишланган. Албатта ҳар бир инсон яшаш учун меҳнат қилади ва ҳаммага қараганда яхшироқ яшашни ҳоҳлайди. Ҳозирда Ўзбекистонда ҳар бир шахс меҳнат қилиш ҳуқуқига эга ва ҳоҳлаган меҳнат тури билан қонун доирасидан чиқмаган ҳолда ҳоҳлаган меҳнат тури билан шугулланиши мумкин.

Ҳозирда аёллар ва болаларнинг меҳнатларидан тенг фойдаланилмоқда. Болалар ва аёлларнинг меҳнатларидан фойдаланиш билан биргаликда уларнинг

меҳнат қилиш учун меҳнат қонунчилигида жуда қўплаб имтиёз ва эркинликлар берилган. Бу эркинликлар ва имтиёзлар қуйидагилар ҳисобланади:

Аёллар меҳнатини қўллашнинг таъқиқланадиган ишлар:

Меҳнат шароити ноқулай ишларда шунингдек ер ости ишларини аёлларни меҳнатини қўлланиш таъқиқланади. Ер остидаги баъзи ишлар (жисмоний бўлмаган ишлар ёки санитария ва маиший хизмат кўрсатиш ишлари) бундан мустасно ҳисобланади. Аёлларнинг улар учун мумкин бўлган нормадан ортиқ юкни ортиш ва ташишлари маън этилади. Аёллари меҳнатини қўлланиш таъқиқланадиган меҳнат шароити ноқулай ишларнинг рўйхати ҳамда улар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган юк нормалар чегарасини Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолиги ижтимоий муҳофаза қилиш Вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси қасаба уюшма Федерацияси Кенгаши ва иш берувчиларнинг вакиллари маслаҳатини олган ҳолда тасдиқлайди.

Ҳомиладор аёлларни энгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан ҳоли бўлган ишга ўтказиш кафолатлари. Тиббий хулосага мувофиқ ҳомиладор аёлларнинг ишлаб чиқариш нормалари, хизмат кўрсатиш нормалари камайтирилади ёки аввалги ишларидаги ўртача ойлик иш ҳаққи сақланган ҳолда энгилроқ ёхуд ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан ҳоли бўлган ишга ўтказилади. Ҳомиладор аёл энгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш таъсиридан ҳоли бўлган иш бериш масаласи ҳал этилгунга қадар, у ана шу сабабдан ишга чиқмаган барча иш кунлари учун ўртача ойлик иш ҳаққи сақланган ҳолда ишдан озод этилиши лозим.

3 ёшга тўлмаган боласи бор бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган ташкилотлар ва муассасаларда ишлаётган аёлларга иш вақтининг ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган, қисқартирилган муддат белгиланади.

Ногирон боласини тарбиялаётган она-онанинг (Васийга, хомийга) бола 16 ёшга тўлгунга қадар давлат ижтимоий сўғуртаси мабағлари ҳисобидан 1 кунли иш ҳақи миқдоридан ҳақ тўланган ҳолда ойига қўшимча бир дам олиш куни берилади.

18 ёшга тўлмаган шахсларни ишга қабул қилиш кафолатлари:

Белгиланган минимал иш жойларига ҳисобидан иш жойларига ишга жойлаш тартибидан маҳаллий меҳнат органи ва бошқа органлар томонидан юборилган, 18 ёшга тўлмаган шахсларни иш берувчи ишга қабул қилиши шарт. Улар дастлабки тиббий кўриқдан ўтгандан кейингина ишга қабул қилинадилар ва кейинчалик улар 18 ёшга тўлгунларига қадар ҳар йили мажбурий тарзда тиббий кўриқдан ўтказиб туриш керак.

18 ёшга тўлмаган шахслар меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларда катта ёшдаги ходимлари билан тенг ҳуқуқда бўладилар, меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллар ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида улар учун меҳнат

тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган қўшимча имтиёزلардан фойдаланадилар.

Ҳар бир аёл ва ёшлар ушбу имтиёз ва эркинликлардан фойдаланганликлари ҳолда меҳнат қилиш ҳуқуқига эга ҳисобланадилар. Иш берувчилар ҳам ушбу қонунларда белгиланган имтиёزلардан фойдаланишга кенг йўл қўйиб бериши шарт ҳисобланади ва буларнинг мажбурияти ҳам. Биз фуқаролик жамияти қурмокчи эканмиз ҳар бир шахс мавжуд қонун қоидалар асосида яшаши ва ўз мажбуриятларини сикидилдан бажариши ҳар бир шахснинг фуқаролик жамияти ҳиссаси ҳисобланади. Келинглр биз ҳам фуқаролик жамиятини қуришга ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Меҳнат қонунчилигида ёшлар ва аёллар меҳнатини ижтимоий ҳимоялаш ҳамда имтиёзлар тизими

Т.Мирзамахмудов

Наманган муҳандислик-педагогика институти, и.ф.н. доц.

И.Рахимов

Наманган муҳандислик-педагогика институти, п.ф.н.

Юртбошимиз томонидан 2010 йилни “Барқамол авлод йили” деб эълон қилиниши мамлакатимизда соғлом ва барқамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, шунингдек ижодий ва интеллектуал салоҳиятини намоён этишлари учун зарур шарт-шароитлар, имкониятлар яратилаётганлигидан далолатдир.

Болалар ва ёшларнинг барқамол ривожланиши, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий-норматив базасини такомиллаштириш борасида қатор тадбирлар белгиланган.

Она ва болаларнинг репродуктив саломатлиги муҳофазаси тизимини такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш ва унинг моддий-техник базасини кучайтириш ва ёш авлоднинг ҳар томонлама қамол топиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида кенг қамровли вазифаларни ҳисобга олиб, 2010 йилда давлат бюджетида соғлиқни сақлаш соҳасидаги харажатлар 1 триллион 700 миллиард сўмдан зиёд қилиб белгиланди, яъни, 2009 йилга нисбатан 30 фоизга қўпайтирилди.

2009 йилда она ва бола саломатлигини муҳофаза этиш бўйича қатта ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга» доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1096-сонли ва 2009 йил 1 июлдаги «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола тугилиши, жисмоний ва маънавий барқамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги 144-сонли қарорлари қабул қилинди.

Ўзбекистон барча ривожланган давлатлар катори Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб «Оналикни муҳофаза қилиш» каби ўнлаб халқаро ҳужжатларни ратификация қилган.

2007 йил 1 октябрдан бошлаб 5 йил муддатга аҳолига пуллик хизмат кўрсатувчи (стоматология ва косметология хизматлари бундан мустасно) тиббиёт муассасалари барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан озод этилган, тежалган маблағлар тиббиёт муассасаларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга мақсадли равишда йўналтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 23 та моддаси аёллар ва ёшлар меҳнатини муҳофаза қилишга бағишланган.

Жумладан, меҳнат шароити ноқулай ёки зарарли бўлган ишларда, шуниндек ер ости ишларида аёллар меҳнатидан фойдаланиш тақиқланади. Ер остидаги баъзи ишларда истисно тариқасида аёллар меҳнатидан фойдаланиш тақиқланади.

Тиббий хулосага мувофиқ аёлларнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш нормалари камайтирилади ёки улар аввалги ишларидаги ўртача ойлик иш ҳақи сакланган ҳолда енгилроқ ёхуд ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан ҳоли бўлган ишга ўтказилади.

12 ёшга тўлмаган 2 ва ундан ортиқ боласи бор аёлларга ишлаб чиқариш шароитлари имкон берган даврда, иш берувчи билан келишилган ҳолда, ҳар йили 3 иш кунидан кам бўлмаган ҳақ тўланадиган ва 14 календарь кундан кам бўлмаган муддат билан иш ҳақи сакланмаган қўшимча таътил олиш ҳуқуқи берилади.

2 ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга, дам олиш ва овқатланиш учун бериладиган танаффусдан ташқари, болани овқатлантириш учун қўшимча танаффуслар ҳам берилади. Бу танаффуслар ҳар 3 ойда бир марта ҳар бири 30 дақиқадан кам бўлмаган муддат билан берилади. Булардан ташқари, иш берувчи аёлларга яна тиббий хулосага кўра тўлик бўлмаган иш кунини ёки иш ҳафтасини белгиланиши шарт.

Ёшларни 16 ёшдан бошлаб ишга қабул қилишга йўл қўйилади, алоҳида ҳолларда қасаба уюшма қўмитаси билан келишган ҳолда 15 ёшга тўлган ёшлар ота-онаси розилиги билан ишга қабул қилинади. Ёшларни ишга тайёрлаш мақсадида умумтаълим мактаблари хунар-техника билим ютлари ва ўрта махсус ўқув ютларини 14 ёшга тўлгандан кейин ота-оналарининг розилиги билан ишга қабул қилишга йўл қўйилади. 18 ёшга тўлмаган шахслар меҳнат муносабатларида қатта ёшдаги шахслар билан тенг ҳуқуқларга эга бўладилар. Меҳнат муҳофазаси иш вақти, таътиллار вақти ва бошқа баъзи меҳнат шароитлари борасида эса интизомлардан фойдаланадилар.

18 ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан оғир ва меҳнат шароитида зарарли ёки хавфли бўлган ишларда, шунингдек ер ости ишларида фойдаланиш тақиқланади. Улар тиббий кўрикдан ўтказилгандан кейин ишга қабул қилинадилар ва 18 ёшга тўлгунга қадар ҳар йили тиббий кўрикдан

бўшатишнинг умумий коидалар мажбурий тарзда ўтказиб туриладилар. Уларни тунги ва иш вақтидан ташкари ишларга, шунингдек дам олиш кунлари ишлашга жалб қилиш тақиқланади. Уларга ҳар йилги таътил ёз пайтида ёки уларнинг хошишига қараб, йилнинг исталган вақтида берилади ва у бир календарь ойга тенг бўлади.

Кунлик иш вақти қисқартирилган ҳолларда уларга иш ҳақи кунлик иш вақти тўлиқ бўлган тегишли тоифадаги ходимларга бериладиган миқдорда тўланади. Иш берувчи белгиланган квота ҳисобидан иш жойларига маҳаллий меҳнат органи ва бошқа органлар томонидан юборилган, 18 ёшга тўлмаган шахсларни ишга қабул қилиши шарт.

Меҳнат кодексида аёллар ва 18 ёшга тўлмаган шахсларга қўшимча кафолатлар билан бирга, ишни таълим билан бирга қўшиб олиб бораётган шахсларга ҳам имтиёзлар белгиланган.

Буларнинг барчаси ёшлар ва аёллар меҳнатини ижтимоий ҳимоялаш, имтиёзлар бериш қонуний асосларда мустаҳкамланган лигидан далолатдир.

Вояга етмаган ёшлар ва аёлларнинг меҳнат муносабатларидаги шарт-шароитлари ва уларни ҳуқуқий ҳимоялаш

А. Омонов

Наманган давлат университети талабаси


Дунё ҳамжамиятининг демократик давлатлари қатори Ўзбекистон Республикасида ҳам вояга етмаган ёшлар ва аёллар учун бир қатор моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилиб, уларга нисбатан қулайликлар яратиб берилмоқда. Аёллар ва болалар турмушини яхшилаш мақсадида қонуний асос яратилиб, меҳнат қонунчилиги доирасида меъёрий нормалар ишлаб чиқилган.

Аёллар ва вояга етмаган ёшларни меҳнатга жалб қилишда уларга энгилликлар яратилиб, оғир меҳнатга жалб этмаслик кўзда тутилади, яъни ҳомиладор аёлларни ёки уч ёшга тўлмаган болали аёлларни, 14 ёшга тўлмаган болали ёлғиз оналарни ишга қабул қилишни рад этиш ва шу асосда уларни иш ҳақини қамайтириш қонун билан таъқиқланади.

Ҳомиладор аёлларни (агар ҳомила 26 ҳафтадан ортиқ бўлмаса), уч ёшга тўлмаган болали аёлларни, 14 ёшга тўлмаган болали ёлғиз оналарни иш берувчи муассаса ташаббуси билан ишдан бўшатиш таъқиқланади.

Ишсиз ҳомиладор аёл (агар ҳомила 28 ҳафтадан ортиқ бўлмаса), иш изловчи шахс сифатида аҳоли бандигига қўмаклашувчи ташкилот томонидан рўйхатга олинishi мумкин. Агар мазкур ташкилот иш билан таъминлай олмаса, бу аёл ишсиз мақомини олади. Бу жараёнда бериладиган имтиёзлардан бири - бу ҳомиладор аёл у ишсиз деб эътироф этилишидан қатъий назар 12 ой муддатда энг кам иш ҳақи миқдорида ишсизлик нафақаси тўланадиган.

Меҳнат қонунчилигида аёлларни оғир меҳнат шароити зарарли бўлган ишларда, ерости ишларида фойдаланиш таъқиқланади. Шунингдек, юк



ташишни талаб этадиган ишларда ишловчи аёллар ва вояга етмаган ёшлар учун махсус нормалар белгиланган. Муассаса томонидан мажбурлаб ишлатиш, белгиланган иш вақтидан ортикча ишлашларига йўл қўйилиши конун бузилиши деб эътироф этилади. Хизмат сафарларига ходимларни юбориш жараёнида ҳам уч ёшга тўлмаган болали аёллар хизмат сафаридан озод этилади. Тиббий хулосага мувофик хомиладор аёлларни ишлаб чиқариш нормаларини камайтириб ёки енгилроқ иш ўрнига ўтказиш назарда тутилади. Аёлларнинг хоҳишига қараб, уларга бола икки ёшга тўлгунига қадар болаларини парваришlash учун қисман ҳақ тўланадиган таътил берилиб, нафақа тўлаб борилади.

Аёллар каби вояга етмаган ёшларни меҳнатга жалб этишда ҳам мамлакатимизда қулайликлар яратиб берилган. Конституцияда ёшларни ишга қабул қилиш 16 ёш деб белгиланган. Истисно ҳолларда эса енгил, соғлиқ учун зарарли бўлмаган ишларда ёшлар 14 ёшдан бошлаб ҳам фаолият юритишлари мумкин. 15-18 ёшгача бўлган вояга етмаган ёшлар меҳнат муносабатларида вояга етган катта ёшдаги шахслар билан тенг ҳуқуқларга эга бўладилар. Яъни, умумий бўлган ишлар учун тенг миқдорда маош олиш, таътил олиш ҳуқуқлари берилади. 18 ёшга тўлмаган ёшлар меҳнатидан оғир ва хавфли ишларда фойдаланиш таъқиқланади. Меҳнат қонунчилигида вояга етмаган ёшлар тиббий кўрикдан ўтган тақдирдагина ишга қабул қилинишлари ва ҳар йили бир марта тиббий кўрикдан ўтишлари мажбурийлиги белгилаб қўйилган. Бу тоифадаги шахсларга таътил беришда улар хоҳиши асосида йилнинг исталган вақтида белгиланиши мумкин.

Юқорида баён этилган аёллар ва вояга етмаган ёшларни меҳнат муносабатларига доир ҳуқуқий меъёрлар Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигининг инсонпарварлик тамойиллар асосида ташкил этилганини кўрсатади.

Ўзбек халқи миллий менталитетида ёшларни билимли бўлишлари билан бир қаторда меҳнатсеварлик қўникмаларини шаклантиришга ҳам катта эътибор берилади. Зеро, Президентимиз И.Каримов таъбири билан айтганда, “Ёшларимиз бугунги ижтимоий, иқтисодий ислохотлар мазмун-моҳиятини теран англабгина қолмай, балки ана шу жараённинг фаол иштирокчиси бўлишлари керак” бўлади.

Mehnat qonunchiligi: yoshlar va ayollar mehnati hamda imtiyozlar

R.Otaboyev

Namangan Davlat Universiteti talabasi

О‘збекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида: “Har bir shaxs mehnat qilish, erkin kasb tanlash, adolatli mehnat sharoitlarida ishlash va qonunda ko‘rsatilgan tartibda ishsizlikdan himoyalaniш huquqiga egadir”, deyiladi.

Mehnat qilish jarayoni bu insonni inson darajasiga ko'taradigan va uni yuksaklarga intilishiga chorlaydigan xatti harakatlarmajmui hisoblanadi.

Shunday ekan, har kim ijodiy ishlab chiqarish va ijodiy mehnat qilish huquqiga ega, qonunda taqiqlangan holatlar bundan mustasno.

Zero, dunyoda yaratilgan barcha san'at asarlari ham inson mehnati tufayli yuzaga kelgan.

Shu o'rinda Respublikamizdagi ayollar va yoshlar mehnatiga to'xtalib o'tsak.

O'zbekiston Respublikasi Mehnat kodeksining 6-moddasiga binoan barcha fuqarolar mehnat qilish huquqlari va ulardan foydalanishda teng imkoniyatlarga ega. Jinsi, yoshi, irqi, millati, tili, ijtimoiy kelib chiqishi, mulkiy holati mansab-mavqei, dinga bo'lgan munosabati, e'tiqodi, jamoat birlashmalariga mansubligi, shuningdek, xodimlarning ishchanlik qobiliyatlariga va ular mehnatining natijalariga aloqador bo'lmagan boshqa jihatlarga qarab mehnatga oid munosabatlar sohasida har qanday cheklashlarga yoki imtiyozlar belgilashga yo'l qo'ymaydi va bular kamsitish deb hisoblanadi.

Mehnat Kodeksida ayollar mehnati va imtiyozlariga to'xtaladigan bo'lsak, bunda quyidagicha keltirib o'tiladi:

Mehnat sharoiti noqulay ishlarda, shuningdek yer osti ishlarida ayollar mehnatini qo'llanish taqiqlanadi, homilador ayyollarni va o'n to'rt yoshga to'lmagan bolasi bor ayollarni ularning roziligisiz tungi ishlarga, ish vaqtidan tashqari ishlarga, dam olish kunlaridagi ishlarga jalb qilishga va xizmat safariga yuborishga yo'l qo'yilmaydi.

Farzand tarbiyasi bilan bevosita onalar ko'proq mashg'ul bo'lganliklari bois ularni farzandi bilan bo'lishlari va ular uchun ish joylarida ham quyidagicha huquqlari mavjud: Uch yoshga to'lmagan bolalari bor, byudjet hisobidan moliyaviy ta'minlanadigan muassasalar va tashkilotlarda ishlayotgan ayollarga ish vaqtining haftasiga o'ttiz besh soatdan oshmaydigan qisqartirilgan muddati belgilanadi.

Yoshlar uchun qo'shimcha kafolatlar va mehnat jarayoni bu bevosita o'n sakkiz yoshga to'lmagan shaxslarni ishga qabul qilish bilan bog'liqdir.

Hozirgi kunimizda ishlashga yoshni ahamiyati bormi?-degan savolni o'rta tashlaydigan bo'lsak, bu savolga ko'cha ko'yda yurgan voyaga yetmagan yosh bolalarni ko'rib qaysidir ma'noda javob olishimiz mumkin, lekin ushbu holatlarga qonunchiligimizda quyidagicha javoblar olamiz..

O'n sakkiz yoshga to'lmagan barcha shaxslar dastlabki tibbiy ko'rikdan o'tgandan keyingina ishga qabul qilinadilar va keyinchalik ular o'n sakkiz yoshga to'lgunlariga qadar har yili majburiy tarzda tibbiy ko'rikdan o'tkazib turilishi kerak.

Negaki, inson avvalo sog'lig'i ko'targan taqdirdagina faoliyat yurita oladi.

Yoshlarni, ya'ni o'n sakkiz yoshga to'lmagan shaxslar mehnat huquqlari katta yoshdagi xodimlar bilan teng huquqda bo'ladilarmi?

Teng huquqda bo'lishlari bilan birgalikda, mehnatni muhofaza qilish, ish vaqti, ta'tillar va boshqa mehnat shartlari sohasida ular uchun mehnat to'g'risidagi qonunlar va boshqa normativ hujjatlarda belgilangan qo'shimcha imtiyozlardan foydalanadilar.

Shu bilan birga mehnatdan foydalanish taqiqlanadigan ishlar bular bevosita, sog'lig'i, xavfsizligi yoki axloq-odobiga ziyon yetkazishi mumkin bo'lgan mehnat sharoiti noqulay ishlarda, yer osti ishlarida va boshqa ishlarda foydalanish taqiqlanadi.

Bu toifadagi shaxslarning belgilab qo'yilgan normadan ortiq og'ir yuk ko'tarishlari va tashishlariga yo'l qo'yilmaydi.

Ushbu og'ir yuk normalarining chegarasini O'zbekiston Respublikasi Mehnat vazirligi va O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni Saqlash vazirligi O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi Kengashi va ish beruvchilarning vakillari maslahatini olgan holda belgilaydi.

Bundan tashqari bu toifadagi shaxslarni tungi ishlarga, ish vaqtidan tashqari ishlarga va dam olish kunlaridagi ishlarga jalb etish taqiqlanadi.

Ushbu moddalarda ko'zda tutilgan asosiy maqsad –bu inson hayotini yuqori o'ringa qo'yilishi va qadri ulug'lanishi bilan bevosita bog'liq.

Zero, har bir ishchi mehnat muhofazasi huquqiga ega."Mehnatni muhofaza qilish to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Qonuni mehnatni muhofaza qilishning yagona tizimi tartibini belgilaydi.

Аёлларнинг жамият ҳаётидаги сиёсий-ижтимоий фаоллигини ошириш

И. Умаров

Андижон мухандислик-иктисодиёт институти, и .ф.н

III. Юнусов

Андижон мухандислик-иктисодиёт институти талабаси

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўйёбга чиқариши, мамлакатимиз йигит-кизларини XXI аср талабаларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказишда аёлларнинг роли бекиёсдир. Шунинг учун ижтимоий тизим ўзгариши билан кишиларнинг ўз ҳаётларига нисбатан муносабатлари ҳам ўзгара бошлади. Ижтимоий ҳаётда адолат, озодлик, инсон кадр-қимматини эътироф этиш ғояси аста-секин етила бошлади. Айни пайтда саноатнинг ривожланиши, урбанизация жараёнларининг тезлашуви арзон иш кучига эҳтиёжни кучайтирди. Натижада аёллар арзон иш кучи сифатида ишлаб чиқаришда катнаша бошлади. Бир томондан, озодлик ғоясининг вужудга келиши, иккинчи томондан, аёлларнинг ишлаб чиқаришга жалб этилиши аёлларнинг жамият таракқиётига ўз улушини қўша олиш ғоясининг вужудга келишига замин тайёрлади. 1779 йилда француз файласуфлари Ж.Кондори "Аёлларга фуқаролик ҳуқуқини бериш ҳақида"ги хужжатъни, Олимпия де гуж «Фуқарполик ва аёл ҳуқуқи декларацияси»ни тайёрлади ҳамда аёлларнинг эркин фикрлаш ва ўз фикрини эркин айтиш ҳуқуқига эга эканлигини таъкидлади. Мана шу вақтдан бошлаб де гуж ҳамда

унинг тарафдорлари феминистлар –деб, уларнинг ҳаракатлари эса феминизм деб атала бошлади.

Феминизм – (французча *feministe*, лотинча *femina*-аёл) – аёлларни камситишларидан холос этишни тарғиб этувчи, улар мавқеини жамиятдаги ижтимоий воқеалар ҳосиласи сифатида ўрганувчи оқим. Феминизм Франция буржуа революцияси даврида вужудга келиб, хотин-қизларнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий соҳаларда эркаклар билан тенг ҳуқуқга эга бўлиши учун курашни, шунингдек, ижтимоий-сиёсий курашда фаол иштирок этишни тарғиб этади.

Тарих гувоҳлик берадики, ҳар бир даврда жамият маънавий ҳаётида аёлларнинг ўрни масаласига турлича ёндошилган. Ҳатто ҳозирги ўз якунини топган XX асрга таяниб туриб ҳам бирон-бир шаклни барча халқлар учун мос келадиган тизим, деб айтиш имкони йўқ. Шу маънода ёндошилганида, аёлларнинг ҳуқуқлари таъминлаб берилган ва халқаро микёсда қабул қилинган ягона умумий қоида мавжуд эмас. Шу билан бирга аёлларга берилган эркинликлар ва имтиёзлар фақат бугунги кун нуктаи назаридан боҳоланади, ваҳоланки, кишилиқ жамияти тараққиёти тарихидан келиб чиқиб боҳоланиши зарур. Оқибатда «Ўтган юз йил мобайнида инсоният тараққиётида юз берган инқилобий ўзгаришлардан бири-хотин-қизларнинг сиёсат инқилобий ўзгаришлардан бири – хотин-қизларнинг сиёсат майдонига чиқишидир”.

Ўзбекистон Республикасида аёллар ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг устивор йўналишига айланмоқда. Аёлларнинг жамият ҳаётидаги сиёсий-ижтимоий фаоллигини ошириш бўйича катор ишлар амалга оширилди. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари жамиятни демократлаштириш муаммолари илмий зехният, халқнинг тарихан таркиб топган анъаналари, урф-одатлари, маънавий кадриятларини инobatга олган ҳолда ҳал этилмоқда. Хотин-қизлар фаолияти, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини тўла таъминлаш, ўз ҳуқуқларини давлат ва унинг идоралари томонидан қандай ҳимоя этилаётганликларини билишларига ҳам боғлиқ.

Шу боис масаланинг муҳим ва долзарблигини ҳисобга олиб 2004 йил 25 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Фармонга кўра Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг, республика Хотин-қизлар жамоат ташкилотларининг аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий, социал-иқтисодий ва маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, Хотин-қизлар ҳамда ёшларнинг маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш борасида олиб бораётган ишларининг самарадорлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Фармоннинг 2 бандида энг муҳим ва асосий вазифа қилиб қуйидагилар белгиланади: Хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, аёлларни касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал

савиясини юксалтириш, уларнинг социал, ижтимоий-сиёсий фаоллигини давлат қурилиши соҳасидаги фаол иштирокини таъминлашга қаратилган умуммиллий сиёсатни рўйбга чиқариш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш; уларни иш билан таъминлаш масалалари; хотин-қизларнинг нодавлат, нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва улар билан самарали ҳамкорликни таъминлаш ва бошқалар.

Ушбу Фармоннинг ижросини таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида 2004 йил 29 июнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори чиқади. Жумладан, аёлларнинг муайян қисми, айниқса қишлоқ жойларда, хотин-қизлар қўмиталарининг эътиборидан четда қолмоқда, улар ўз ҳолига ташлаб қўйилган ва шу боис турли, жумладан бузғунчи кучларнинг таъсир объектига айланмоқда. Ёки, хотин-қизлар қўмиталарининг фаолияти, энг аввало, хотин-қизларни иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этишга, шу жумладан, вақтинчалик иш ўринлари барпо этиш, қасаначилик меҳнатини ташкил этиш ва хотин-қизларни ишга жойлаштиришнинг бошқа шаклларида фойдаланишга қаратилиши зарур. Давлат томонидан кўрсатилаётган моддий ва бошқа ёрдамлар билан бирга хотин-қизларга ишлаш учун шарт-шароит ва имкониятлар яратиш даркор.

Мамлакатимизда бола ҳуқуқларини химоя қилиниши

Н. Кодиров, С. Умарханов

Наманган Давлат Университети талабалари

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг асосини давлатимизни ривожлантириш ва тараккий этган мамлакатлар қаторига олиб чиқишга қаратилган сиёсат ташкил этади. Юртимизни ривожлантириш учун унинг асосий қисмини ташкил этувчи ёшлар ҳуқуқларни химоя қилувчи меъёрий-ҳуқуқий нормалар тизимини ишлаб чиқиш лозим. Аввало жамиятнинг маънавиятини кўтариш ва юксак маънавиятга эришиш учун ҳуқуқий базани яратиш ва жамият ҳуқуқий маданиятини юксалтириш керак. Бу ҳолатга эришиш учун мамлакатимизда жуда кўплаб бу соҳада қонунлар қабул қилиниб амалий ҳаётда ўзининг тасдиғини топиб бормоқда.

Мустақиллигимизнинг илк қунлариданок Ўзбекистонда ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўтган давр мабойнида Ўзбекистонда 100 га яқин ёшларга доир қонун ҳужжатлари қабул қилинди. 2008 йилни эса Президентимиз томонидан «Ёшлар йили», 2010 йилни “Барқамол авлод йили” деб эълон қилинди. Ёшлар ҳуқуқларига доир халқаро ҳуқуқ нормалари эса миллий қонунчилигимизда ўз аксини топди. 1992 йил 9 декабрда Ўзбекистон Республикаси қонунлари сафига қўшилган илк халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардан бири ҳам – бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция бўлди.

Мазкур халқаро ҳужжат нормалари миллий қонунчилигимизга тўла имплементация қилинган. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция нормалари

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқоралик, Оила, Мехнат, Жиноят процессуал кодексларида «Ўзбекистон Республикасида Давлат ёшлар сиёсатининг асослари тўғрисида»ги «Таълим тўғрисида»ги «Фуқоралик тўғрисида»ги «Фуқароларнинг соғлигини сақлаш тўғрисида»ги «Ногиронларни соғлигини сақлаш тўғрисида»ги қонунларда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қўлаб фармон ва қарорлари, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Мақтаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури» ва «Ижтимоий ҳимой йили дасиури» ҳамда Республика Ҳукуматининг бола ҳуқуқларини кафолатловчи қарорларда ўз аксини топган.

Қонун ҳужжатлари ижроси самараси ўлароқ Ўзбекистонда болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида ўзига хос институтуциал тизим яратилди. Республика Бош прокурори раҳбарлигида ва жойларда вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари тузулди. Ички ишлар вазирлиги қошида вояга етмаганларни ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги қошида вояга етмаганларни ижтимоий ҳимоя қилиш Маркази ташкил этилди. «СОС-Ўзбекистон болалар маҳаллалари уюшмаси», Болалар жамғармаси, «Сен ёлғиз эмассан», «Соғлом авлод учун» жамғармалари, «Республика болалар ижтимоий мослашув маркази» каби жамоат тузулмалари, Камолот ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳам шулар жумласидандир.

Қолаверса мамлакатимизда бола ҳуқуқларини кафолатлашга қаратилган амалий ишларнинг самараси ўлароқ 2008 йил 7 январь куни «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг Президентимиз томонидан имзоланиши айниқса қувонарли бўлди.

Ўзбекистон миллий қонунчилигидаги бола ҳуқуқларига доир мавжуд нормалар бу қонун ишлаб чиқилиши жараёнида жамлаиб, яхлит ҳолга келтирилди ҳамда зарур жиҳатлари такомиллаштирилди, шунингдек Янги нормалар билан тўлдирилди.

Қонунда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишларига жиддий аҳамият берилган. Боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилиш масаласи давлат сиёсатининг уствор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилган. Шунингдек боланинг шаъни ва кадр қимматини ҳимоя қилиш, ҳуқуқлари ва имкониятлари тенглигини таъминлаш, бола ҳуқуқлари кафолатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириб бориш масалаларига доир ҳуқуқий нормалар алоҳида моддаларда ўз аксини топган.

Боланинг ҳаёти, таълим–тарбияси, маънавий ва ахлоқий камолати, уларнинг баркамол ўсиб улғайишига дахлдор барча масалалар давлатимизнинг муҳим вазифаларидан бири сифатида ўзига хос ҳуқуқий мақом касб этади.

Болаларнинг рамзий конституцияси, деб аташ мумкин бўлиб бу қонунда бола ҳуқуқлари кафолатларига доир нормалар унинг тамал тоши ҳисобланишини алоҳида эътироф этиш жоиз. Шуниси диққатга сазоварки, қонунда боланинг индивидуалликка ва уни сақлаб қолишга бўлган ҳуқуқий,

гайриконуний кўчирилишдан химояланиш ҳукуки , ўз фикрини ифода этиш, ахборот олиш, сўз виждон ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқлари қафолатлари, шунингдек хусусий мулкка, турар жойга бўлган ҳуқуқи, соғлиғини сақлашга, билим олишга, хуллас болалар турмуши ва ҳаёт тарзининг барча соҳасига дахлдор бўлган ҳуқуқлари тўлиқ қафолатланган.

Бу нормаларни мамлакатимизда қонун билан қафолатланган янги бола ҳуқуқларининг янада мустаҳкамланаётганлигидан далолат деса бўлади.

Шу ўринда, алоҳида эътироф этиш жоизки, мазкур қонунлар орқали бола ҳуқуқлари қафолатларининг изчил таъминланиши Ўзбекистонда амалга оширилаётган бола ҳуқуқлари доирасидаги амалий ишлар самарасини юксак даражага кўтаришга ва соҳадаги муносабатларни қафолатли асосда тартибга солишга хизмат қилади.

Ёшларга доир давлат сиёсати йўналишидаги қонунчиликка бу қадар жиддий эътибор берилаётганлиги юртимизда ёшларга бўлаётган эътибордан, қолаверса мазкур йўналишдаги давлат сиёсатининг ҳуқуқий асослари нечоғли мустаҳкам бўлаётганлигидан далолатдир. Шу нуқтан назардан қараганда, бугунги кунда «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг янги таҳриридаги лойиҳасини; «Бола ҳуқуқлари бўйича вакил тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини тайёрлашни ёшларга доир қонун ижодкорлиги соҳасидаги долзарб вазифалардан деса бўлади.

Хулоса қилиб айтганда мамлакатимизда миллатимизнинг келажагини белгилаб берувчи ёшларнинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари қонун йўли билан қафолатлангандир. Шу боис тўла ишонч билан айтишимиз мумкинки юксак маънавиятни жамиятимизда ёйиб миллатни енгиб бўлмайдиган даражага эришиш имкониятига эгамиз.

II-ШУЪБА

МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИНИГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ОМИЛЛАРИ

Меҳнат миграциясининг юзага келишининг

илмий-назарий талқини

Т. Каримов

ФЖЎИ Андижон МАТМ раҳбари

XXI аср меҳнат бозорини интеграциялашувига олиб келди. Натижада дунё аҳолисининг 3 фоизи (200 миллион киши) туғилиб ўсган юртини тарк этиб, иқтисодий аҳволи яхши бўлган давлатларга кўчган. Меҳнат миграцияси ундан ҳам тез суръатларда ўсмоқда. 1960 йилда мигрантларнинг сони 3,2 миллион, 1993 йилда 30 миллион кишини ташкил этган бўлса, 1999 йилга келиб 45 миллион нафарга етди. Янги аср бошларида улар сони 50 миллион кишидан ортиб кетди. Бунга дунёнинг турли бурчакларида ишчи миграциясининг қуйидаги ҳолати мисол бўла олади.

Мигрантларни ўзига жалб этаётган йирик марказ Европа ҳисобланади: бу ерда 20 миллион қонуний мигрантлар ва уларнинг оила аъзолари мавжуд бўлиб, улардан 13 миллиони Европа Иттифокига тўғри келади. Ушбу минтақадаги ишчи кучи бозорининг ўзига хос хусусияти ҳар бир мамлакатнинг муайян стандартларга жавоб бермайдиган ўзига хослигидир. Шу билан бирга ушбу кўчишларда асосан 25 ёшгача бўлган ёшлар иштирок этмоқда: Францияда – 40,2%, Нидерландияда – 40,2%, Белгияда – 49,8%ни ташкил этади.

Халқаро меҳнат ташкилотининг маълумотларига қараганда, халқаро меҳнат алмашинувида иштирок этаётган 98 та асосий давлатларнинг 31 таси ишчи кучини экспортёр килаётган давлат ҳисобланади, яъни импортёр давлат ҳисобланади, қолган 24 таси ҳам экспортёр, ҳам импортёр мамлакатдир.

XIX асрнинг охириларидан Биринчи жаҳон урушига қадар орқага қайтилмайдиган миграция кўп бўлган. АКШ, Канада, Австралияга доимий яшаш учун европалик эмигрантлар келган ва унда реэмиграция жараёни бўлмаган. Шу даврда Европа мамлакатларининг биридан иккинчисига ўтиш-ички континентал миграция ривожланган. 50-60 йилларда эса, вақтинчалик характерга эга бўлган ички континентал меҳнат миграцияси кенг тарқала бошлади. Ҳозирги замон миграциявий жараёни ўзининг мазмуни ва оммавийлиги бўйича нафақат XIX асрдаги, балки XX асрнинг биринчи ярмидан ҳам фарқ қилади. Унинг асосий ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардир:

1. Миграция барча минтақаларни, бутун дунёни қамраб олди ва глобал характер касб этди. Меҳнат ресурсларининг дунё миграциясининг ҳаддан ташқари кенг масштабда эканлиги ҳозирги замоннинг ўзига хос муҳим хусусияти ҳисобланади.

2. Агар 50-70 йилларда миграция оқими асосан ривожланаётган мамлакатларга оқиши кузатилган бўлса, 80 йиллардан бошлаб тескари миграция жараёни кузатилмоқда: чет эл ишчи кучи нисбатан ривожланган мамлакатлардан камроқ ривожланган мамлакатларга кўчиши кузатилмоқда.

3. Ишчи миграциясининг ҳал қилувчи мотиви иқтисодий манфаат бўлиб қолмоқда.

Ишчи кучи миграцияси муҳим иқтисодий омилдир. Шунинг учун ҳам ундан самарали фойдаланишга интилиш лозим. Ҳалқаро ишчи кучи бозорини тартибга солиш импорт ва экспорт қилувчи давлатларнинг миллий қонунчилиги ҳамда давлатлараро ва идоралараро келишувлар асосида амалга оширилади. Хорижий ишчи кучининг кириб келишини чекловчи ҳамда уларнинг ўз ватанларига қайтиб кетиши (реэмиграция)ни рағбатлантирувчи дастурлар бюджетдан молиялаштириш ёрдамида амалга оширилади. Бунда иммигрантларни камайтириш мақсадида уларнинг касбий малакаси, маълумоти, ёши. Соғлиги, сон ва географик томондан квоталаниши, бевосита ва билвосита кириб келишини таъқиқлаш ҳамда бошқа чеклашлар қўлланилади. Зарур ҳолларда иммигрантларга маълум пул тўловларини амалга ошириш, уларнинг ватанида янги иш жойларини яратиш, уларни касбга тайёрлаш орқали ҳам реэмиграция рағбатлантирилади.

Хулоса қилиб айтганда, ишчи кучи миграцияси - бу ҳаётий зарурат бўлиб, у барча мамлакатларда доимий равишда давом этаверади.

Миграция: яшаш учун кураш

С. Умарханов

Наманган Давлат университети талабаси

Аҳоли миграцияси янги минг йиллик бошида ўзгача кифо касб этмоқда. Ҳалқаро миграция ташкилоти маълумотларига кўра, бугунги кунда дунё аҳолисининг 3 фоизи (200 млн. киши) туғилиб ўсган юртини тарк этиб, иқтисодий аҳволи яхши бўлган давлатларга кўчиб ўтган. Бу кўчишлар халқаро меҳнат тақсимотидаги нотенглик, мамлакатлардаги зиддиятлар, ишсизлик, нотинчлик ва шу каби кўп омиллар билан боғлиқ. Европада Буюк Британия, Франция ва Германия, Осиёда Саудия Арабистони, Покистон, Гонконг каби давлатлар ҳозирги кунда мигрантларни энг кўп қабул қилаётган мамлакатлар саналади. Қадимда аҳоли кўчишлари эркин ва беқарор бўлган, кейинчалик эса маълум бир мақсадлар ёки сиёсий манфаатлар таъсирида рўй берган. Бироқ бу омиллар кўп жабҳаларда бурилишлар ясада, умуминсоний қадриятлар, маданиятларга дахли йўқ эди.

Кейинги ўн йилликларда одамларнинг ўзга ўлкаларда қўним топиши ва меҳнат қилиши мамлакатларнинг иқтисодий, сиёсий аҳволига таъсир этибгина қолмай, башарият ҳаётида янгича цивилизациялар, маданий босқичларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Миграция ҳар бир даврда турлича аҳамият

касб этган, у айрим жамиятларда муаммолар туғдирса, баъзиларида ижобий самара берган. Масалан, XIX асрда Англияни иктисодий таназулдан асраб қолган уч омилдан бири аҳолининг оммавий эмиграцияси эди. Япониянинг ривожланишига жадаллик киритган нарса ўтиш давридаги четга чикиб кетган фуқароларнинг катта ҳаётий тажриба, мол-мулк ва кимматбаҳо бойликлар билан қайтиши бўлган.

Ташқи ишчи кучи миграцияси халқаро иктисодий алоқаларда муҳим ўрин тутиб, аввало, ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакатларда ишсизлар сони қисқариши, хорижий мамлакатлардан валюта келишини таъминлаган. Бу эса, табиийки, мазкур мамлакатнинг миллий даромади ўсишига таъсир этади.

Халқаро миграция ташкилоти экспертларининг ҳисоб-китобларига кўра, хорижда ишлаётган ҳар бир ишчи ўз мамлакатига йилига ўртача 2-10 минг АҚШ доллари олиб келади. Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрича, ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакатларнинг даромади расмий эълон қилинган маълумотдан икки марта кўпдир, чунки мигрантлар ўзлари билан жамгарилган пул, техника ва асбоб-ускуналар ҳам олиб келишади.

Айтиш жоизки, кишилиқ жамиятининг барча даврларида миграция рўй берган. Европа ва Осиёда кўп халқларнинг таркиб топишига таъсир кўрсатган йирик аҳоли миграцияси ўрта асрларнинг бошларига туғри келди. Айниқса, XV-XVII асрларда аҳолининг кўчиши жуда авж олди. Янги китъа — Америкага Европадан кўчиб борувчилар сони борган сари кўпайди: дастлаб у ерга испанлар ва португаллар, сўнгра французлар, голландлар, инглизлар, шотландияликлар ва бошқа миллат вакиллари боришган.

“Яшаш учун қулай жой кидириш” — миграция жараёни Россия тарихида ҳам кўп бўлган. 1861-1914 йиллар мобайнида мамлакатнинг Европа қисмидан 5 миллиондан ортиқ аҳоли кўчиб келди. Натижада шаҳарларда яшовчилар 1911 йилда жами мамлакат аҳолисининг 6 фоизини ташкил этган бўлса, 1913 йили 18 фоизга етди. Ўша вақтда четдан келганлар Тошкентда 17 фоизни, Самарқандда 21 фоизни, Боқуда эса 64, Олмаотада 53 фоизни ташкил қилган. Шунинг таъсирида ўрта Осиёдаги ҳамма эски шаҳарлар бикинида “йўлдош” шаҳарлар бунёд бўлган. Шунингдек, темир йўл ёқаларида, ҳатто айрим кишлоқларда аҳоли яшайдиган кўрғончалар пайдо бўлди. Авлиёта, Чимкент, Тошкент, Самарқанд, Фарғонада 1865-1910 йиллар мобайнида 68 та ана шундай кўрғонча ташкил топди. Бу даврда Марказий Осиёдаги аҳоли миграцияси чор Россиясининг сиёсий, иктисодий манфаатларига бевосита боғлиқ эди.

Миграция тарихи кўплаб бурилишлар ва эврилишларга бой. Иккинчи жаҳон уруши даврида турли сабабларга кўра фуқароларининг муайян қисмини йўқотган мамлакатлар урушдан кейин ўз аҳолисини миллий жиҳатдан яхлитлаш тадбирини кўрди. Шунинг натижасида ўзга мамлакатларда яшаган 12 миллион немис, Хитой ва Корея Халқ Демократик Республикасидан 6 миллион япон, турли жойларда яшаётган бир миллион яҳудий ўз ватанига қайтди.

Юкорида таъкидлаганимиздек, қадимда ҳам, яқин юз йилликларда ҳам миграция бизнинг давримиздагидек салмоқли аҳамият касб этмаган. Улар шу пайтгача давлатларнинг тараққиётига, ижтимоий, сиёсий фаолиятига, фан-техника ютуқларига таъсир этиб келган бўлса, ҳозирда умумбашарий маданиятларнинг истикболига ҳам таҳдид солаётир, маданиятлар тўқнашуви юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Аввал “маданият” тушунчаси муайян ҳудудларга сиёсий чегараларга боғлиқ ҳолда тушунилган бўлса, эндиликда бу тушунча ҳудудий аҳамият касб этмай қолди. Бугун турк маданиятини мамлакат чегаралари билан белгилаб бўлмайди. Чунки Берлин аҳолисининг катта қисми турк маданияти вакиллари. Қолаверса, бугун оддий ҳол ҳисобланувчи ярим умрини Мексикада, ярим умрини АҚШда ўтказадиган ишчиларнинг маданиятини қандай тушуниш керак?

БМТ маълумотларига кўра, 1995 йилда 125 миллион киши ўзга мамлакатларда яшаган. Ўша пайтда яширин эмигрантларнинг сони 30 миллион киши атрофида бўлган. Бугун эса бу рақамлар анча ортиб кетди. Аҳолининг бундай суръатда кўчиб юриши цивилизацияларга бевосита таъсир ўтказмоқда. Бу жараёнда эса барча мамлакатлар ўз миллийлигини асраш учун зарурий чоратадбирларни кўриши зарур. Чунки миграциялар таъсирида тилга, миллий маданиятга эътиборнинг сусайиши миллат ва миллий ғурурга таъсир ўтказиши ҳам сир эмас. Бу ҳолат тарихда ҳам ўз исботини топган.

Наманган вилояти таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида ички миграциянинг солиштирма таҳлили

Б. Ўринов

Наманган Давлат Университети аспиранти

Ш. Нуриддинова

Наманган Давлат Университети ўқитувчиси

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон аҳолисининг иш билан таъминланганлик даражасига республикадаги ички миграция оқимлари ҳам бевосита таъсир кўрсата бошлади.

Ички миграция жараёнлари ҳудудий жиҳатига кўра қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- қишлоқ-шаҳар миграцияси;
- қишлоқлараро миграция;
- шаҳар-қишлоқ миграцияси;
- шаҳарлараро миграция.

Ички миграция жараёнларида биринчи галда қишлоқ аҳолисининг шаҳар томон ҳаракатланиши муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, Наманган

вилоятда ҳам ушбу миграция жараёни қолган ички миграция жараёнларидан кескин фарқ қилади.

Наманган вилоятидаги шаҳар-кишлоқ миграцияси жараёнларини ўрганиш мақсадида таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидан танланма асосида Наманган шаҳрининг чекка ҳудудида жойлашган 2-сонли ихтисослашган мактаб интернат, НамДУ 2-сонли академик лицей ва Вилоят силга қарши курашиш диспансерида ҳамда шаҳар марказидаги Вилоят кўп тармоқли Марказий шифохонасида анкета сўровлар ўтказилди. Сўровномада асосан аҳолининг ижтимоий – иқтисодий муаммоларини таққослашга қаратилган саволлардан фойдаланилди.

Сўровда жами 80 нафар респодент иштирок этиб, уларнинг 50 нафари соғлиқни сақлаш ва 30 нафари таълим соҳаси вакилларидан иборат бўлди.

Ўтказилган сўров натижаларига кўра таълим соҳасида фаолият олиб бораётганларнинг 40 % аёллардан ва 60 % эркаклардан иборат эканлиги аниқланди. Шунингдек соғлиқни сақлаш соҳасида фаолият олиб бораётган ходимлар сонига аёлларнинг улуши 72 % ни ва эркакларнинг улуши 28 % ни ташкил қилди.

Сўровда иштирок этганларнинг асосий қисми 20-30 ёш оралиғидаги ишловчилар ташкил қилган бўлиб, таълим соҳасида 40 % ва соғлиқни сақлашда 60 % дан иборат бўлди. Респодентларнинг маълумот даражасига тўхталадиган бўлсак, таълим соҳасида фаолият олиб бораётганларнинг 86 % ни олий маълумотлилар ва 14 % и туликсиз олий маълумотлилардан иборат бўлган бўлса, соғлиқни сақлаш соҳасида олий маълумотлилар 8 % ни, ўрта махсус маълумотига эгалар 60 % ни ва ўрта маълумотлилар 32 % ни ташкил қилди. Сўровномада иштирок этганларга “Турмуш ўртоғингиз ҳам ишлайдими?” деб савол билан мувожаат қилинганда таълим соҳасида 40 %, соғлиқни сақлаш соҳасида 12 % респодент ижобий жавоб берган бўлса, таълим соҳасида 60 % ва соғлиқни сақлаш соҳасида 88 % респодент рад жавобини берган.

Сўровнинг иқтисодий қисмида респодентларнинг ўртача ойлик даромадлари ва кунлик харажатлари ҳамда ушбу даромадларидан қониқиб ёки қониқмасликлари савол қилиб берилган. Ойлик даромади 200 минг сўмгача бўлган респодентлар таълим соҳасида 46 % ни ва соғлиқни сақлаш соҳасида 80 % ни, ойлик даромади 200-300 минг сўмгача бўлганлар эса таълим соҳасида 46 % ни ва соғлиқни сақлаш соҳасида 12 % ни ҳамда 300 минг сўмдан ортиқ даромад қиладиган респодентлар эса таълим соҳасида ҳам, соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам 8 % ни ташкил қилди. Шунингдек, респодентларнинг таълим соҳасида 40 % и кунлик харажати 2000-3000 сўмгача бўлганлардан иборат бўлган бўлса, соғлиқни сақлаш соҳасида 40 % респодент кунлик харажатлари 5000 сўмдан юқорини ташкил қилган. Масаланинг бошқа томонига эътибор қиладиган бўлсак, таълим соҳасида фаолият олиб боровчиларнинг ойлик даромадлари юқори ҳамда кунлик харажатлари соғлиқни сақлаш соҳасига нисбатан кам. Соғлиқни сақлаш соҳасида эса бунинг аксини кўриш мумкин.

Юкорида саволлардан сўнг респодентларга бугунги даромадларидан қониқиш ёки қоникмасликлари тўғрисидаги савол билан муржоат этилганда таълим соҳасидаги 53 % респодент бугунги даромадидан қониқиши таъкидлаган бўлса, соғлиқни сақлаш соҳасида даромаддан қониқувчилар салмоғи 60 % ни ташкил қилган.

Сўровлар давомида таълим соҳасида 86 % ва соғлиқни сақлаш соҳасида 92% респодент бугунги меҳнат шароитларидан қониқишларини айтиб ўтишган. Шунингдек, сўров натижасида Наманган шаҳрига келиб ишловчиларнинг асосий қисми Наманган (35%), Уйчи (18%), Норин (13%), Учқўрғон (10%) ва бошқа туманлардан (24%) эканлиги аниқланди.

Респодентлардан Наманган шаҳрига келиб ишловчилар учун қандай шароитлар яратилиши кераклиги сўралганда сўровда иштирок этганларнинг асосий қисми туманлардан шаҳарга автобус қатновининг йўлга қўйилиши ва бундан ташқари ички мигрантлар учун кредит асосида турар жой сотувини йўлга қўйиш истагини билдиришган.

Юкоридаги маълумотларга асосланган ҳолда қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

- Наманган шаҳрида ички миграция жараёнлари соғлиқни сақлаш соҳасида таълим соҳасига нисбатан юқори даражада;
- соғлиқни сақлаш соҳасида таълим соҳасига нисбатан аёллар меҳнатидан кўпроқ фойдаланилмоқда;
- маълумот даражасига кўра эса таълим соҳасида соғлиқни сақлаш соҳасига нисбатан олий маълумотлилар кўпчилиқни ташкил этмоқда;
- даромадлар бўйича эса таълим соҳасида соғлиқни сақлаш соҳасига нисбатан юқори;
- харажатлар эса бунинг акси, яъни соғлиқни сақлаш соҳасида фаолият юритувчилар таълим соҳасидагиларга қараганда харажатлари юқорироқ.

Меҳнат миграцияси: мозий ва ҳозирги замон

З. Худайбердиев

ФЖЎИ Наманган МАТМ бош илмий ходими, и.ф.н., доц.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда демографик ўсиш, яъни аҳолининг нисбий даражасининг ўсиши пасайган бўлсада, ўтган йиллардаги демографик вазият оқибатида меҳнат ресурсларининг юқори суръатларда кўпайиши давом этмоқда. Бу ҳолат меҳнат бозори етарли даражада демографик босим остида эканлигидан далолат беради. Бундай шароитда ишчи кучини бошқа давлатларга экспорт қилиш жараёнини кенгайтиришга объектив зарурат туғилади.

Масаланинг тарихий жиҳатлари шундаки, Ўзбекистонда меҳнат миграцияси доимо мамлакат ичида (қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларини етиштириш учун мамлакатнинг жанубий ҳудудларига кетиб ишловчи «гектарчилар») ҳамда собиқ Иттифок давлатлари доирасида (ташкилий

равишда Қозоғистон, Россиянинг нокоратупрок ҳудудлари, собик Иттифок ҳудудидаги янги қурилишларга жамоатчилик чакируви бўйича ҳамда ихтиёрий равишда собик Иттифок ҳудудида мева-сабзавот маҳсулотлари савдоси билан шуқулланиш) мавжуд бўлган. Шунингдек, чекланган миқдорда бўлса ҳам ташки меҳнат миграцияси мавжуд бўлиб, бунда чет элларга ишлаш учун чиқишнинг ташаббускори сифатида ишлаш учун кетаётган шахс эмас, балки ишлаб чиқариш тузилмалари ва бошқариш органлари тимсолида давлат гавдаланган. Заруратга қараб баъзи касб эгалари ва мутахассислар ёрдам сифатида ривожланаётган мамлакатларга ишлаш учун юборилган. Ташки миграциянинг бундай турида малакали геологлар, сув ҳўжалиги мутахассислари (ирригаторлар, мелиораторлар ва бошқалар), врачлар, курувчилар қатнашганлар. Бунда давлат органлари монопол тарзда чет элга ишлаш учун юборилаётганларнинг нафақат сонини, балки уларнинг жинси, ёши, маълумоти, касби, партиявийлиги каби сифат кўрсаткичларига аҳамият берганлар.

Меҳнат миграциясининг ҳозирги кўлами, фаолият йўналишлари ва мазкур жараёнда қатнашувчи (субъект)лари таркиби собик Иттифок давридаги меҳнат миграциясидан фарқ қилади.

Ўзбекистонда ишчи кучини четга чиқариш юзасидан давлат монополияси мавжуд бўлганлиги боис, бу масалада қонуний хусусий воситачилик фаолияти мавжуд эмас. Давлат томонидан ташки миграция бўйича амалга оширилаётган ишлар четга чиқиб ишлаш истаги бўлган аҳоли талабини қондирмайди. Шунинг учун ташки миграциясининг асосий қисми туризм, чакирув визалари, қиска муддатга чет элга чиқиш каби шаклларда ҳам амалга оширилмоқда.

Ташки меҳнат миграциясида бевосита иштирок этаётганлар ўртасида ўтказилган тадқиқотлар таҳлили шунини кўрсатмоқдаки, ташки меҳнат миграциясига мажбур этаётган асосий омил бу - моддий омил бўлиб, юқори даромад топиш иштиёқи (55%), яшаш жойида иш йўқлиги (17,5%) ёки иш ҳақининг пастлиги (17,5%) ҳисобланади. Меҳнат мигрантлари касбий тайёргарлик, малака талаб қилмайдиган, обрўсиз, кам ҳақ тўланадиган иш турлари билан банд бўлсалар ҳам, ўз иш ҳақларидан қониқиш ҳосил қилаётганликлари (респондентларнинг 70%) маълум бўлди. Респондентлар чет элда ишлаш жараёнидаги қийинчиликларнинг асосийлари сифатида қуйидагиларни эътироф этдилар: тил билмаслик (41,7%), муомаланинг камлиги (33,3%), оиладан узоклик (16,7%). Шунингдек, респондентларнинг баҳолашларида, меҳнат мигрантларининг 47,5 фоизи ижарада яшайдилар, бу эса топилаётган даромадларнинг қайишига олиб келади ва ижара харажатларини қайиштириш мақсадида улар ишлаётган жойларида яшашни афзал кўрадилар.

Тадқиқот натижаларига кўра, меҳнат мигрантларини, асосан, 2 тоифага ажратиш мумкин:

• самарали ишлаган ҳолда пул жамғариб, сўнгра уйга қайтишни хоҳловчи мигрантлар (уларнинг бир қисмини таъкидлашича, жамғарилган пул билан ўз оилаларининг юкори турмуш даражасини таъминлай оладилар, бошқаларининг фикрича, уйга қайтгач, жамғарилган пулни тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга сарфлайдилар);

• меҳнат миграциясини чет элда доимий яшаб қолиш истагини амалга ошириш босқичи сифатида кўрувчи мигрантлар.

Бу икки тоифа ўртасидаги нисбат тахминан 70 фоизга 30 фоиз ҳисобланади, яъни меҳнат мигрантларининг учдан бир қисми учун чет элда ишлаш эмиграция учун трамплин ҳисобланади.

Хулоса сифатида шунини айтиш мумкинки, ишчи кучи экспорти нафақат меҳнатда бандлик муаммосини қисман ҳал этишда, балки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши, замонавий билимларни эгаллаган малакали мутахассисларнинг кўпайиши ва келгусида Ўзбекистоннинг ҳар томонлама тараққий этган мамлакатга айланишида ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ташқи меҳнат миграциясидан фойдаланиш мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун имкониятлар яратишини ҳисобга олиб:

- республиканинг ташқи ишчи кучи миграцияси бўйича давлат сиёсатининг ишлаб чиқилиши ҳамда унда давлатнинг ушбу соҳага бўлган сиёсати, мақсад ва вазифалари, ташқи меҳнат миграциясини ташкил қилиш механизми ва ушбу жараёнларга давлат томонидан таъсир ва назорат қилиш чоралари аниқ ифодаланиши лозим;

- шунингдек, мамлакатимизда миграция жараёнларини амалга оширишнинг институционал асосларини халқаро меъёрларга мослаш, ушбу соҳада муқобил хизматни ташкил қилиш, қолаверса касб-ҳунар коллежларида ёшларга жаҳон меҳнат бозорига чиқадиган даражада билим бериш, уларни меҳнат мигрантлари қабул қиладиган давлатлар меҳнат бозоридagi талабни ўрганган ҳолда тайёрлаш ишларига ҳам аҳамият қаратиш зарурати мавжуд.

Меҳнат миграцияси ва бандлик

Ш. Юнусов

Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти талабаси

Ҳозирги замон миграциявий жараённинг ўзига хос хусусиятлари куйидагилардир:

1. Меҳнат ресурсларининг миграцияси халқаро меҳнат бўлиниши принципларига асосланган ҳозирги замон ишлаб чиқариш технологияларининг такомиллашувига ҳам ёрдам бермоқда. У биринчи ўринда, жаҳон хўжалик тизимида ишлаб чиқаришни ташкил этувчи трансмиллий компанияларнинг фаолияти билан боғлиқдир.

2. Ривожланишнинг ҳозирги босқичида ноқонуний ишчи кучлари сезиларли даражада ўсди ва дунё муаммоларидан бирига айланди.

3. Халқаро миграцияда илмий-техникавий тараққиётга боғлиқ ҳолда сифат ўзгаришлари юз бермоқда. Унинг мазмуни малакали мутахассисларнинг сони кўчиб юрувчилар орасида сезиларли даражада ўсганлигидадир. Бугунги кунда бу жараёнга баъзи бир омиллар боғлиқдир. Яъни биринчи омил, «аклиларнинг кетиши (утечка мозгов)» ўрнига уларнинг циркуляцияси келди: миграция йўналишларида диверсификация бўлди. АҚШ малакали ходимларни ўзига тортиб олувчи умумэтироф этилган марказ бўлиб қолмоқда. Бироқ, бир вақтнинг ўзида саноати ривожланган мамлакатлардаги малакавий юқори тоифа вакиллари юқорида айтиб ўтганимиздек, вақтинчалик ишлаш учун ривожланаётган давлатларга кетишмоқда;

Иккинчи омил, юқори малакага эга шахсларнинг «сармоя» га эга, яъни «бир вақтда сармоя билан ёки унинг изидан» ҳаракатланиши принципиал воқелик бўлди. Бу биринчи ўринда трансмиллий компаниялар (ТМК) фаолиятининг ва малакали ходимлар мансабини кўтаришнинг катта имкониятлари билан боғлиқдир;

Учинчи омил, юқори малакали ходимлар миграциясининг ҳозирги даражаси учун принципиал равишда янги ташкилий даража таалукли бўлиб, у ўзига хос халқаро «бошлар учун овчилар» корпорацияларини вужудга келтирмоқда;

Тўртинчи омил, олий таълим тизимларининг интеграцияси кузатилмоқда. Яъни, талабалар ўз ўқишларини дунёнинг кўплаб мамлакатларида давом эттирмоқда. Масалан, хитойлик талабаларнинг АҚШ ва Японияда ўқиши, яъни бунда улар асосан ривожланаётган мамлакатлар ҳисобланади ва талабаларнинг қайтиб келишидан манфаатдор бўлади, аммо талабаларнинг кўпчилик қисми ўз юртига қайтиб келмайди.

Демак, юқорида биз кўриб ўтган ишчи кучларининг халқаро ҳаракат қилишига оид манзаранинг таҳлили шундан далолат бермоқдаки, ишчи кучларининг халқаро миграцияси – бу бозор иқтисодиётига таалукли бўлган объектив жараёндир. У мамлакатлар ўртасида капиталнинг айланиши, ташқи савдо алоқалари, халқаро иқтисодий интеграциянинг ривожланиши каби объектив ҳолатдир.

III-ШУЪБА

ОДАМ САВДОСИНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА ВА ЖАБРЛАНГАНЛАРГА ЁРДАМ БЕРИШДА ДАВЛАТ ВА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИГИ

Одам савдоси жиноятига қарши курашишда халқаро стандартлар ва миллий қонунчилик

А. Арипов

Наманган Давлат университети талабаси

Халқаро миқёсда авж олиб бораётган ва жадал суръатлар билан ошиб бораётган ташвишли муаммолардан бири сўзсиз - одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар бўлиб қолмоқда. Бугунги кунга келиб одам савдоси трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг асосий таркибий қисмига айланибгина қолмай, БМТ ва миграция бўйича халқаро ташкилотларни ташвишга солаётган муаммо саналади. Бунга сабаб Трансмиллий уюшган жиноий гуруҳларни баъзилари наркотик савдосидан воз кечиб, инсонларни пуллаш жиноятчилигига ўтганлиги ҳақидаги Интернет маълумотлари ҳам шундан далолат берадики бу соҳа нисбатан қулайроқ ва даромадлироқ бўлгани учун ҳам улар мазкур жиноятчиликка қўл урмоқдалар.

Жиноятчилар кейинчалик сотиш мақсадида болаларни ота-онасидан, хотинларни эридан (ёки аксинча), оналарни болаларидан ажратиб, жамиятнинг бошланғич бўғини бўлмиш оилани бузиб юборадилар, оиланинг бузилиши эса унинг соғлом ривожланишига ҳар томонлама тўскинлик қилади.

Мустақиллигимизнинг илк йилларидаёқ аниқроғи 1994 йил 22-сентябрда қабул қилинган Жиноят кодексининг “Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш” деб номланган 135-моддаси шахснинг озодлиги, шаъни ва кадр-қимматини химоялаш ва одам савдоси жиноятларининг олдини олишга қаратилган бўлиб, қонунда бунинг учун жавобгарлик нормалари мустаҳкамланган эди. Ушбу модданинг 2008 йилда янги таҳрирда эълон қилиниши ва унинг “Одам савдоси” деб номланиб бойитилиши ҳам ушбу жиноятчиликка қарши курашишдаги ва инсон манфаати йўлидаги муҳим кадам бўлди.

Шунингдек 2003 йилнинг 12-декабрида Ўзбекистон Республикаси БМТнинг 1949 йилнинг 21-мартдаги «Одамлар савдоси ва фоҳишабозликни учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида»ги Конвенциясига қўшилди. Бундан ташқари Одамлар, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ва бу қилмиш учун жазолаш тўғрисидаги, БМТнинг 2000 йил 15-ноябрда Нью-Йоркда қабул қилинган «Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида»ги Конвенциясини тўлдирувчи

Протоколни мамлакатимизда 2008 йилда ратификация қилинди. Бундан мақсад, давлатимиз аҳолига маълумот бериш, жабрдийдаларни ҳимоя қилиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган дастурларни қўллаб-қувватлаш ва ўтказиш орқали одам савдосининг олдини олиш ва унга барҳам бериш мажбуриятини ўз зиммасига олди.

Ушбу жинойтнинг оғирлиги, халқаро ҳамжамият эътиборидалиги ва бунинг учун курашда барча усуллардан қонуний асослар асосида самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилиб мухтарам юртбошимиз ташаббуслари билан 2008 йилнинг 17 апрелида «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонун ўз ичига олган энг муҳим омил шундаки одам савдоси жинойтига қарши курашда давлатимизнинг биринчи навбатдаги масъулиятли идоралари киритилган бўлиб жумладан булар Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Ташки ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва турли дипломатик ваколатхоналарни ўз ичига олиб, қонунда одам савдоси жинойтида жавбдорларни хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан буни таъминлашда тергов, суд, прокуратура органларининг топшириги билан ички ишлар идораларини тегишли бўлинмаларига вазифалар юклатилган. Бундан ташқари хурматли юртбошимиз И.А.Каримов томонларидан 2008 йил июлда қабул қилинган «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор асосида юқоридаги қонун нормалари амалга татбиқ этишда муҳим роль ўйнайди. Шунингдек юртимизда Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси тузилиб, унинг таркиби тасдиқланди ҳамда мазкур комиссиянинг иш режаси ишлаб чиқилганлиги одам савдосига қарши кураш мамлакатимизда барча ҳуқуқий асослар яратилиб, бу йўлда халқаро ҳамкорликни амалга ошириб, шу асосда жамиятнинг барча бўғимларида ва халқ орасида мазкур хавфли жинойтга қарши курашиб келинаётганлигининг ёрқин далили саналади.

Миллий қонунчилигимиздаги муҳим нормалардан мамлакатимиздаги одам савдосига қарши курашишга оид қатор халқаро ҳужжатларни, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Трансмиллий уюшган жинойтчиликка қарши кураш тўғрисида"ги Конвенцияси, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ушбу Конвенциясини тўлдирувчи "Одам савдоси, айниқса, аёллар ва болалар савдосини олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақида"ги Протоколни ратификация қилингани, Ўзбекистон Республикасининг Олий судининг "Одам савдосига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги Пленуми қароридан юқорида Одам савдоси билан боғлиқ халқаро стандартларнинг миллий қонунчиликка имплементация қилингандан сўнг қабул қилиниб ундаги одам савдосидан фарқли равишда, Жинойт кодексининг 135-моддасида назарда тутилган бошқа барча ҳоллар ёллаш, таниш, топшириш, яшириш, қабул қилиш, қаби жиний жавобгарлик юзага

келиши билан боғлиқ ҳолатларни тўлиқ ёритилиши қонунларнинг аниқ ва бир хилда судлар томонидан қўлланилишини таъминлайди.

Ислом дини ва одам савдоси

М. Бадриддинов

Норин туман “Бадриддин хожи” жомъе масжиди имоми

Инсон – бу мавжудотлар ичида энг улуғи эканлиги ва борлиқ инсонга хизмат қилиши учун яратилганлиги ҳақида Қуръон қаримда жуда кўп оятлар бор. Ал-Исро сурасининг 30 - оятида Аллоҳ таоло: “Биз одамларни азизу муқаррам қилиб яратдик...” деб алоҳида таъкидланиши инсонни қадри нақадар баланд эканлигини кўрсатади. Аллоҳ таоло инсонни яратгандан кейин барча фаришталарни Одамга сажда қилишга буюрди. Саждадан бош тортгани учун ҳузуридаги фариштадек зотни лаънатлаб ҳайдаши ҳам Одамни қадрини нақадар улуғлигини кўрсатиб турибди.

“Одам савдоси” деб ҳозирги кунда номланган биргина жиноят замиридаги маънавий жиноятларга назар солсак, динимизда “Гунҳи қабира” деб аталадиган, кишиларни охирагга шарманда бўлишларига сабаб бўладиган қуйидаги иллатларни кўрамиз:

1. Ёлғон. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Дўзах аҳли беш тоифа” дедилар, булардан бирига “... тонг отса ҳам, кеч кирса ҳам сени аҳли оиланг ва моли дунёнинг борасида алдамоқчи бўладиган кимса...” деб таъриф бердилар (*Имом Муслим ривояти*).

Ёлғон қачон керак бўлади? Киши ўзининг айбини ёлғон орқали беркитади, башарасини яшириш учун ёлғон ишлатади.

Қуръони қарим Зумар сураси 3 оятда Аллоҳ таоло: “Шак шубҳа йўқки Аллоҳ ёлғончи кимсаларни ҳидоят қилмас”.

Ғофир сураси 28 оятда “Албатта Аллоҳ ҳаддан ошувчи, ёлғончи кимсаларни ҳидоят қилмас”.

2. Хиёнаткорлик. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: “Қиёмат кунида ҳар бир (аҳдини бузган) хиёнатчини танитиб турадиган байроғи бўлади. Бу фалончининг байроғи дейилади” (*Имом Муслим ривояти*).

3. Аҳдга вафо қилмаслик. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: “Мунофиқнинг белгиси учта бўлади. Қачон гапирса ёлғон гапирди, аҳдлашса аҳдида турмайди, омонат қўйилса хиёнат қилади” (*Муттафақун алайҳ*).

4. Алдамчилик. Абу Бақир сиддик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам “Алдамчи, миннатчи ва бахил жаннатга қирмайди” дейдилар” (*Термизий ривоятидан*).

5. Қасамхўрлик. Расулulloх соллalloху алайҳи ва саллам: “Кимки (ёлғон) қасам ичиб мусулмон кишининг ҳаққини ўзиники қилиб олса, батаҳқиқ Аллоҳ унга дўзахни вожиб қилиб, жаннатни ҳаром қилади”, дейдилар. “Ё Аллоҳ, арзимаган нарса бўлса ҳамми?” деб сўрашган эди, “Бутанинг бир новдаси бўлса ҳам” деб жавоб бердилар (*Муттафақун алайҳ*).

“Гуноҳи кабиралар – Аллоҳга ширк келтириш, ота-онага оқ бўлиш ва ёлғон қасам ичиш” дедилар (*Бухорий, Насай, Термизий ривояти*).

6. Зулм. Пайғамбар соллalloху алайҳи ва саллам айтадилар: “Парвардигор азза вазалла айтди: “Эй бандаларим! Мен ўзимга зулмни ҳаром қилдим ва уни сизларнинг орангизда ҳам ҳаром қилдим. Бас, бир-бирингизга зулм қилманглар” (*Имом Муслим, Имом Термизий ва Ибн Моҷжа ривояти*).

7. Она бола орасини ажрати ва хоказо...

Муқаддас Исломи дини ер юзига тарқала бошлаган дастлабки вақтданок султонлар, беқлар қўли остида “Киши-кишига қул” деган тушунча зулм остида хор бўлаётган Аллоҳнинг муштипар бандаларининг “Киши-кишига эмас балки, ҳамма баробар ягона Аллоҳга қул”- деган шиорни жорий қилиш учун кураш эълон қилгандир. Мазкур зулмни ҳалқлар устидан олиб ташлаш учун ислом ўзининг “Ҳамма ягона ота ва онадан тарқалган” – деган олий шиорни эълон қилгандир.

Демак, Исломи дини меҳр-шавқат динидир. Инсонийлик динидир.

Маълум бўладики, одамларни алдаб, уларни ҳақларига тажовуз қилиш оқибати Аллоҳнинг қаҳрига рўпара қилар экан. Ўша ўч олинадиган кунгача Аллоҳга тавба қилиб, бировни ҳақини жойига қўйиб қўйиш, оилаларнинг тинч, маҳаллаларни обод, оҳиратни ҳайриятлик бўлишига сабаб бўлар экан.

Пайғамбар соллalloху алайҳи ва саллам шундай деб марҳамат қилганлар: “Мўмин мўмин бўла олмайди, қачонки ўзи яхши кўрган нарсани бировларга яхши кўрмагунча” (*Имом Термизий ривояти*).

Аллоҳ таоло барчаларимзни муқаддас динимиз кўрсатмаларига мос ҳаёт кечириб, ўзининг розилигини топишликка муваффақ айласин.

Одам савдосининг олдини олишда маҳалланинг ўрни

З. Исақова

Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти, ф.ф.н, доц.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, “Одам ўз мустақил фикрига, собит этикодига, ўзи таяниб яшайдиган ҳаётий-миллий кадрятларга, шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли мафқуралар босимига, уларнинг гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона кўринишдаги таййикларига бардош бериши амримаҳол”.

Мамлакатимиз истиклолга эришгандан бошлаб, жамият ҳаётининг турли жабҳаларида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилиб, муайян натижаларга ҳам эришилмоқда. Қисқа давр ичида қонунчилик тизимида ҳам инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатларини таъминлаш борасида катта тадбирлар амалга оширилди. Миграция жараёнлари фаоллашиб, фуқароларнинг меҳнат қилиш, таълим олиш, саёҳат қилиш, тижорат қилиш ва бошқа мақсадларда бошқа давлатларга чиқиши, эркин фаолият олиб бориши учун имкониятлар кенгайди. Оммавий ахборот воситалари ёрдамида “шинам ва гўзал, бирор ерида гард йўқ гуллаб-яшнаётган шаҳарлар, дўконларда кўзни камаштирадиган пештахталар” кўрсатилган давлатга бориш истагида бўлган кишилар кўп ҳолларда “хўроз ҳамма ерда бир хил кичкиришини” назардан қочирдилар. Рекламалар “жаннат ўлкаси” деб таърифлаган шаҳарлар ватандошларимизни ўз домига торта бошлади. Наркотик, инсон органлари, одамларни қул қилиб сотиш каби жиноий ишларга кенг йўл очилди. “Молиявий чайковчи”лар бойлик илнжида минглаб кишилар шаъни, эрки ва меҳнатини қадрсизлантирдилар. Транснационал компаниялар арзонгаров ишчи кучига эга бўлиб, ўз мамлақати фуқароларининг ишсиз қолиши ва аҳолининг қашшоқлинишига бефарқ қарадилар. Ўзгалар ҳаётига бефарқлик, худбинлик ва бойликка ўчлик каби салбий иллатлар натижасида фарзанд отасини, ака укасини, жиян тоғасини, жонажон дўстини, маҳалладошини, хуллас, ватандошини арзимас пулга сотди ва бу жараён 2008 йилгача давом этди. 2008 йил 17 апрелда “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди.

Одам савдосига қарши кураш самарадорлигини ошириш чоратадбирларини амалга ошириш мақсадида 2008-2010 йилларга мўлжалланган миллий тадбирлар режаси тасдиқланиб, қилинажак аниқ вазифалар белгилаб олиниши натижасида одам савдоси билан боглик жиноятлар салмоғи камайди. Одам савдосига қарши кураш олиб бориш ва унинг олдини олиш маҳалла фуқаролар йиғини олдига ҳам кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни қўйди. Кўплаб адашган, алданган, қулликка маҳкум этилган фуқароларимиз юртига қайтишга муваффақ бўлди.

Одамлардан ноқонуний фойдаланиш, уларнинг ғайриқонуний миграцияси, одам савдосига қарши курашиш нафақат давлат ҳуқуқни тартибга солувчи органларнинг иши, балки ҳаммамизга тегишлидир. Статистик маълумотларга қараганда, сўнгги беш йил ичида фуқаролардан мурожаат этгани 5000 нафари одам савдоси билан боглик жиноятларда жабрланган. Уларнинг 4192 нафари эркаклар, 1102 нафари аёллар, 182 нафари вояга етмаган ўсмирлардир. Яна мурожаат етмаган ва ҳануз жабрланаётган хўрлик ва камситиш, мажбурий меҳнат, донорлик, қуллик, фоҳишабозлик билан шуғулланаётган юртдошларимиз қанча эканини бир мулоҳаза қилсак... мудҳиш манзара кўз олдимизга келади.

Муаммонинг ечимини топиш ва уни бартараф қилиш учун оила, маҳалла, мактаб, лицей, коллеж, олий таълим муассасаларида одам савдоси жинояти ва унинг оқибатлари ҳақида тушунтириш ишларини мунтазам йўлга қўйиш, осон пул топишнинг аянчли оқибатларини мисоллар ва видеоклиплар орқали очиб бериш, одам савдоси жиноятининг жамиятимиз, менталитетимиз учун катта фожиа олиб келишини англатиш зарур. Бу борада республикамизда ижобий ишлар амалга оширилганини қайд этиш ўринли. Маҳалла катта мамлакат ичидаги кичик бир шаҳарга киёсланади. Халқимиз асрлар оша маҳалланинг нуфузини саклаб қолган. Мухтарам Президентимиз ҳам бу ҳақда тўхталиб, “асрлар мобайнида маҳаллаларда кўпдан-кўп ҳаётий муаммолар ўз ечимини топиб келади. Маҳаллаларда сиёсий, иқтисодий ва бошқа масалаларга доир жамоатчилик фикрлари шаклланади. Бу эса халқимизнинг турмуш тарзи, ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб келаётган тафаккур тарзидир... маҳалла жамият учун ишончли таянч ва таъсирчан куч бўлиб хизмат қилиши лозим”лигини таъкидлаган эдилар.

Фуқаролар йиғини маҳалла аҳли, айниқса ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, хотин-қизлар манфаатини ҳимоя қилиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ҳар бир маҳалла аъзосининг қаерда ва нима иш билан машғуллигини назорат қилиш, чет элда ишлаш истагидаги фуқаролар билан тушунтириш ишларини йўлга қўйиш, имконият даражасида иш билан таъминлашга кўмаклашиш, ночор оилаларга ижтимоий ёрдам беришни зиммасига олган. Одам савдосига қарши кураш борасида мухтарам Президентимизнинг “Огоҳ бўлинг, одамлар” деган даъвати ҳамиша маҳалла фаолларининг диққат-эътиборида бўлиши талаб этилади. Дунёнинг глобал ўзгариб бораётгани, турли ташқи таҳдидларнинг мавжудлиги маҳалла аъзоларидан ҳаётга тийран кўз билан қарашини такозо этади.

Маҳалла ҳозирги кунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва ҳимоя қилишда бевосита фаолият кўрсатмоқда. Бу ишларни янада кучайтириш ва қонунда белгиланган вазифаларни бажариш учун қандай чора-тадбир кўриш мумкин? Бизнингча, маҳалла жуда катта нуфуз ва салоҳиятга эга, яъни соғлом авлодни тарбиялаш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда, аҳолини, ёшларни ахборотлардан баҳраманд этишда, миллий кадриятларни умуминсоний кадриятлар билан бойитишда ҳали фойдаланилмаган имкониятлар мавжуд. Жумладан, маҳалла гузарларида спорт майдончалари, кутубхоналар ташкил этиш, кичик бизнес, тадбиркорлик ва миллий хунармандчиликни такомиллаштириш орқали фуқароларни иш билан таъминлаш имконияти юзага келади. Маҳалла инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш ва таъминлашнинг самарали механизмидан бирига айланиши учун аҳолининг ҳуқуқий онги, тафаккур эркинлигини ривожлантириш, ўқув семинарлари ташкил этиш яхши натижалар беради.

Шундай қилиб, фуқаролар “эркин ва фаровон ҳаёт” куриш йўлида ҳар қандай хатар, жумладан, иктисодий (инкироз, ишсизлик), ижтимоий (жиноят, ахлоқсизлик, маънавий таназзул), информация (шов-шув, ахборот қўлами кенглиги), мафқуравий (гоялар кураши), миллий қадриятларимизга қаратилган таҳдид, маънавий таназзул исқанжасидан озод бўлар экан, ҳеч қачон одам савдоси жабрдийдасига айланмайди.

Одам савдоси – глобал муаммо

Б. Исоқов

ФЖҲИ Наманган МАТМ етакчи илмий ходими, т.ф.н., доц.

Ўзбекистонда бозор иктисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этилмоқда. Жамиятнинг янада тараккий этишига ҳалал бераётган муаммолар орасида жаҳон микёсида кенг тарқалиб бораётган одам савдоси жинояти алоҳида ажралиб туради.

Ислом Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккийёт кафолатлари” номли стратегик аҳамиятга молик асарида бундан 13 йил муқаддам ҳақли равишда таъкидлаганидек: “...енгил йўл билан жуда катта бойлик орттириш шарпаси турли мамлакатлардаги жиноятчи унсурларнинг бирлашишига, халқаро жиноий ҳамжамиятлар пайдо бўлишига олиб келишини кўрсатувчи мисоллар бутун дунё амалиётида етарли”. XXI аср ибтидосида глобал тус олган одам савдоси трансмиллий жиноятчиликка айланганлиги Ўзбекистон Президентининг фикрини яққол исботлаб турибди. Бу муаммони ўрганиш бўйича 155 мамлакатда ўтказилган кузатувлар ҳам бундан далолат беради. БМТ БА 63- сессияси раиси Мигель д’Эското Брокман эътироф этишича, одам савдоси халқаро жиноий гуруҳларга йилига 32 миллиард АҚШ доллари миқдорида даромад келтирмоқда. Айрим экспертлар ҳисоб-китобларига кўра, дунё бўйича 200 миллиондан кўпроқ одам замонавий қулчилик қурбонига айланган. Ушбу чегара билмас жиноятчилик ҳозирги кунда 127 мамлакатда кенг тарқалган бўлиб, 137 давлатда эса иктисодий бекарорлик, сурункали ишсизлик ҳукм сураётган жойлардан мажбурий ишлаш учун одамлар келтирилиши давом этмоқда. Одам савдоси муаммоси борасида мамлакатларни “етказиб берувчи”, “транзит” ва “қулларни қабул қилувчи” давлатлар тоифасига киритиш мумкин. Аммо, айрим мамлакатлар бу функцияларнинг барчасини ўзлари “бажармоқдалар”.

Халқаро ҳамжамият томонидан трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўйича глобал тизимнинг яратилганлиги Ўзбекистон Республикаси “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилинишига эҳтиёж туғдирди. Ушбу қонун 2008 йил 17 апрелдан қучга кир-ган. ЎЗР Президентининг 2008 йил 8 июлдаги “Одам савдосига қарши кура-шиш самарадорлигини ошириш чора-гадбирлари тўғрисида”ги қарорига

би-ноан Республика Идоралараро комиссияси Низоми ҳамда 2008–2010 йиллар учун мўлжалланган Миллий тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

“Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунда одам савдосига қарши курашиш, одам савдоси ва одам савдоси билан шугулланувчи шахс тушунчалари қўлланган бўлиб, улар қонунчиликка атама сифатида ҳам киритилган. Бунга кўра, одам савдоси дейилганда “куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд бошқа мажбурлаш шаклларидан фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш орқали одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш” англади. Бу ўринда “одамлардан фойдаланиш” дейилганда “бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланиш ёки улардан шахвоний фойдаланишнинг бошқа шакллари, мажбурий меҳнат ёки хизматлар, қуллик ёки қулликка ўхшаш одатлар, эрксиз ҳолат ёхуд инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олиш” назарда тутилган бўлиб, “мустақил равишда ёки бир гуруҳ шахслар таркибида одам савдоси билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатни содир этувчи жисмоний ёки юридик шахс, шунингдек, ўз ҳаракатлари билан одам савдосига кўмаклашадиган, худди шунингдек, гарчи ўз мансаб ваколатларига кўра тўсқинлик қилиши ва қарши курашиши шарт бўлса ҳам одам савдосига тўсқинлик қилмайдиган ёки қарши курашмайдиган мансабдор шахс” одам савдоси билан шугулланувчи шахс сифатида эътироф этилади.

Шунингдек қонунийлик, одам савдоси билан шугулланувчи шахслар жавобгарлигининг муқаррарлиги, мазкур жиноятдан жабрланганларнинг камситилишига йўл қўймаслик ва ижтимоий ҳамкорлик сингари принципларга асосланадиган одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари сифатида Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистоннинг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгилаб қўйилган. “Одам савдосининг олдини олиш, уни аниқлаш, унга чек қўйиш, унинг оқибатларини минималлаштириш, одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича фаолият”ни мувофиқлаштириш учун одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси ва унинг ҳудудий бўлимлари тузилган. Шунингдек, одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни химоя қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ихтисослаштирилган муассасалар ташкил этилган. Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасида одам савдосига қарши курашиш бўйича ҳуқуқий асос яратилган.

Одам савдоси жиноятининг жуда кўп сабаблари мавжуд бўлиб, улар орасидан қуйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин: трансмиллий жиноий гуруҳларнинг ихтисослашуви; миграция жараёнларининг қучайиши;

демографик вазият; ишсизлар сонининг ошиб бориши; моддий муаммоларни тезда ҳал қилиш илнжи; юқори малакали касб-корга эга бўлмаслик; енгил, сердаромад иш топиш орзуси; ўзбекларнинг ишонувчанлиги ва соддалиги; ҳуқуқий саводсизлик; мавжуд вазиятга нисбатан лоқайдлик, бефарқлик; баъзи анъаналарнинг шафқатсизлиги; ғайринисоний ва ғайриқонуний ҳаракатлар; жабрланганлар элементар дунёқарашининг торлиги; мафқуравий ва ҳуқуқий иммунитетнинг заифлиги; ўз кадр-қимматини англаб етмаслик; профилактик чора-тадбирларнинг етарли эмаслиги; ахборий босимга бардош бера олмаслик; аёлларнинг криминал гуруҳларга қўшилиши; айримларнинг маънавий носоғлом, ахлоқан бузук муҳитда “тарбияланганлиги”; кулларга талаб ва таклифнинг мавжудлиги; жиноятга жазо муқаррарлигини англаб етмаслик; савдонинг замонга мослашуви; жабрланувчиларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бермаслиги ва бошқалар.

Ушбу жиноят услубларининг таҳлили, аксарият ҳолларда, фуқароларни мажбурий меҳнат ёки фоҳишалик билан шуғуллантириш мақсадида фойдаланиш учун Ўзбекистон ҳудудидан яширин равишда олиб чиқиб кетилаётганлигини кўрсатмоқда. Фуқароларни айланма йўллар орқали ноқонуний равишда ёки чегара постлари орқали аввалига Қирғизистон, Қозоғистон Республикалари каби қўшни давлатларга, сўнгра қалбаки ҳужжатлар билан узок хорижий (Россия, Бирлашган Араб Амирликлари, Таиланд, Туркия, Ҳиндистон, Исроил, Малайзия, Жанубий Корея, Япония, Коста-Рика каби) мамлакатларга чиқариб юбориш жиноий унсурларнинг асосий маршрутига айланган. Шу сабабли ноқонуний айланма йўлларга тўла барҳам бериш, ўтиш чегара постлари, халқаро темир йўл станциялари ҳамда аэропортларда назоратни кучайтириш жиноятларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистонда одам савдоси билан боғлиқ жиноятларга қўл урган шахсларнинг 40 фоизини аёллар ташкил этганлиги жойларда маҳалла, хотин-қизлар қўмиталари, ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа мутасадди идораларининг ҳамкорликда фаол иш олиб боришларини тақозо этади.

Одам савдосининг олдини олиш учун кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда тарғибот-ташвиқот ишларини янада жадаллаштириш, маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар имкониятларидан самарали фойдаланиш, шунингдек хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазаси, уларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш ишларини янада кучайтириш лозим. Шундай қилиб, одам савдосига қарши барча шаклларда кураш олиб боришнинг самарадорлигига фуқаролик жамиятининг барча институтлари жалб этилган тақдирдагина эришиш мумкинлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди.

Одам савдосининг олдини олишда ёшларнинг роли

А. Мажидов

ФЖЎИ Наманган МАТМ катта илмий ходими

С. Умарханов

Наманган Давлат Университети талабаси

Кул — кул эмас, куллигини англамаган — кул, деган эди файласуфлардан бири. Кулликни англаш эса, Альбер Камю айтганидек, албатта исён билан тугайди. Таассуфки, эркини, тенглигини, шахсий дахлсизлигини арзимас баҳога сотаётган ва ёки ихтиёрсиз равишда куллик домига тушиб қолаётганлар йўқ эмас. «Кулдорлик тузуми» деб аталган бутун бошли ижтимоий формацияни босиб ўтган инсоният учун бу тушунча янгилик эмас. Куллар, кул бозорлари ҳақида тарих китобларидан ўқиган, бадиий фильмларда кўрган ХХI аср авлоди «Одам савдоси» деган янги иборага тўкнаш келди. Ибора сифатида янги аммо ижтимоий воқелик сифатида жуда эски бу иллат бутун инсониятда ташвиш ва хавотир уйғотмоқда.

Одам савдоси МДХ мамлакатларида чуқур илдиз отаётир. Матбуот саҳифалари ва интернет сайтларига ёки телевизор экранларига кўз ташлаш кифоя — қайсидир МДХ мамлақатида рўй берган ушбу мудҳиш жиноят билан боғлиқ ҳолатга дуч келасиз. «Оммавий миграция», «инсон аъзолари савдоси», «аёллар трафики» каби жумлаларни журналистлар ўйлаб топмаётганини, бу муаммо бугун биз яшаётган жамиятда юзага келганини ҳар бир онгли киши англаб етади. У инсон, унинг шаъни, кадр-қиммати, ор-номуси, бугуни ва эртасига таҳдид солаётган ушбу жиноятчилик чегара билмаслигини, асосан аёллар ва болаларни ўз домига тортаётганини яхши билади. Бу иллатга қарши туради.

Трафик. Юртдошларимиз сўнгги йилларда оммавий ахборот воситаларида тез-тез кўзга ташланаётган бу сўз моҳиятини тушуниб етишди. Маълумки, ҳар бир ривожланган мамлакат ўз меҳнат бозорини ташки ишчи кучидан ҳимоялаш чораларини кўради. Муайян давлатнинг ҳуқуқий асосларига бўйсунмасдан ўша давлатга кириб келган ишчи кучи ноқонуний мигрантлар деб аталади. Ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилинмайдиган бундай кишилар осонгина жиноий гуруҳлар чанғалига тушади. Ноқонуний миграция соясида одам савдоси деб аталган мудҳиш жиноятчилик авж олади. Унинг ортида эса мажбурий меҳнат, куллик, фоҳишабозлик билан шуғулланишга мажбурлаш каби қабихликлар ётибди.

Терроризм, гиёҳвандлик, қурол-яроғ савдоси инсониятни жиддий ташвишга солаётгани бор гап. Лекин жиноий гуруҳлар йирик даромад илинжида бу жиноятлар билан кифояланиб қолмасдан одам савдоси билан ҳам шуғулланмоқда. Оқибатда шу куннинг оғрикли муаммоси, инсон эркинлиги ва ҳуқуқлари поймол этилишининг энг мудҳиш кўриниши сифатида намоён бўлаётган одам савдоси сайёрамизда сўнгги йилларда кескин ошаётган халқаро жиноят тусини олди.

Афсуски, юртдошларимиз ҳам одам савдоси курбонига айланмоқда. Аммо бу — юртимизда одам савдосининг олди олинмаяпти, унга қарши курашилмаяпти, дегани эмас.

Мамлакатимизда амалга ошириладиган кенг қўламли ислохотлар мазмун-моҳияти, аввало, инсон манфаатларига — унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш, турмуш шароитини яхшилаш каби эзгу мақсадларга қаратилган. Ҳуқуқий демократик давлатда инсон тинч, осойишта ва фаровон ҳаёт кечириши учун, биринчи навбатда, унинг ҳавфсизлиги таъминланиши, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, кадр-қиммати, ҳаёти ва соғлиги ҳар қандай тажавузлардан ҳимоя қилинган бўлиши шарт.

Мамлакатимизда одам савдосининг олдини олишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий асос яратилиб, инсон эркига даҳл қилувчи ушбу жиноятга қарши кескин курашилмоқда. 2008 йилда «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги, «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини (Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь) тўлдирувчи Одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги Протоколни ратификация қилиш тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди. Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (2008 йил 8 июль) асосида одам савдосига қарши курашиш бўйича республика Идоралараро комиссияси тузилди — жойларда ушбу комиссия фаолияти йўлга қўйилди.

Амалга ошириладиган бундай чора-тадбирлар мазкур жиноятнинг олдини олиш ва оқибатларини камайтиришда, унинг ҳар қандай қўринишларидан фуқароларимизни муҳофаза қилишда муҳим омил бўлмоқда. Бундан ташқари ҳуқуқ-тартибот идоралари, маҳаллий ҳокимликлар томонидан ноқонуний миграциянинг оқибатларига доир тушунтириш ишларининг олиб бориладигани, оммавий ахборот воситаларида ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган тушунтириш ишларига кенг ўрин ажратилаётгани диққатга сазовор. Натижада фуқароларимиз, ёшларимиз одам савдоси, бу жиноятнинг моҳияти ва оқибатлари, шунингдек, ўқиш ва ишлаш ёки дам олиш учун хорижга қонуний йўллар билан чиқиш имкониятлари ҳақида тушунчаларини бойитмоқда.

Бугунги кунда БМТ томонидан молиялаштирилган Mira Med, Winroc International, Global Survival Network сингари халқаро ташкилотлар умумжаҳон миқёсидаги мазкур муаммога қарши курашишга, унинг олдини олишга ҳаракат қилмоқда. Маълумотларга кўра жуда кўплаб мамлакатларда трафика даҳлдор қонунчилик асослари деярли шакллантирилмаган. Айрим мамлакатларда эса бундай қонун умуман йўқ. Ҳаттоки ривожланган давлатларда ҳам одам савдоси ва трафик билан боғлиқ муаммолар етарли даражада тадқиқ этилмаган. Мазкур халқаро ташкилотлар одам савдосининг олдини олиш учун аҳоли, айниқса, молиявий жиҳатдан ота-онага қарам ёшлар ўртасида тарғибот ва тушунтириш ишларини кучайтириш лозимлигини таъкидлайди.

Одам савдосининг олдини олиш мақсадида давлат ва нодавлат тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида вилоятимизни шахар ва қишлоқларда учрашувлар, давра суҳбатлари, семинар ва акциялар ўтказилмоқда. Маҳаллалар ва ўқув юртлари ҳамда корхона ва ташкилотларда махсус бурчаклар ташкил этилиб, одам савдосининг оқибатларини акс эттирувчи плакатлар, маълумотлар ва ҳуқуқий адабиётлар билан жиҳозланмоқда. Бундай ишларни амалга ошириш баробарида ҳеч қаерда ишламайдиган ва ўқимайдиган ёшлар ва аёлларнинг меҳнат қонунчилиги, хорижга чиқиш-келиш қонунчили бўйича ҳуқуқий билимларини ошириш шунингдек одам савдоси жиноятдан жабрланганлар билан иш олиб бориш лозим. Бу борада қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

- республикамизда олий таълим тизимида ижтимоий ходимларни тайёрлаш тизим йўлга қўйилган, ушбу амалиётни педагогика ва тиббиёт йўналишидаги коллежларга жорий қилиш;

- корхона ва ташкилотлар, маҳалла ва ўқув юртларида ҳуқуқий билим соатларини ташкил этиш;

- Наманган Давлат университетининг Ҳуқуқшунослик факультетининг талабаларини ҳамда вилоятимиздаги юридик йўналишдаги коллежларнинг битирувчиларини ҳеч қаерда ишламайдиган ва ўқимайдиган одам савдоси жиноятдан жабрланиш таваккалчилиги юқори бўлган ёшлар ва аёлларни ҳуқуқий билимлари оширишга жалб этиш.

Наманган вилоятида одам савдосини олдини олиш бўйича амалга оширилаётган фаолият

Ш. Мукаррамов

Вилоят ИИБ ХООБ Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш билан боғлиқ ва ахлоқ-одоб доирасидаги ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўлими бошлиғи,

О. Умаров

Вилоят ИИБ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи

Одам савдоси жинояти, аввало инсон ҳуқуқларини поймол қилиниши ҳисобланади. Чунки, бу жиноят инсон кадр-қимматини қасмитилишига ва инсон ҳуқуқларни, яъни инсоннинг бир жойдан-иккинчи жойга ҳаракатланиш ҳуқуқини, шафқатсиз муомиладан, тазыйқлардан ҳимояланиш ҳуқуқини, яшаш, соғлом тарзда ҳаётсиз ҳаёт кечириш ҳуқуқини, таълим олиш, дам олиш ва бошқа қатор ҳуқуқларини поймол бўлишига олиб келади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тузилгандан сўнг инсон ҳуқуқларини таъминлашга, жумладан одам савдосига қарши курашишга жиддий эътибор қаратила бошланди. 2000 йилга келиб БМТ томонидан трансмиллиий уюшган жиноятчиликка қарши конвенция ва уни тўлдирувчи протокол қабул қилинди.

Ушбу қонфенцияни 147 давлат ратификация қилган, унинг протоколини эса 124 давлат, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳам ратификация қилди.

Одам савдосига қарши кураш бўйича қабул қилинган халқаро ҳужжатларнинг аҳамияти катта бўлиб, бугунги кунда ҳам ривожлантириб борилмоқда. Унинг матикий давоми сифатида 2008 йил 17 апрель кuni Ўзбекистон Республкасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қонунини қабул қилинди.

Қонуннинг 5-моддасида одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари санаб ўтилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бевосита органлардан ҳисобланиши кўрсатиб қўйилган.

Қонуннинг 7-моддасида одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органларининг ваколатларида ички ишлар идораларининг ваколатлари санаб ўтилган.

Наманган вилоят Ички ишлар бошқармаси ҳамда унинг қўйи тизимлари томонидан вилоятдаги ҳуқуқни муҳофза қилувчи идоралар, давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда одам савдосини олдини олиш борасида қатор ишларни амалга оширилмоқда.

Статистик маълумотларга кўра, одам савдоси жинояти вилоят ҳудудида 2004 йилдан қайд этила бошланб, 2009 йилга қадар ошиб борганлиги кузатишимиз мумкин. Жумладан, бундай жиноятлар 2004 йилда 17 та, 2005 йилда 23 та, 2006 йилда 29 та, 2007 йилда 56 та, 2008 йилда 131 та ва 2009 йилда 183 тани ташкил этган. 2010 йилнинг биринчи чорагида бундай жиноятлар сони 26 тани ташкил этган ҳолда, 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 20 тага камайган.

2010 йилнинг дастлабки уч ойи якунига кўра одам савдоси билан боғлиқ жиноятлардан вилоятимизнинг 81 нафар фуқаролари жабрланган бўлиб, улардан 6 нафари аёллар, 75 нафари эркаклар ва 1 нафари вояга етмаган шахс бўлган. Жабрланганларнинг аксарияти Россия Федерацияси (41 нафар) ва Қозоғистон Республикаси (31 нафар)га олиб чиқиб кетилган. Шу билан бирга Туркия, Чехия, Бирлашган Араб амирликлари, Корея, Озарбайжон, Қирғизистон каби давлатларни ҳам вилоятимиз фуқаролари олиб чиқиб кетиладиган давлатлар сарасига киритиш мумкин.

Вилоят ИИБ ҳамда унинг қўйи тизимлари томонидан одам савдосини олдини олиш ва жабрланганлар билан ишлаш мақсадида турли профилактик чора-тадбирлар, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар, ёшлар ва аёлларни доимий иш жойи билан таъминлаш борасида меҳнат ярмаркалари, жамоат ва нодавлат ташкилотлар, ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда учрашувлар, давра сухбатлари, семинарлар ва тренинглар ўтказилган ҳолда турли ахборот материаллари, буклетлар тарқатилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қонунининг 8 моддасида одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органларига давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, шунингдек фуқаролар одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органларига қўмаклашади ҳамда зарур ёрдам кўрсатиши белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда, одам савдосини олдини олиш бу нафақат ички ишлар, қолаверса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва қонунда кўрсатилган бошқа ташкилот ва муассасаларнинг вазифаси, балки барча нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳамда фуқароларнинг бурчи бўлишини таъминлашимиз зарур. Фуқароларнинг ҳуқуқий дунёқарашларини кенгайтириш, уларни одам савосидан жабрланиш таваккалчилини камайтиришнинг асосий омили эканлиги унутмаслигимиз лозим.

Одам савдосини олдини олиш ва жабрланганларга ёрдам беришда давлат ва нодавлат ташкилотларнинг ҳамкорлиги

Д. Отабоев

Наманган вилоят “Келажак нури” Нодавлат нотижорат ташкилоти раиси

2008 йилнинг 17 апрел куни қабул қилинган «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳамда одам савдосига қарши курашиш фаолиятини такомиллаштириш мақсадида 2008 йилнинг 8 июль куни қабул қилинган “Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори қабул қилинди.

Наманган вилоятида ушбу қонун ва унга мувофиқ қабул қилинган бошқа қонун ости ҳужжатларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш, вилоятида яшовчи ёшлар ва аёлларнинг меҳнат миграцияси ва хорижга чиқиш-келиш қонунчилиги бўйича ҳуқуқий билимларини ошириш орқали, қишлоқ жойларидаги ёшлар ва аёлларнинг одам савдосидан жабрланиш таваккалчилиги камайтириш ва одам савосини олдини олиш мақсадида Наманган вилоят “Келажак нури” нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан “Одам савдосини олдини олишда ва жабрланганларга ёрдам беришда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамкорлиги” - “Ёшлар одам савдосига қарши” лойиҳасини иккинчи босқичи амалга оширилмоқда.

Ушбу лойиҳани биринчи босқичи 2009 йилнинг февраль-апрель ойларида Наманган вилоят ҳокимлиги, вилоят Хотин кизлар қўмитаси, Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси, Вилоят Ўрта махсус ва касб хунар таълими бошқармаси,

Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг вилоят бўлими, Вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий химоя қилиши бошқармаси, Вилоят Прокуратураси, Вилоят Ички ишлар бошқармаси, Ўзбекистон Мусулмонлар идораси Наманган вилоят вақлиги билан ҳамкорликда вилоятнинг Поп, Чуст, Турақўрғон ҳамда Мингбулоқ туманларининг танлаб олинган худудларида ўтказилган бўлиб, ушбу лойиха доирасида ташкил этилган табирлар иштирокчиларининг ҳуқуқий билмилари 25-30 фоизга оширилиши баробарида, шу худудларда одам савдосидан жабрланганлар ҳамда ноқонуний меҳнат миграциясида иштирок этувчилар сони 10-15 фоизга камайганлиги кузатилди.

Бутунжаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси Ижтимоий ривожланиш фонди томонидан молиялаштирилган “Одам савдосини олдини олиш ва жарланганларга ёрдам беришда давлат ва нодавлат ташкилотларнинг ҳамкорлиги” - “Ёшлар одам савдосига қарши” лойихасини амалга ошириш “Баркамол авлод йили” вилоят дастурига киритилган бўлиб, уни учун жорий йилнинг 8 февраль куни вилоят ҳокимлиги томонидан лойиха доирасида ўтказиладиган тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан махсус тадбирлар режаси тасдиқланди.

Наманган вилоят “Келажак нури” нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан вилоят ҳокимлиги, вилоят Хотин қизлар кўмитаси, вилоят Ички ишлар бошқармаси, вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий химоя қилиш бошқармаси, вилоят Прокуратураси, Вилоят Ўрта махсус ва касб хунар таълими бошқармаси билан ҳамкорликда, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг вилоят бўлими хомийлигида ҳамда Бутунжаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси молиявий кўмаги асосида ўтказилаётган ушбу лойиха доирасида жорий йилнинг февраль-май ойларида Наманган шаҳри ва барча туман ҳокимликларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, таълим, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий химоя қилиш бўлимлари, жамоат ва нодавлат ташкилотларининг вакиллари, кишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари иштирокида 12 та давра суҳбатлари, шунингдек вилоятнинг барча туманларида маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари ва маслаҳатчилари, кўчабошилар, ушбу худудларда яшовчи “уюлмаган”, яъни ҳеч қаерда ишламайдиган ва ўқимайдиган одам савдоси жиноятидан жабрланиш таваккалчилиги юқори бўлган ёшлар ва аёллар, участка нозирлари, шу худудлардаги ўқув юртларида таълим олувчи ўқувчилар, иштирокида 22 та семинар ҳамда “Ёшлар одам савдосига қарши” шиори остида 20 та ижтимоий акциялар, 16 апрель куни Наманган Юридик коллежи ўқитувчилари ва ўқувчилари, вилоят ҳокимлиги, вилоят Прокуратураси, вилоят Ички ишлар бошқармаси Инсон ҳуқуқларни химоя қилиш бўлими, вилоят Адлия бошқармаси, Наманган шаҳар ҳокимлиги вакиллари иштирокида Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қонунининг қабул қилинганлигини 2 йиллигига бағишланган ҳамда қатъий эътиқод ва қарашларга эга, маънавий таҳдидларга ва четдан кўрсатиладиган таъсирларга қарши туришга қодир бўлган ёшларни тарбиялаш, ёш авлодни одам савдоси билан шугулланувчи жиноятчи

фирибгарлар хийла-найрангларида огоҳ этиш, шунингдек ёшлар ўртасида ҳуқуқий маданият тарғиботини амалга ошириш мақсадида «Одам савдоси, хушёр ва огоҳ бўлинг!» мавзусида давра суҳбатлари, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Наманган вилоят минтақавий ахборот-таҳлил маркази билан ҳамкорликда лойиҳани амалга ошириш жараёнида аниқланган муаммоларни бартараф этиш, ёшлар ва аёллар ўртасида одам савдоси жиноятдан жабрланиш таваккалчилигини камайтириш ва бу борада фаолият кўрсатаётган давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамкорлигини янада кучайтиришнинг илмий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш, ёшлар ва аёлларнинг меҳнат қонунчилиги бўйича ҳуқуқий билмларни ошириш мақсадида “Ёшлар ва аёлларнинг меҳнат қонунчилиги бўйича ҳуқуқий билим ва маданиятини шакллантириш” мавзусида илмий-амалий конференциялар ўтказилди.

Лойиҳа доирасида ўтказилган тадбирлар иштирокчиларига одла савдосини олдини олишга ва жабрланганлар билан ишлаш, шунингдек қонуний меҳнат миграцияси бўйича маълумотларни жамлаган махсус буклет ва блокнотлар, ижтимоий акцияларнинг фаол иштирокчиларига ҳомий ва ҳамкор ташкилотлар томонидан тақдим этилган ахборот материаллари ва совғалар тақдим этилди. Лойиҳа доирасида ўтказилган ушбу тадбирларда 6750 дан зиёд иштирокчилар қатнашди.

Конференция ўз ишини Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилигида ёшлар ва аёллар меҳнати ҳамда имтиёзлар, Меҳнат миграциясининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий омиллари, Одам савдосини олдини олиш ва жабрланганларга ёрдам беришда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий ҳамкорлиги, Қишлоқ жойларида янги иш ўринларни яратиш ва унинг ижтимоий иқтисодий асослари ва Таълим тизимида ҳуқуқий билим ва маданиятни шакллантиришнинг ҳозирги ҳолати ва истикболи каби бешта шубада олиб борди.

Конференция якунида иштирокчилар томонидан одам савдосини олдини олиш, фуқароларнинг айниқса ёшлар ва аёлларнинг ушбу жиноятдан жабрланиш таваккалчилиги камайтириш, жабрланганлар билан ишлашнинг педагогик ва психологик асослари, ёшлар ва аёлларнинг ҳуқуқий билмларини оширишнинг самарали йўллари ишлаб чиқиш ва мавжуд муаммоларни ечимлари бўйича тақлифлар берилиб ва илимий-амалий ҳулосалар ишлаб чиқилди.

Одам савдоси жинояти учун жиний жавобгарликнинг қонунариқимиздаги амалий ифодаси

Ф. Собиров

Наманган Давлат университети ўқитувчиси

Маълумки, истиклол йилларида давлатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича улкай ислохотлар амалга оширилиб бунинг замиридаги инсон, унинг ҳаёти, шаъни ва кадр-қиммати, қонуний манфаатлари, дахлсиз ҳуқуқлари энг олий кадрият сифатида эътироф этилиб келинмоқда. Бирок

бугунги кунга келиб одам савдоси деб номланган жиноятнинг ўсиши ва ҳар йили дунё бўйича 5 миллионга яқин киши одам савдосидан жабр кўриб келаётгани мазкур жиноят учун жиний жавобгарлик масаласини ёритишга ундайди. Республика Бош Прокурори Р.Қодировнинг таъкидлашича, одам савдоси – инсон, унинг шаъни, кадр-киммати, осойишта турмуши ҳамда келажагига таҳдид солаётган трансмиллий уюшган жиноятчилик кўринишларидан бири бўлиб, ўзининг чегара танламаслиги ҳамда гирдобига асосан ёшларни ва аёлларни тортаётганлиги билан барчада ката ташвиш ва хавотир уйғотмоқда. Мазкур жиний фаолиятнинг мотив ва мақсади гараз, яъни моддий фойда ёки даромад кўришни кўзда тутати. Чунки одам савдосидан кўзда тутилган асосий мақсад жиноятчининг ўзи ёки бошқа шахслар орқали пул ёки бошқа моддий бойликларга эга бўлиш ҳисобланади.

Гарчанд Одам савдосининг олдини олишга қаратилган «Одамлар савдоси ва фоҳишабозликни учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида»ги Конвенция деб номланувчи халқаро ҳуқуқий ҳужжат 1949 йил 2 декабрда БМТ томонидан қабул қилинган бўлсада сўнги йилларда турли жиний тўдаларга мумай даромад манбаи бўлиб хизмат қилиб, турли миллат ва элатларни бу жиноят қурбони қилиб келмоқда. БМТ нинг маълумотларида кўрсатилишича ҳар йили дунё бўйича 5 миллионга яқин киши одам савдосидан жабр кўрмоқда. Одам савдоси қурбонларидан эса 127 та мамлакатда фойдаланилиб мазкур жиноятдан олиндиған йиллик даромад 10-15 миллиард долларни ташкил этади.

Одам савдоси жинияти хавфлилиги шундаки, бу жиноят замирида бир неча жиноятлар яширинган бўлиб, ушбу муаммо ўз ичига одам сотиш, одамларни алдаш, фирибгарлик, одамлардан ортикча ва мажбурий меҳнат қилиш, ноқонуний қурол савдоси, гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиш ва қилдириш орқали шу одамлардан ҳар қандай мақсадларда фойдаланиш, гиёҳвандлик моддаларини ташиш, болаларни эксплуатация қилиш, аёлларга жинсий қийнок ва азоб бериш, одамларни ҳар қандай пасткаш ишларга мажбурлаш, одамлардан уларнинг иродаларига қарши тарзда турли можароларда ўз мақсадида фойдаланиш, одамлар органларидан фойдаланиш буларнинг ҳаммаси одам савдоси деб номланган шу оғир жиноятнинг кўринишларидир. Шунингдек унинг яна бир хавфли томони шундаки бу жиноят сохта моддий ниқоб остида, ўз домига асосан қизиққон ёшлар ҳамда содда аёл ва қизларни тортиб уларни қурбонлар сафига қўшмоқда. Бу муаммо бугунги кунда нафақат МДХ давлатлари, Осиё давлатлари билан бир қаторда ривожланган мамлакатлар олдида ҳам ўз ечимини топмасдан инсон ҳуқуқларининг жиддий бузилиши ва шу жиноят қурбонига айланиб қолаётгани кўрсатмоқда. Ушбу жиноятнинг яна бир ташвишланарли томони шундаки, дунё бўйича одам савдоси жиноятдан жабрланганларнинг 80 фоизини аёллар ва ёш болалар ташкил этади.

«Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида» Қонун қабул қилинганлиги ва халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилишга доир тегишли ўзгартиришлар киритилган бўлса шу боис Одам савдосига оид қонунчиликни қўллашда масалалар юзага келаятганлиги муносабати билан ҳамда бу тоифадаги ишлар бўйича ягона суд амалиётини шакллантириш мақсадида 2009 йилнинг 24 ноябр куни Ўзбекистон Республикасиинг Олий судида Пленум бўлиб, «Одам савдосига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Олий суди Пленуми қарори қабул қилинди.

Одам савдосига оид ишларни қўришда судлар мазкур жиноят содир этилишига имкон яратган барча шахслар жавобгарликка тортилган тортилмаганлигини синчковлик билан текширишлари лозим. Аини пайтда иш бўйича шахснинг қонунга хилоф равишда жиноий жавобгарликка тортилганлиги аниқланган тақдирда, судлар жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари мансабдор шахсларига нисбатан хусусий ажрим чиқариш йўли билан муносабат билдиришлари лозим. Юқори инстанция судлари одам савдосига оид ишлар бўйича биринчи инстанция судлари чиқарган суд қарорларининг қонунийлиги ва асослилиги устидан тегишли назоратни таъминлашлари, йўл қўйилган қонун бузилишларини ўз вақтида аниқлашлари ва бартараф этишлари лозимлиги тушунтирилган. Хулоса ўрнида айтиш жоизки, одам савдоси деб ном олган бу трансмиллий жиноятни бартараф этиш йўлида давлатимиз миллий қонунчилик тизимида одам савдосига қарши курашишнинг ҳуқуқий асослар етарлича яратилди ва амалиётга тадбиқ этилди. Биз онгли инсонлар миллатини улуғлаб эъозлаб чиқарилган бу муқаддас қонунларимизга юзаки қарамай, сўзсиз риоя этиш билан биргаликда идрокимиз билан иш тутиб бундай жиноят қурбонига айланмаслик учун ва бошқа инсонларни ҳам бу хавфдан сақлаш учун қўлимиздан келган барча ҳуқуқий таърибот ва ташвиқот ишларини доимий равишда амалга оширишимиз шарт.

Одам савдоси – аср балоси

М. Тиллабоев

Наманган вилоят Адлия бшқармаси егакчи маслаҳатчиси

Маълумки, одам савдоси бугунги кундаги энг долзарб ва дунё аҳлини ташвишга соларли даражадаги глобал муаммога айланиб улгурди.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритгач, тадбиркорлик, хусусий бизнесга кенг йўл очилди, хорижий давлатлар билан иқтисодий, ижтимоий, сиёсий соҳаларда ҳамкорлик ўрнатилди, юртимиз фуқароларининг хорижий мамлакатларга бемалол чиқишлари учун имконият ва етарли шарт-шароитлар яратилди.

Афсуски, айрим шахслар бундай имкониятлардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб, фуқароларимизни турли алдов ва фирибгарлик билан хорижга

олиб чикиб кетишга уринмоқдалар. Бунинг оқибатида юртимиз фуқаролари одам савдоси қурбонларига айланмоқда. Афсуски, ушбу жирканч жинойтнинг қурбонлари орасида аёллар ва болалар борлиги энг ачинарли ҳолатдир. Статистик маълумотларга қараганда, дунёда ҳар йили тахминан 2 млн. 700 мингта шахс одам савдосининг қурбонига айланмоқда. Ҳар йили 600 мингтадан 800 мингтагача аёллар ва болалар алдов йўллари билан чет элларга олиб кетилиб, сотиб юборилмоқда. Бу ҳолат кейинги йилларда жаҳон оммасини ташвишга солаётган халқаро терроризм, экстремизм, нарқобизнес каби муаммолардан бирига айланди, дея айта оламиз.

Утган асрнинг охириги чоракларидан бошлаб одам савдоси атамаси тез-тез ишлатила бошланди. Одам савдоси муаммоси бутун дунё ахли томонидан ута оғир жинойт сифатида баҳоланиб, жамият тараккиётига жиддий хавф солувчи, ута ижтимоий хавфли таҳдид эканлиги тан олинган. Одам савдоси билан шугулланувчи йирик жинойтчи ташкилотларнинг йилдан йилга кучайиб бораётганлиги ҳам купчиликка сир эмас.

Ҳўш, одам савдоси нима ва у билан шугулланувчи шахслар кимлар?

2008 йил 17 апрель кунги Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши кураш тўғрисида"ги Қонунида таъкидланганидек,

Одам савдоси –бу куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд бошқа мажбурлаш шаклларида фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ёки вазиятнинг калтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш орқали одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш. Одамлардан фойдаланиш бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланишни ёки улардан шахвоний фойдаланишнинг бошқа шаклларини, мажбурий меҳнат ёки хизматларни, қуллик ёки қулликка ўхшаш одатларни, эрксиз ҳолат ёхуд инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олишни англатади;

Одам савдоси билан шугулланувчи шахс – мустақил равишда ёки бир гуруҳ шахслар таркибида одам савдоси билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатни содир этувчи жисмоний ёки юридик шахс, шунингдек, ўз ҳаракатлари билан одам савдосига кўмаклашадиган, худди шунингдек, гарчи ўз мансаб ваколатларига кўра тўсқинлик қилиши ва қарши курашиши шарт бўлса ҳам одам савдосига тўсқинлик қилмайдиган ёки қарши курашмайдиган мансабдор шахс" дея тушунилиши кўрсатилган.

Сир эмаски, айрим юртдошларимиз хорижда ишлашни орзу қилиб турли йўллар билан чет элларга кетишмоқда. Улар ҳатто айрим "ишбилармон" шахсларнинг алдов ва сохталикка йўғрилган ваъдаларига учиб, ноқонуний йўллар билан бўлса-да, хорижга кетишга ошиқаётгани ачинарли. Водийимизда ҳам турли йўллар билан фуқароларни алдаб чет элга олиб бориб, маълум бир манфаат эвазига сотиб юбораётган ёки гаров сифатида иш берувчига

топшираётган шахслар учраб турибди. Фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини яхши билмасликлари одам ёлловчи шахсларга қўл келмоқда. Оқибатда кўплаб ҳамюртларимиз иш ҳақи олмасдан оғир шароитларда меҳнат қилиб, соғлиғи ва бор-будидан, ҳатто жонидан айрилаётганлиги ҳам бор ҳақиқат. Айниқса айрим аёлларнинг фоҳишабозлик билан шуғулланишга жалб этилиши, болаларнинг эксплуатация қилиниши аянчли оқибатларни келтириб чиқармоқда.

Эътибор қилган бўлсангиз, ўз ҳақ-ҳуқуқини билмайдиган кишилар кўча ёки маҳалласида чет элга ишга олиб кетувчи шахснинг дарагини эшитиб қолишса бас, яхшилаб сўраб-суриштирмай, эргашиб кетаверадилар. Улар "иш топиб берувчи йўл ҳақини маошдан олармиш" деган сохта мулозаматга ишониб, зулмат ботқоқига тушиб қолмоқдалар. Бундай ҳол кўпроқ одам ёлловчилар учун синалган усул бўлиб, фуқароларни қармоққа илинтиришнинг осон йўли ҳисобланади.

Биринчи навбатда фирибгарлар бекор юрган одамларни кидиришади. Ана ундан кейин унга ошна-оғайни, қариндошларнинг ҳам қўйнига қўл солиб кўриш вазифаси юкланади, қарабсизки текин ишчи кучи ўз-ўзидан йиғилиб қолади. Аммо уларнинг бирортаси "Қаерга кетаяпмиз, қанақа иш бажарамиз?" деб сўрамайди. Текин ишчи кучини тўплаган кишиларнинг маош ва иш ваъда қилиб хушмуомалада бўлиши хорижий давлат чегарасига етгунча. Масаланинг яна бир жиҳати. Йўлбошловчи хорижий давлат чегарасида рўйхатдан ўтказиш баҳонасида уларнинг фуқаролик паспортларини йиғиб олиш пайида бўлиши ҳамда шу билан то манзилга етгунча ҳужжатлар ўзида туришини билдириши бу одамнинг нияти ноҳолислигидан нишона.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар, Ташки ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа давлат органлари ҳам одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширадилар. Мазкур идоралар томонидан одам савдоси жиноятдан жабрланган фуқароларимизни қутқариш юзасидан қонун асосида тегишли ёрдам кўрсатилади.

Амалга оширилаётган бундай чора-тадбирлар мазкур жиноятнинг олдини олиш ва оқибатларини камайтиришда, унинг ҳар қандай кўринишларидан фуқароларимизни муҳофаза қилишда муҳим омил бўлмоқда. Бундан ташқари ҳокимликлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари, маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан ноқонуний миграциянинг оқибатларига доир тушунтириш ишларининг олиб борилаётгани, оммавий ахборот воситаларида бундай оқибатларнинг аянчли хотималарига кенг ўрин ажратилаётгани диққатга сазовор. Натижада фуқароларимиз, ёшларимиз одам савдоси, бу жиноятнинг моҳияти ва оқибатлари, шунингдек, ўқиш ва ишлаш ёки дам олиш учун хорижга қонуний йўллар билан чиқиш имкониятлари ҳақида тушунчаларини бойитмоқдалар.

Одам савдоси ва уни олдини олиш муаммолари

О. Тохиров

ФЖУИ Андижон МАТМ бош илмий ходими

Бугунги кунда инсон шахси унинг кадрятларига жиддий этибор берилаётган бир шаритда инсонни тахқирлаш унинг эркини оёғ ости қилишга уринувчи кучлар ҳам дунё мамлакатлари ахолиси ва инсониятни ташвишга солмоқда. Жумладан одам савдоси каби глобал иллатни юзага келганлиги ташвишли ҳолдир.

XXI асрга келиб тўрт миллионга яқин кишини ўз тўрига илинтириб, йилига 12 миллиард АҚШ доллари миқдоридан даромад олаётган, дунёда наркобизнес ва қурол савдосидан кейин учинчи ўринни эгаллаб турган бу “тизим” ўз миқёси ва даромади бўйича биринчи ўринга чиқиб олиши ҳақидаги башоратлар бежиз таъкидланмаган.

Таъкидлаш жоиз, одам савдоси муаммоси бевосита ноқонуний муҳожирлик билан боғлиқ. Белгиланган мамлакатга берухсат келган муҳожир ҳуқуқи топталса-да, табиийки, депортасияга учрашдан чўчиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат эта олмайди. Бу эса бир жиноят ортидан иккинчиси содир этилади, деганидир. Гап шундаки муҳожир иш топган тақдирда ҳам ишга ёлловчи у билан расман шартнома имзоламайди, чунки бу қонунга зид ҳолат ҳисобланади. Фурсатдан фойдаланган ишга ёлловчи уни иш ҳақини буютма тўлиқ бажарилгандагина тўлашга қўндиради. Қўпинча ёлловчи иши битиши билан ноқонуний муҳожирнинг ҳалол меҳнати эвазига топган иш ҳақини тўлашдан бош тортади. Бундай вазиятга тушиб қолган киши эса ортга қайтишга пули бўлмагани сабабли, ҳеч бўлмаса, қун ўтказиш, қорин тўйғазиш учун сарик чақага бўлса ҳам ишлашга қўнади.

БМТнинг наркотиклар назорати ва жиноятчиликдан оғохлантириш бошқармаси раҳбари Антонио Мария Костанинг таъкидлашича, ҳар йили 700 мингдан бир миллионгача бўлган кишилар қул савдогарларининг тўрига илинмоқдалар. Дарвоқе, БМТ вакили келтирган рақамлар мутлоқ аниқ эмас. Замонавий жиноятчилар, албатта, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ёки солиқ идораларига ўз фаолияти тўғрисида маълумот бермайдилар. Демак, бу - тахмин рақамлар ҳолос. Бошқа бир ҳисоб китобларга қараганда, одам савдоси халқаро жинсий гуруҳларга йилига 12 миллиард АҚШ доллари атрофида даромад келтирябди. АҚШ Давлат департаменти вакиллари билан бири одам савдосини кенг миқёсда глобал муаммо, деб атаётган экан йилига 4 миллионга яқин одам замонавий қул савдогарларининг тўрига илинаётгани таъкидлайди. “Тирик товарнинг” 80 дан 90 фоизгача бўлган қисми жинсий қулликка, қолганлари эса мажбурий меҳнатга тортилмоқдалар.

Бинобарин, ҳозирда ҳам хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимояси масаласи нафақат регионал хусусиятга айнаётган пайтда, глобал моҳиятга ҳам эга бўлиб бормоқда. Хусусан, аёллар ва болаларни зулм ўтказиш учун ёллаш ёки уларни

сотиш каби бугунги кундаги воқеалик ана шу хусусиятлар билан боғлиқ. Халқаро ҳуқуқий актларда бундай негатив ҳолатлар “trafficking in persons” деган луғавий маъно билан ифодаланиб, у бизнинг тилимизга ўтирилганда “Одам савдоси” деган тушунчани беради.

Одам савдосининг асосий объекти кўпроқ аёллар ва болалар бўлаётганлиги сир эмас. МДХ олимлари Л.Д. Ерохина ва М.Ю.Бурякларнинг фикрича «Одам савдоси» кулчиликнинг шаклларида бири бўлиб, у ўз доирасига аҳолининг энг заиф ва химоясиз қисми, аёллар ва болаларни қамраб олади”. Муаллифлар таъкидлаганидек, “Аёллар савдоси” билан “фоҳишабозлик”ни ҳеч қандай ҳолатда аралаштириб, айниёлаштириб бўлмайди. Одам савдоси хусусан, аёллар савдоси ўзининг ҳар хил кўринишларига эга бўлиб, уй қуллиги, мажбурий никоҳ каби омиллар туфайли юзага келади.

Аёллар савдосидаги сексуал мақсаддаги савдо фаолияти глобал ҳодиса бўлиб, унинг турли шакллари мавжуд. Бошқа бир тадқиқотчилар И.И.Лукашок ва А.И. Ноумовлар нуктаи назарича аёллар савдоси туфайли уларни сексуал эксплуатация ва бошқа мажбурий ишларга жалб қилиниши ўз моҳиятига кўра кулчиликдан фарқ қилмайди. Айни мана шу ижтимоий иллатлардан хотин-қизларни химоя қилиш мақсадида халқаро конвенциялар, ҳуқуқий ҳужжатлар яратилган.

Жумладан, МДХ давлатларидан Россия, Белоруссия, Украина Республикалари яқиндагина ўзининг жинойят қонунчилигига мазкур масалада тегишли боблар киритди. Ўзбекистон Республикасида бу жинойят турига қарши жинойят қонунчилигининг 135-моддасида жинойят жавобгарлик ҳолатлари кўрсатилган. Бундан ташқари республикамиз аёллар ҳуқуқини химоялашга хизмат қилувчи бир қатор халқаро ташкилотларга ҳам аъзо. Юқорида таъкидланганимиздек, Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида биричиладан бўлиб Бирлашган Миллатлар ташкилотининг «Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида» ги Конвенцияга қўшилди.

1995 йилда “Тинчлик, тараққиёт ва тенглик” шиори остида Пекин шаҳрида ўтказилган бутун жаҳон хотин-қизларининг IV конференциясида мамлакатимиз хотин-қизлари вакиллари иштирок этиб, хотин-қизлар аҳволини яхшилашга қаратилган Пекин Декларацияси платформасини қўллаб-қувватлади. Шу асосида республика хотин-қизларининг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини кафолатловчи ҳукумат даражасидаги “Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар масалалари бўйича концепция ва дастурий ҳужжатлар” ишлаб чиқилди.

Бу барча саъйи-ҳаракатлар аёлларни ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилиш, уларни ҳар қандай ҳолатда камситилишини олдини олишга хизмат қилади ва Ўзбекистонда хотин-қизларни манфаатларини химоялашни кафолатлашга яқиндан ёрдам беради.

Одам савдоси – “яшнаётган” хавфли бизнес

С. Умарханов

Наманган Давлат университети талабаси

...банда «факатгина Аллоҳ хузурида мутлак кул, бошқалар олдида эса мутлак хур»дир... (Ҳадисдан).

Жаҳон миқёсида «одам савдоси» глобаллашиб, бу ўз навбатида инсонни жиддий ташвишланишига сабаб бўладиган муаммолардан бирига айланиб борапти. Кулдорлик даври аллақачон ўтиб кетган, бу шунчаки миш-миш холос дейдиганлар ҳам топилади. Аммо дунёда бўлаётган шундай воқеа-ҳодисаларга назар ташласангиз бунинг айна ҳақиқат эканига шубҳа қилмайсиз.

«Одам савдоси»нинг дунёга келиш омиллари нимада? Энг аввал мана шу саволга жавоб беришдан бошласак.

Биринчидан, ишсизлар сонининг тобора ошиб, иш ўринларининг камайиб бораётгани.

Иккинчидан, инсонлар онгидаги боқимандалик иллатининг ривожланиши ҳамда эр-хотиннинг ўзаро низолари.

Учинчидан, инсонларнинг ношукрлиги, борида каноат қилмай ўзини ўққа-чўққа уриб, кези келса, ишлаш учун чет элга кетиши.

Тўртинчидан, ноқонуний «туризм», «Никоҳ агентликлари».

Ўқоридаги биринчи ҳамда иккинчи омил учинчи, тўртинчи омилни ўз-ўзидан юзага келтиради. Масалан, ўз юртида иш топа олмаса ёки топган ишидан келадиган даромади оила тебратишга етмаса. Қолаверса, оила тебратиш билан бирга бола-чақа, бунинг устига орзу-ҳавас деган турмушнинг муштлари турганда ишламасликнинг иложи йўқ. Собик ишидан топаётган даромадга каноатланмай қолган, тез ва кўп бойлик орттириш илинжида бўлган ҳар бир одам шубҳасиз чет элни орзу қилади. Ва имкон топди дегунча, йўлга отланади. Оиласида кадр топа олмай, арзимаган нарсадан муаммо ясаб, ёки келажакда бой ва бахтли ҳаётга интилган кўпчилик аёллар жабрланувчилар сафига кириб қоляпти.

БМТнинг статистик маълумотларига қараганда, 2005 йилдан бу ёғига ҳар йили 700 мингдан зиёдроқ одам сотилади. АҚШ давлат департаментининг аниқ ҳисоботи бўйича, бир йилда 600-800 минг, «Инсон ҳавфсизлигини таъминлаш маркази»нинг баҳолашича, ер юзида жами тўрт миллион одам сотилар экан. Бундан 200 минг одам дом-дараксиз кетган бўлиб, қолганлари мажбуран меҳнатга жалб қилинган.

БМТ шундай хабар беради: «127 мамлакатда «Одам савдоси» кенг тарқалган бўлса, 137 давлатга эса четдан мажбурий ишлаш учун одам келтирилади. Ўғирланган одамлар сони ҳам йилдан йилга ортиб бормокда ва улар (асосан балоғат ёшига етмаган қизлар) кўпроқ Исроил, Туркия, Италия, Япония, Германия ва Греция давлатларига «экспорт» қилинади. Ҳар йили бир миллиондан ортик балоғат ёшига етмаган қизлар сотилиб, фоҳишалик билан

шуғулланишга мажбурланади. Қолаверса, турли фильмларни очик сахналарида мажбуран суратга тушириш, бу ҳам етмагандек, уруш бўлаётган хуудларга аскарларнинг кўнглини хушлаш учун юборилади. Халқаро миграция ташкилоти маълумотига кўра, шу вақтгача 5,7 миллион бола ўғирланган бўлиб, улардан 1,2 миллион нафари қурбон бўлган. Қолганлари оғир меҳнат қилишга мажбур қилинган. Кичик ёшдаги болалардан донор, бироз каттариб қолган болалардан эса минтақадаги низоларда аскар сифатида фойдаланишади.

Бу ким учун ёки нима учун керак? БМТ мутахассисларининг фикрича, «Одам савдоси» авваллари «қурол» ҳамда «наркотик» савдосидан кейинги учинчи ўринда турган бўлса, ҳозир «қурол» савдосидан кейинги ўринга чиқиб олди. Бу бизнес билан шуғулланувчи кимсалар йилига миллиард-миллиард доллар фойда кўради.

Инсоннинг кадр-қиммати борми? Жаҳон бозорида қулларнинг ирқи, ёши, жинси, жисмоний қувватига қараб нархи белгиланади. Масалан, Исроилда бир қул(қиз)ни бир кўйга алмаштирувчиларни учратиш мумкин. Киши ақлига сиғдира олмаган оғир юмушлар ҳам ана шу қуллар томонидан бажарилади. Кўмир конларида, машина эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариш корхоналарида, соғлиқ учун зарарли барча юмушларда айнан шу одамлар меҳнати борлигини ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Чет элда ана шундай эрки занжирбанд қулларни қотилликка ҳам ундаб ва шу йўл билан мўмай даромад кўришади. Бундай ҳолатлар нафақат давлатлар орасида, балки бутун жаҳонда инсонларнинг кадри ҳеч нарсага арзимас бўлиб бораётгани ва бу инсоният келажаги ҳақида жиддий фикрлашга ундайди.

Албатта, инсон эркига, ҳаётига даҳл қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Фақат одам ўз нафси олдида енгилиб, озодлигини бой бериб қўйиши мумкин.

Зеро, ҳар банда «фақатгина Аллоҳ ҳузуринда мутлақ қул, бошқалар олдида эса мутлақ хур»дир.

Одам савдосини олдини олиш ва унга қарши курашиш

А. Қўчқаров

Наманган вилоят Адлия бошқармаси бош маслаҳатчиси

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг жамиятимизга олиб келиши мумкин бўлган салбий оқибатларини чуқур англаган ҳолда ўтган йиллар мобайнида республикада бундай жиноятларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Трансмилий жиноятлар турига кирувчи одам савдосига қарши кураш борасида республика Президенти томонидан 2008 йил 8 июль куни "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-911-сонли Қарори айтилган пайтда одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Бу иллатнинг олдини олиш борасида кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда тарғибот ва ташвиқот ишларини янада жадаллаштириш, маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар имкониятларидан самарали фойдаланиш, шунингдек, хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазаси, уларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш, айниқса, таълим муассасалари, олий ўқув юртларида ёшлар ўртасида учрашувлар ўтказиб, одам савдоси жиноятларининг хавфи ва оқибатларидан огоҳ этиш ишларини кучайтириш зарур.

Одам савдоси инсонни ҳаёти, эркинлиги ва ҳуқуқларидан махрум қилиб, бировларнинг қулида қул бўлишига маҳкум этади, умрига зомин бўлади, эрки, тақдири ва келажагини оёқости қилади. Ана шундай жихатлари билан ҳам у энг оғир ва жирканч жиноятлардан саналади. Минг афсуски бундай мудҳиш жиноятга қул ураётган нопок кимсалар хали-хамон орамизда учраб турибди.

Кейинги йилларда жинсий йул билан юкадиган касалликлар тури тобора ошиб бормоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда жинсий йул орқали 25 дан ортиқ касаллик юқиши мумкин. Хорижда ишлаб келган кишиларда бу касалликларнинг кўплаб турлари учрамоқда. Шундай касалликлардан бири захм (сифилис) касаллиғидир. Захмнинг кузгатувчиси, клиник кечиши, давоси ҳамда профилактикаси бўйича асрлар давомида жуда қўп тажриба тупланганлигига қарамай, бу касалликнинг баъзи хусусиятлари шифокор ва олимлар эътиборини ханузгача узига жалб этмоқда. Жинсий йул билан юкадиган касалликларнинг янги авлодлари (хламидиоз, генитал герпес, попилломовирус, цитомегаловирус ва бошқалар) билан оғриган беморлар сонининг ошиб бориши кузатилмоқда.

Кейинги йилларда ушбу касаллик билан касалланишнинг ёшлар, хатто вояга етмаганлар орасида, айниқса, чет элда ишлаб пул топаман деб алданиб қолган аёлларда учраётганлиги ачинарли ҳолдир.

Одам савдосига қарши қурашиш, инсонларни чет элларда мажбурий меҳнатга жалб қилишнинг олдини олиш ҳамда бу борадаги жиноятларни тағтомири билан йўқ қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши қурашиш тугрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Одам савдосига қарши қурашиш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлари тугрисида”ги Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 322-буйруғи ижросини таъминлаш ва одам савдосидан жабрланганларга тиббий ва психологик ёрдам курсатишни белгиланган тартибда ташкил этиш мақсадида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаларида ишчи гуруҳлар тузилди. Одам савдоси ҳолатлари, шунингдек, одам савдосидан жабрланган фуқароларга тиббий ёрдам курсатиш тугрисидаги ахборотларни туплаш ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаларининг доимий фаолият курсатувчи ишчи гуруҳларига ҳар доим тақдим этиш учун ишонч телефонлари кечаю-қундуз фаолият курсатмоқда.

Вилоят ички ишлар бошкармаси томонидан одам савдоси жиноятлари оқибатида жабрланган фуқароларнинг руҳи олиниб, улар тиббий ва психологик куриқдан утказилмоқда.

Одам савдосига аралашиб чет элларга расмий ва норасмий равишда бориб келаётган шахслар орасида ОИВ инфекцияси билан зарарланиш холлари ҳам кайд этилган булиб, уларнинг аксариятига тартибсиз жинсий ҳаёт кечириш, гийҳвандлик моддаларини қабул қилиш сабаб булмоқда. Вилоят ОИТС марказида чет давлатларга бориб келган шахсларда ОИВ/ОИТС касаллигини аниқлаш учун “Аноним” текширув хоналарининг хизмати йулга қуйилган. Аҳоли уртасида ушбу хизматлар юзасидан алоҳида тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Шунингдек, шаҳар ва барча туманлардаги даволаш-профилактика муассасаларида мутахассислардан иборат гуруҳ ташкил этилган. Улар томонидан одам савдосидан жабрланган фуқаролар тиббий ва психологик куриқдан утказилмоқда.

БМТдан олинган маълумотларга қура аёлларнинг товар сифатидаги дунёвий савдоси қулаи йилига 12 миллиард долларга баҳоланаётган булса, ҳар йили одам савдогарлари қулига икки миллионга яқин инсонлар тушаяпти. Бутун дунёда ҳозирда одам савдоси жинояти турли қуринишларда: инсонларни камситиш, уларнинг ҳуқуқларини тан олмаслик, эркинликларини поймол қилган ҳолда турли мақсадларда фойдаланиш, қул сифатида мажбуран сотиб юбориш, фоҳишабозликда фойдаланиш ва бошқа шакллари қулаб учрамоқда. Мана шу жабрланувчиларнинг асосий қисмини жинсий эксплуатация мақсадида чет элга олиб чиқиб кетилаётган аёллар ташкил қилади.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан “Трансмиллий жиноятчиликка қарши қурашиш тугрисидаги Конвенция” ва уни тулдирувчи “Одам савдоси, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш буйича Протокол”га мувофиқ одам савдосига қарши қурашиш унга аъзо давлатларнинг мажбуриятига қиради. Мазкур халқаро ҳужжатлар шуниси билан аҳамиятлики, улар қатор хорижий давлатларда одам савдоси жиноят сифатида миллий қонун ҳужжатларида белгиланишида ҳуқуқий норматив асос булиб хизмат қилади. Протоколда одам савдоси жиноят сифатида белгиланибгина қолмай, ушбу жиноятдан қабр қурганларни халқаро даражада ва миллий қонунлар билан қимояга олиш назарда тутилган.

2008 йилда қучга қиритилган “Одам савдосига қарши қураш тугрисида”ги Қонун ҳам ана шундай қазиятларнинг олдини олиш, уларга қарши қурашда самарадорликни ошириш, давлат қуранлари уртасида ҳамқорликни қучайтириш, одам савдоси билан қоглик жиноятларни аниқлаш, уларга қек қуйиш, жиноят оқибатларини минималлаштириш, қабрланганларга ёрдам қурсатиш буйича қоалиятни мувофиқлаштириш билан қоглик муносабатлар ҳуқуқий тартибга қолинган. Ўзбекистон Республикасининг одам савдосига қарши қураш буйича қонун ҳужжатларини урганиш ва тақлифлар тайёрлаш қорасида бевосита Адлия қазирлиги ташаббуси билан шу қунга қадар ушбу

конуннинг қабул қилиниши билан ҳукуматимизнинг айрим қарорларига узгартиришлар киритилди. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 19 августдаги 423-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида бож йиғимлари тарифларига изоҳларнинг 6-бандига, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тугрисидаги Низомнинг 4-бандларига тегишли тартибда узгартириш ва қушимчалар киритилди.

Буларга қура одам савдоси қурбони бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари уларнинг шахсини аниқлаш (шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаган тақдирда) ва уларга Ўзбекистон Республикасига қайтиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича хатти-ҳаракатларни амалга ошириш билан боғлиқ консуллик йиғимлари ва бошқа йиғимларни тулашдан озод этиладилар.

2008 йил 8 июль куни Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини (Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь) тўлдирувчи Одам савдосининг, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги Протоколни ратификация қилди.

Белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Вилоят адлия бошқармаси томонидан олий ва урта махсус ўқув юртларида, маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларида одам савдосига қарши қурашни тўғрисидаги қонун ҳужжатларини мазмун-моҳияти ва одам савдосига қарши қурашни самарадорлигини ошириш мавзуларида учрашувлар, семинарлар ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда, телевидение ва радиода чиқишлар қилинмоқда, газета ва журналларда мақолалар чоп этилмоқда.

IV-ШУЪБА

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА ЯНГИ ИШ ҲАМЛАРАНИ ЯРАТИШ ВА УНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда аёлларни меҳнатидан фойдаланиш

О. Арипов

Наманган муҳандислик-педагогика институти, и.ф.н.

Бугунги жаҳон миқёсида молиявий-иқтисодий инкироз давом этаётган бир даврда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва унда аёллар меҳнатининг ролини ошириш масалалари давлатимиз иқтисодиётининг ҳар томонлама юксалишида алоҳида аҳамият касб этади. Сўнги йилларда, аёллар меҳнатидан фойдаланиш ва бундай меҳнатни самарали амалга тадбиқ этиш мақсадида бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Аёллар меҳнатини кенгайтириш ва имкониятлар яратиб бориш борасидаги меъёрий ҳужжатлар асосида иқтисодиётни бошқаришни янгича ташкил этишнинг энг замонавий услуб ва қулайликларига эришилмоқда.

Дарҳақиқат, аёлларнинг жамиятимиздаги, ҳар биримизнинг ҳаётимиздаги ўрни ҳақида жуда кўп ва узоқ гапириш мумкин... Оилани ҳам, жамиятимизни ҳам бирлаштириб, унга файзу барокат киритадиган, хонадонларимизни меҳр-муҳаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунаввар қиладиган зотлар ҳам аслида мўътабар оналаримиз, мунис опа-сингилларимиздир. Шундай экан, миллий иқтисодиётни модернизация қилиш ва янгилаш борасидаги чораларни кўриб борар эканмиз, Президентимиз таъбири билан айтганда «...фермерлик ҳаракати ва касаначилик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бўладими – мана шундай мураккаб вазифаларни аёлларимиз самарали адо этиб келаётганини катта ғурур ва мамнуният билан таъкидлаймиз».

Бугунги модернизацион жараёнларни амалга оширишда ҳукуватимиз томонидан аёллар меҳнатининг ролини ошириш ва бундай меҳнатдан амалда фойдаланиш масалаларида кўп ижобий ишлар амалга оширилса-да, бизни қийнаётган айрим муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган чораларни кўриш бугунги кунда жуда муҳимдир. Хусусан, Наманган вилоятида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида мавжуд айрим камчилик ва муаммолар аёллар меҳнатидан фойдаланишдаги жараёнларда келиб чиқмоқда.

Айни даврда «2009-2012 йилларга мўлжалланган Инкирозга қарши чоралар дастури»ни, унда кўзда тутилган ижтимоий-иқтисодий соҳанинг изчил ривожланишини, мамлакатда барқарорликни таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Мустақиллик йилларида аёлларнинг нафақат бандлик, балки маълумотлилик даражаси, маданий-маънавий савияси ўсиши уларда бўш вақтга эҳтиёж ва бу вақтни бола тарбияси уй ишларига эмас, балки, дам олиш, ижтимоий ишлаб чиқаришда кўпроқ иштирок этиш, моддий-маънавий жиҳатдан яхши яшашга интилишга сарфлайди. Бундай яхши яшашга интилиш, фарзандлари учун етарли зарурий шарт-шароитларни яратиб беришга ҳаракат қилиш демографик нуктаи-назардан кишлоқ аҳолиси ўртасида фарзанд кўришга бўлган муносабатда ифодасини топа бошлади. Натижада, кишлоқ оилаларида туғилаётган чақалоклар сонининг йилдан-йилга камайиши рўй берди. Масалан, кишлоқ аҳолиси ўртасида 1991 йилда 498,6 мингта чақалок дунёга келган бўлган бўлса, 2007 йилда 417,5 мингта чақалок туғилган, ёки шу даврда улар миқдори 1,2 баробарга камайган.

Эътироф этиш керакки, 2000-2009 йиллар оралигида Ўзбекистон Республикасининг аҳолиси таркибида аёллар салмоғида ўсиш тенденцияси мавжуд. Ўзбекистон бўйича аҳоли таркибидаги аёллар сони 2000 йилда 12,5 млн.дан кўпроқни ташкил этишини кўриш мумкин. Аёллар салмоғи энг кўп ҳудудларга Фарғона (1361 минг киши), Самарқанд (1352 минг киши), Тошкент (1200 минг киши) вилоятлари ва Тошкент шаҳри (1104 минг киши) қиради.

Бу ҳудудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиб борган сари, уларда аёллар меҳнатидан фойдаланиш даражаси ошиб бормоқда. Масалан, Фарғона вилоятида 2009 йилнинг якуни бўйича олганда 42,7 мингдан ортиқ кичик бизнес субъектлари фаолият кўрсатиб, уларнинг деярли барчаси аёллар меҳнатидан фойдаланишади. Фарғонада фармацевтика, химия, енгил ва кишлоқ маҳсулотларини қайта ишловчи соҳаларда фаолият кўрсатувчи кичик бизнес корхоналарида аёллар кўпроқ бандирлар.

Эътиборлиси шундаки, умуман Республика бўйича олганда ҳозирги вазиятлар аёллар меҳнатидан фойдаланишни кучайтирмоқда. Жаҳон молиявий-иктисодий инкироз рўй бераётган даврда Ўзбекистонда аёллар меҳнатидан фойдаланишни янада устувор йўналишларини белгилаш жуда муҳимдир.

Ҳозирги даврда, яъни 2010 йил бошига келиб аҳоли таркибидаги аёллар орасида расмий ишсизлар йилдан йилга камайиш тенденциясини олган. Меҳнат органларига иш қидириб мурожаат этганлар ҳам йилдан йилга камайиб бормоқда. Бундай ҳолатда ўз ўзидан расмий ишсиз деб юритилаётган аёллар кам камайиб бораётгани маълум бўлмоқда.

Аҳолини иш билан таъминлашда кичик бизнеснинг ўрни

Э. Ҳамидов

Андижон муҳандислик-иктисодий институти талабаси

Ўзбекистон бўйича ҳам, Андижон вилояти бўйича ҳам меҳнат ресурслари тез суръатлар билан ўсиб бормоқда. 2010 йил 1 январига Андижон вилояти

аҳолиснинг сони 2340,2 минг кишини, меҳнат ресурслари сони эса 1271,4 минг кишини ёки жами аҳолининг 54,3 фоизини, ташкил этди. 2009 йилга нисбатан меҳнат ресурсларининг салмоғи 6,5 фоизга ортган. Бу эса бандлик муаммосини анча долзарб муаммолар қаторига қўшиши. аниқ. Айниқса вилоят аҳолиснинг 70,2 фоизи қишлоқларда яшашини ҳисобга олсак, қишлоқ жойларда бандлик муаммоси янада кескин эканлиги аён бўлади. Қишлоқларда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, ер-мулкнинг хусусийлаштирилаётганлиги, фермер хўжалиқларининг шаклланаётганлиги объектив ҳолда яна бир талай аҳолининг ишсизлар сафига қўшилишини муқаррар қилиб қўядики, бу бозор иқтисодиётига ўтишнинг қонуниятларидан бири саналади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик замонвий ижтимоий ишлаб чиқариш ташкилий тузилмасининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Аввало, бу сектор бозор шароитида зарур тезкорликни таъминлайди, ишлаб чиқаришдаги чуқур ихтисослашув ва тармоқлашган кооператив яратадими, буларсиз юксак самарадорликни тасаввур қилиб бўлмайди.

Бу соҳа, шунингдек, энг замонвий машина-ускуналар ва технологиялардан фойдаланиб, сарфланган сармоя ўрнини жуда тез қоплай олади. Кичик бизнес бозор учун зарур бўлган рақобатчилик муҳитини, тез пайдо бўлиб йўқолиб кетадиган турли хил шакллари яратиб беради, у бир зумда ўзгариб турадиган бозор талабига жавоб беришга тайёр бўлиш қобилиятига эга.

Республикамиз Президентга таъкидлаганидек: «Шуни алоҳида назарда тутиш керакки, фақат кичик ва хусусий тадбиркорликни кенг, ҳамма жойда ривожлантириш ҳисобигагина кескин муаммони-аҳолининг, айниқса ортқча меҳнат ресурслари мавжуд бўлган қишлоқ жойлари ва минтақаларда иш билан бандлигини таъминлаш вазифасини хал қилишга қодир бўламиз»¹.

Ушбу маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, Республикамизда, шу жумладан Андижон вилоятида кичик ва ўрта бизнес мавқеини ривожланган хорижий мамлакатлар даражасига етказиш учун ҳали жуда катта ишларни амалга ошириш керак бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори, 2004 йил феврал ойида қабул қилинган “Хусусий корхоналар тўғрисида”ги қонун кичик ва хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштирилишининг изчил давоми бўлди. Бу эса хусусий тадбиркорлик учун янада кенгрок шароит яратиб берди. Фақат 2009 йилнинг ўзида Андижон вилояти бўйича 138 та кичик корхона, 1690 та микро- фирма шунингдек, 17228 та яқка тартибда фаолият билан шуғулланувчи фуқаролар рўйхатга олинди. Натижада 9176та янги юридик шахс микромидаги ишчи ўринлари яратилиб, уларнинг 79 фоизи қишлоқларга тўғри

келди. Кичик бизнес субъектларининг вилоят ялпи ички махсулотига салмоғи 38,6 фоизни ташкил этиб, 2003 йилга нисбатан 0,1 пунктга ортди.

Кичик бизнес субъектларнинг иктисодиётнинг асосий тармоклари ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши қишлоқ хўжалигида 68 фоиз, саноатда 6,1 фоиз, қурилишда 70,9 фоиз, юк ташиш айланмасида 64,9 фоиз, йўловчи ташиши айланмасида 72,3 фоиз ва чакана товар айланишида 38,5 фоизни ташкил қилди.

Шу тариқа кичик бизнес субъектларининг мамлакат иктисодиётида ҳам, вилоятимиз иктисодиётида ҳам салмоғи ортиб бормоқда. Айниқса, бандлик муаммосини енгиллаштиришда кичик бизнес субъектларининг ўрни ижобий томонга тез ўзгариб бормоқда. Келажақда ҳам меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш учун кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга кўпроқ эътиборни қаратиш керак. Бунинг учун:

- барча ҳудудларда янга ишлаб чиқариш субъектларини ташкил этиш, улар фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;

- иш жойларида ходимларга бўлган муносабатни яхшилаш, уларни моддий ва молиявий томондан рағбатлантириш ишларини такомиллаштириш;

- жойлардаги меҳнат биржалари фаолиятини кучайтириш, ишсизларни касбга йўналтириш ишларини фаоллаштириш;

- барча хоҳловчиларга ёлланиб ишлаши учун кенг шарт-шароитлар яратиш;

- қишлоқларда «ортиқча» бўлиб қолаётган ишчи кучларини халқ хўжалигининг бошқа тармоқларига, биринчи навбатда саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларига йўналтириш;

- қишлоқларда қишлоқ хўжалик махсулотларини қайта ишловчи кичик ва ўрта корхоналар тизимини кенгайтириш;

- қишлоқларда азалдан шугулланиб келинган маҳаллий хунармандчилик фаолиятини кенгайтириш лозим.

Янги ишчи ўринлари яратишнинг асосий йўналишлари

Ё.Худойбердиев

Наманган муҳандислик-педагогика институти магистранти

Б. Нурматов

Наманган Давлат Уннверситети тадқиқотчиси

Ўзбекистонда меҳнат ресурслари 1991 йилдан 2009 йилгача бўлган даврда 5,9 млн. кишига ёки 57,8%га кўпайди. Бу жами аҳоли сонига нисбатан 57,9%ни ташкил этади. 2009 йилда иш билан бандлар сони 11,3 млн. кишини ёки меҳнат ресурсларининг 70,2%ини ташкил этди.

Меҳнат ресурсларини бошқаришда ҳудудий Дастурларнинг аҳамияти катта. Ҳозирги пайтда аҳолини иш билан таъминлаш бўйича ҳудудий дастурлар тузилиб, вилоятларда амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда меҳнат ресурслари ва аҳоли бандлиги динамикаси

Кўрсаткичлар	1991	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009
Меҳнат ресурслари (млн. киши)	10,2	13,8	14,1	14,5	14,8	15,2	15,7	16,1
Жами, аҳолига нисбатан фойзда	49,0	54,8	55,1	55,4	55,8	56,3	57,4	57,9
Иш билан бандлар сони (млн. киши)	7,5	9,6	9,9	10,2	10,5	10,7	11,0	11,3
Жами меҳнат ресурсларига нисбатан фойзда	73,5	69,6	70,2	70,3	70,9	70,4	70,1	70,2

Аҳолини иш билан таъминлаш ҳудудий дастурларида қуйидаги асосий йўналишлар ажратилган:

- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш;
- Уй меҳнати (касаначилик)ни ривожлантириш;
- Хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш;
- Янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш;
- Мавжуд қувватлардан унумли фойдаланиш, корхоналарни кенгайтириш ҳисобига ишчи ўринларини кўпайтириш;
- Ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш;
- Инкирозга қарши дастурга мувофиқ, бандликка кўмаклашувчи қўшма чора-тадбирларни олиб бориш.

Аҳолини иш билан таъминлашни янада яхшилаш ва фаровонлигини оширишнинг энг муҳим йўналиши сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни келтириш мумкин.

2009 йилда жаҳон молиявий-иктисодий инкирози таъсир кўрсатиб турган бир даврда республика бўйича жами 940532 та янги ишчи ўринлари яратилди. Янгитдан яратилган ишчи ўринларнинг 41,7% и кичик бизнес соҳасига, 7,5%и йирик объектларни ишга тушириш ҳисобига тўғри келган бўлса, 29,9%и инкирозга қарши чоралар Дастурининг бажарилиши ҳисобига яратилган ишчи ўринларидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги «Касаначиликнинг йирик саноат корхоналари билан кооперациясини кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони янги ишчи ўринлари яратишнинг яна бир асосий йўналишини белгилаб берди. Хусусан, 2009 йилда яратилган янги ишчи ўринларининг 20,9%и касаначилик ҳиссасига тўғри келди.

Республикада касаначилик бўйича қуйидаги имтиёзлар яратилган:

- Корхона томонидан касаначига берилган жиҳоз, асбоб-ускуна ва инвентарлар мулк солиғидан озод этилган;

- Корхоналар касаначилар меҳнатига ҳақ тўлаш жамғармасидан ижтимоий тўловдан 2006 йил 1 февралидан бошлаб 5 йил озод этилган;
- Касаначи пенсия олиш учун иш стажига эга бўлади, жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этади;
- Касаначилик амалга оширилаётган турар жой нотурар жойга ўтказилиши талаб этилмайди;
- Касаначилар коммунал тўловлар учун ҳакни аҳоли учун белгиланган тарифда тўлайди;
- Касаначилар ишлаб чиқарган маҳсулотга сертификат талаб қилинмайди;
- Касаначилар фаолиятини асоссиз текширишга йўл қўйилмайди.

2010 йилдаги ҳудудий дастурларда республика бўйича жами 950 мингта янги ишчи ўрни яратиш кўзда тутилган бўлиб, унинг 21,9%и касаначиликка тўғри келиши мўлжалланмоқда. Дастурни бажариш учун жами 18734,1 млрд. сўм ажратилиб, унинг 48,0% и корхоналар ва аҳоли маблағлари, 25,3%и хорижий инвестициялар, 11,4%и тижорат банкларининг маблағлари, 10,8%и тикланиш ва тараққиёт фонди ҳамда бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобига молиялаштирилади. Молиялаштириш манбаларининг таркибида Бандликка кўмаклашиш фонди (0,05%) ва давлат бюджетининг (4,4%) улуши жуда кам фоизни ташкил этади.

Янги ишчи ўринлари яратишда уларнинг қийматига эътибор бериш ва ишчи ўринлари самарадорлиги билан тақослаш катта аҳамиятга эга. Хусусан, 2010 йилда яратилиши мўлжалланаётган бир янги ишчи ўринининг қиймати 19,7 млн. сўмни ташкил этади. Бу миқдор аҳолини иш билан таъминлашнинг асосий йўналишлар бўйича турлича бўлиб, энг киммат янги ишчи ўринлари ижтимоий инфратузилма объектларида яратиладиган ишчи ўринларига, энг арзони эса касаначилик йўналиши ҳиссасига тўғри келади. Бу ҳолат аҳолини иш билан таъминлашнинг эгилувчан (ноанъанавий) шаклларида фойдаланиш самарали эканлигидан далолат беради.

Хулоса қилиб айтганда, меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнатда бандлигини таъминлашга қаратилган меҳнат бозорини тартибга солиш сиёсати банд бўлмаганлар сонини камайтиришгагина эмас, балки замонавий иктисодиёт талабларига жавоб бера оладиган ишчи ўринлари яратиш йўналишларидан самарали фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга йўналтирилиши зарур.

V-ШУЪБА

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ҲУҚУҚИЙ БИЛИМ ВА МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛИ

Ҳуқуқий тарбия тушунчаси ва унинг моҳияти

М. Абдубаннабов, А. Арипов

Наманган Давлат Университети талабалари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида халқимизнинг асосий мақсадларидан бири инсонпарвар, демократик, ҳуқуқий давлат барпо қилиш деб кўрсатилган. Ҳуқуқий давлат қуриш учун эса шу давлат пойдеворини яратувчилар ҳуқуқий жиҳатдан билимли, тарбияли, онгли бўлишлари керак.

Ҳуқуқий тарбия умумий тарбиянинг ажралмас қисми бўлиб, инсонни жамиятда ўрнатилган қонун-қоидаларга риоя этиш, уларни ҳурмат қилишга чорлайди. Дастлаб тарбия ва ҳуқуқий тарбия тушунчаларининг моҳиятини ёритсак. Ҳозирги замон илмий тадқиқотларида ҳуқуқий тарбиянинг турли таърифлари мавжуд. Ушбу нуқтаи назарларни таҳлил қилиш орқали ҳуқуқий тарбиянинг ижтимоий мо-ҳияти бугунги кунда мураккаб ва серқирра аҳамият касб этаётганлигини кайд этиб ўтиш мумкин. Бизнингча, ҳозирги замон ҳуқуқий тарбия назариясини икки маънода қараб чиқиш мақсадга мувофиқ: кенг ва тор маънода.

Биринчи жиҳат, (ҳуқуқий тарбияни кенг маънода тушуниш) ҳуқуқий тарбияни жамият аъзоларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий ма-даниятини шакллантиришнинг умумий жараёни ва бу жараёнга жамият ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий тартиботи, мафкуравий фаолият, ахлоқий муҳит, қонунчилик тизими ва бошқа омилларнинг таъсирини ўз ичига қамраб олади. «Тарбия» тушунчасини бундай кенг шарҳлашга К.Д.Ушинскийнинг таърифини мисол қилиш мумкин: У «...Биз, тарбия, бу сўзнинг узвий маъносиди, мақсадга йўналтирилган тарбиявий фаолият сифатида мактаб, тарбиячи, мураббийлар инсонга ягона тарбия берувчилар эмаслигини ҳамда инсоннинг шундай кучли ва ҳаттоки, улардан ҳам қудратлироқ тарбиячилари бўлиб, табиат, оила, жамият, унинг тили ва дини, бир сўз билан айтганда, кенг маънода табиат ва тарих ҳисобланишини яққол англаймиз».

Иккинчи жиҳат, (ҳуқуқий тарбияни тор маънода тушуниш) ҳуқуқий тарбияни жамоат органлари ва жамоат ташкилотларининг (мақсадга йўналтирилган ишлашида намоён бўладиган) ҳуқуқий маданиятни тарбиялаш ва қонунга итоаткор фуқароларни тарбиялашга қаратилган ижтимоий фаолиятнинг бир тури сифатида талқин қилишни назарда тутди. Бунда ушбу муаммони ҳал қилишда унинг назарий ва методологик жиҳатларига алоҳида

эътибор қаратилган: ҳуқуқий тарбиянинг мақсади, вазифалари, моҳиятига тавсиф берилди; бундан ташқари, ҳуқуқий тарбиянинг шакллари ва методлари, шунингдек, унинг самарадорлигини аниқлаш усуллари тадқиқ этилган. Ҳуқуқий тарбияни бундай шарҳлайдиган олимлар каторига З.М.Исломовни қўшиш мумкин. Унинг фикрича, «Ҳуқуқий тарбия — ҳуқуқий тажриба алмашиш бўйича давлат, жамоат ташкилотлари, алоҳида фуқароларнинг бир мақсадга йўналтирилган фаолияти: ҳуқуқий нормаларга риоя қилиш, уларни бажариш ва бу нормалардан фойдаланишни таъминловчи муайян ижобий тасаввурлар, қарашлар, кадриятларни тушуниш, йўл-йўриқларни шакллантириш мақсадида одам онги ва хулқ-атвориغا доимий таъсир ўтказиб боришдир».

Бизнинг фикримизча, тарбия мураккаб жараён бўлиб, унда интенциявий ва экстенциявий таркибий қисмларни қўриш мумкин. Биринчи таркибий қисм мақсадли тарзда амалга оширилувчи тарбияни англатади. Иккинчи таркибий қисм эса ижтимоий маданий муҳитнинг, жамият турли омилларининг бевосита таъсирини англатади.

Ҳуқуқий тарбиянинг дастлабки босқичи аслида боғчада, мактабда бошланади. Лекин тарбия берувчи шахс унинг методини, йўлларини билмаса, тўғри тарбия бера олмайди.

Ҳуқуқий тарбияни кенг ва тор маънода қўриш мумкин. Кенг маънода бутун жамоанинг, қўрчиликнинг онгига таъсир қўрсатишга қаратилган тарбия, тор маънода эса алоҳида шахсга, унинг онгига таъсир этиш йўллари тушунилади. Ҳуқуқий тарбия натижасида кенг омма ёки айрим шахс ўз хатти-ҳаракатининг қонуний эканлигини тушунса, ҳуқуқий тартибни бузмасликка ҳаракат қилса, ўзини онгли равишда, ҳуқуқ нормаларига риоя этган ҳолда бошқара олса, мақсадга эришилган бўлиб ҳисобланади.

Демак, ҳуқуқий тарбия бу - ташкилий равишда мунтазам олиб бориладиган, аниқ мақсадни қўзлаган ва шахсга (гурух, шахсларга) таъсир қиладиган, уларга ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билим, қонунларга риоя этиш ҳислатларини вужудга келтирадиган ҳаракатдир.

Қонунга риоя қилиш учун, энг аввало уни билиш керак. Ҳуқуқий тарбия орқали ҳар бир шахснинг онгига, нима қилмоқ мумкин, нима қилмоқ мумкин эмаслигини, жамият, давлат ундан нимани талаб қилади, қонунга риоя этиш йўллари нимадан иборат эканлиги етказмоқ лозим. Тартиб бузувчилар орасида ўз хатти-ҳаракатини ноқонунийлигини англамаслик, ноқонуний экан деб ҳам ўйламаслик ва бундай ҳаракатни жазога лойиқ эмас деб тушуниш қўп учрайди. Шундай тушунча ҳосил бўлмаслиги учун тарбия жараёнида ҳар бир жамоада ўрнатилган тартибни бузиш, қонун нормаларига риоя этмаслик натижасида интизомий, маъмурий, моддий ёки жиноий жазо келиб чиқишини тушунтириш, уқтириш зарур. Шахс ва жамият ўртасида вужудга келадиган муносабатларнинг жамият ривожланиш принципларига мос бўлиши шахс фаолиятининг йўналтириб турувчи ҳаётий позицияга боғлиқ. Ҳаётий позиция эса тарбия

жараёнида шаклланади. Шу сабабдан ибтидоий жамоа тузуми давридаёк шахс тарбиясини жамият ўз назоратига олган ва бу вазифани бажаришни энг доно кишиларга топширган.

Ёшлар ҳуқуқий тарбиясини амалга ошириш жараёнида ўтмишдаги улуғ мутафаккирларнинг тажрибасига таяниш муҳим аҳамият касб этади. Марказий Осиёда қадимдан бола тарбиясига катта эътибор бериб келишган. Масалан, Амир Темур ўз панд-насихатларида шундай деб айтган:

«Бўлар одам ёшида бош бўлар,

Бўлмас одам киркида ҳам ёш бўлар».

Абу Носир ал Фаробий давлатни бошқарувчи шахснинг тарбиялигига кенг таъриф бериб, бу тарбия ёшлиқдан амалга оширилган бўлиши керак, деб таъкидлайди. Ўзининг: «қонунлар ҳақида китоб», «Бахт-саодатга эришиш йўллари ҳақида рисола», «Шаҳарни бошқариш», «Ғазилатли хулқлар» асарларида ижтимоий турмуш тўғрисидаги фан, унинг вазифалари, инсоният жамиятининг шаклланишида ҳар бир одамнинг ўрнини кўрсатган.

Фаробийнинг фикрича, ҳукмдор, муайян интеллектуал ва ахлоқий ғазилатларга эга бўлиши, бошқаришнинг умумий қонунларини билиши, ҳамда ўз мамалакати одамларини орқасидан эргаштира билиши, тарбиялай олиши, уларни ялпи фаровонликка эришишга йўллай олишга интилиши керак.

Беруний фуқаролар томонидан бошқариладиган давлатни идеал давлат деб ҳисоблаган. Лекин бу давлатни ҳар ким ҳам бошқара олмайди, уни ҳақиқий тарбияга эга шахс бошқаришини кўрсатиб, тарбия жараёнида оддийликдан мураккабликка эришиш кераклигини, тарбия кўп қиррали, ҳар хил кўринишда бўлиши, тарбияланувчини тарбиячи ўзига жалб эта олишини муҳим деб билган.

Ибн Синонинг фикрича ёш авлод тарбиясида атроф муҳит улкан ўрин эгаллайди. Шахснинг тарбияси бу бир қунлик ёки бир йиллик иш эмас эканлигини, тарбия мураккаб бўлганлиги туфайли тарбиячи сабр-тоқатли бўлиши кераклигини исботлаган.

Ҳуқуқий тарбия жараёнида Жалолоддин Давонийнинг ўғитлари муҳим аҳамият касб этади. Унинг «Психология трактати», «Бола тарбияси методи» асарларида тарбиянинг мезони болалик йиллари эканлиги кўрсатилган. Бола ҳамма нарсани ўзига олади, яхши-ёмонни ҳам, чунки унинг ақли фарқлаш хусусиятига эга эмас. Шунинг учун бола тарбиясига шошилмасдан, сабр билан ёндошиш зарурлигини билдирган.

Ёшлар тарбиясида буюк адибларимиз Алишер Навоий, Жомий, Ҳамзаларнинг насихатлари ҳам муҳим роль эгаллайди. Алишер Навоийнинг фикрича, тарбияни болалиқ давридан бошлаш зарур. Лекин, тарбиячи ўзи билимли, ахлоқли бўлиши, энг аввало болаларни севиш хусусиятига эга бўлиши шартлигини кўрсатган.

Юқоридаги бола тарбиясига берилган насихатлардан ҳозирги фуқаролар ўз ҳаётий тажрибаларида фойдалансалар ва бугунги янги илмий қарашлар билан боғлаб ёндошсалар, албатта яхши натижа олиш мумкин. Демак, инсон тарбияси

унинг ҳаётдаги ўрнини аниқлаш, шахсни яшашга ўргатиш жамият фаолиятининг муҳим соҳаларидан бўлиб келган. Тарбиянинг ижтимоий вазифаси шахсни бирор-бир фойдали ишга, фаолиятга ўргатиш демакдир.

Демак, Ҳуқуқий тарбия тизими уч таркибий қисмдан ташкил топади: давлат белгиланган қонун-қоидаларини ўқитиш, уларни жамият аъзолари ўртасида ташвиқот қилиш, ўқувчи ёшларни қонун-қоидалар ижросида бевосита иштирок этишга ўргатиш.

Таълим тизимида ҳуқуқий маданият ва мафқуравий жараёнлар уйғунлигини таъминлашнинг устивор йўналишлари

У. Аҳмедов

ФЖЎИ Андижон МАТМ катта илмий ходими

Инсон ҳуқуқий жихатдан қанча чуқур билимдон, юксак ҳуқуқий маданиятли ва маънавиятли бўлса маърифий-мафқуравий жихатдан шунчалик мукамал шаклланган бўлади.

Ана шу мафқуравий омилга бевосита боғлиқ равишда жамият тараққиёти тезлашади, миллат ғоявий-сиёсий жихатдан ўсиб, етилиб такомиллашиб боради, ёш авлоднинг илмий-маданий савияси, билимдонлик даражаси, дунёқараши ва тафаккури ўзининг ривожланиш ҳолатига қараб дунёвий мезонларга тўла жавоб берадиган бўлади. Ўзбекистон ўз фуқаролари интеллектуал салоҳиятининг барча замонавий соҳалари бўйича, айниқса, ҳуқуқий билим ва маданият етуқлиги масаласида ривожланган мамлакатлар тараққиёти даражасига бемалол етади.

Ҳуқуқий онгликнинг моҳияти, аҳамияти ва талаблари қонунларга ҳурматни тарбиялаш, уларга бўйсунуш маданиятини шакллантириш зарурлиги ҳақидаги миллий истиқлолимиз мафқураси ғоялари ва талабларини омма онгига сингдириш ва бу масалада қандай ижобий натижаларга эришиш, қонун ижрочиларининг ҳаётда ўз ишларида нақадар ҳалол, одил, ҳаққоний бўлишларига бевосита боғлиқдир.

Истикболли юртимиз равнаки, миллатимиз шон-шухрати, насли-насабимизнинг қадим илдизлари, чуқур барқамол авлод бугуни ва келажагини маънавий-маърифий юксалишсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ўз навбатида ана шу юксалиш ёшлариизнинг ҳаётий позицияси, жамиятдаги янгиланишларга муносабати, миллий истиқлол ғоянинг ҳаётбахш тамоилларини ўзининг онги, калби ва шуурига мустаҳкам сингдириши билан узвий боғлиқ.

Юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “миллий ғояда мужассамлашган буюқ мақсадларни рўёбга чиқариш, авваламбор жамиятимиз ва шу жамият аъзоси бўлиш ҳар қайси инсоннинг маънавий олами ва дунёқарашидаги ижобий ўзгаришлар билан бевосита боғлиқ эканини унитмаслигимиз зарур”.

Ана шу ҳақиқат мантигидан келиб чиқадиган бўлсак, ёшларда мафкуравий иммунитетни юксалишида аввало илм-маърифатнинг ўрни бекиёс эканлигини англаб олиш кийин эмас. Бу хусусда улуғ мутафаккир Абу Наср Фаробий, ўзининг “Бахт-саодатга эришув ҳақида” рисоласида, билим ва маърифатга бўлган эҳтиёж ҳаётда рўй бераётган воқеа, ходиса ва жараёнлар моҳиятини, объектив қонуниятини онгли тушуниш билан боғлиқ бўлган маънавиятдир, - деб баҳо берди.

Фаробий инсон ижтимоий маънавий такомилга, бахт-саодатга илм, маърифат воситасида ҳосил қилинадиган ақлий ва ахлоқий фазилатларнинг муштарақлиги орқали эришиш мумкинлигини, илм-хикматни эгаллаб олиш эса, ўта мураккаб, машақатли эканини, огоҳлантириб шундай деган эди: “Кимки хикмат илмига киришмоқчи бўлса, у, аввало, ёш бўлиши, яхши миждозлик, ҳар томонлама одоб илмини ўрганган одам бўлиши керак. Аввало ундай киши Куръон, тил ва қонуншунослик илмини эгаллаши керак. Ундай киши одамларга меҳрибон, покиза, тўғри сўз бўлиши, фиск-фужур, гина, хиёнат ва хийладан холи бўлиши керак”.

Фаробийнинг бу ғояларида айнан ҳар бир шахсни илм-маърифатни қурол қилиб олиб, турли зарарли одатлар, фаолиятлар ва ғояларга қарши курашда ўзига ҳос мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашга даъват бор дейиш мумкин.

Мазкур фикрни исботини биз шарқнинг буюк мутаффакири Абу Райхон Берунийнинг “Билимсиз кишиларнинг қўнгли хурофатга мойил бўлади” деган концептуал нуктаи назарида кўраимиз. Зеро мафкуравий иммунитетнинг бўшлиғи, ғоявий субтсизлик кўринишлари айрим ёшларни диний ақидапарастлик ғоялари, диний хурофат кутғусига берилишида кўзга ташланмоқда. Шу ўринда “Қутодғу билиг” муаллиф аллома Юсуф ҳос Ҳожибнинг, “Жами ярамасликлар маърифатда покланади”, – деган хикмати ибораси ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларда миллий истиқлол ғоясига ишонч, мафкуравий иммунитетни кўтаришда илм-маърифат устивор аҳамият касб этиш жуда халқчил ва содда тарзда ифодаланган.

Маърифатли Мовароуннаҳр руҳи Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Хива, Шахрисабз, Термизнинг ноёб тарихий ёдгорликлари, буюк Ипак йўли, шарқ мутаффакирлари яратган бебаҳо таълимотлар, Амир Темур ва темурийлар даврида гуллаб-яшнаган илм-фан, меъморчилик, тасвирий санъат, наққошлик, мусика, ривожланган савдо-иқтисодий муносабатлар, барпо этилган мустаҳкам қудратли давлат, унинг ички ва ташқи сиёсати нафақат Европадаги уйғониш жараёнига, ҳаётбахш таъсир этган балки ўша давр руҳиятига асрлар алмашинувидаги ҳар бир авлод маънавиятига мафкуравий дунёқарашига, таъбири жоиз бўлса муайян шахснинг ўз ғояси ва нафсониятини химоя қилиш жараёнига ҳам ўз таъсирини ўтказган.

Бошкача айтганда ҳар бир инсон ва жамиятнинг маданий ҳаётида ижобий маънода из қолдириб, кишиларнинг руҳий эҳтиёжи бўлган маънавий идеални шаклланишида алоҳида аҳамият касб этган.

Ана шу маънода таълим тизимида инсон маънавий қиёфасини шакллантиришнинг энг аввало ахлоқий ва ҳуқуқий дунёқарашини бойитиш орқали уларнинг муайян ғояга мустаҳкам ишончи ва эътиқодни тарбиялаш жамият олдидаги ўз бурчи ва масъулиятига жавобгарлик хиссини камол топтириш биз юқорида тилга олган маънавий идеални ўзига хос компоненти хисобланади.

Демократик янгиланишлар шароитида шахснинг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий масъулиятини ошириш зарурияти

Ш. Валиев

ФЖЎИ Андижон МАТМ илмий ходими

Жамият ҳаётини демократлаштириш ва мамлакатни модернизациялаш бугунги кун устивор вазифа сифатида белгиланар экан, уни муваффақиятли ҳал этиш жамиятнинг ҳар бир фуқароси, ҳар бир шахснинг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий масъулиятини юксалтиришга қўп жиҳатдан боғлиқ.

Ҳуқуқ жамияти аъзоларининг эркинликларини рўёбга чиқаришнинг муҳим шарти, уларнинг ҳуқуқий савияси, саводхонлиги ва маданиятини юксалтириш билан боғлиқ. Агар инсон ўзи яшаётган, ўзи ишлаётган жамиятда эркин фаолият кўрсатишни истаса, ўз эркинлигини бошқаларнинг ҳам эркин бўлиши учун маълум маънода чегаралашни даркор.

Худди шу ҳолат ҳуқуқий муносабатларни намоён бўлишидир. Ҳуқуқнинг муқаддаслиги шундаки унда инсон эрки намоён бўлади. Ҳуқуқ ижтимоий норма бўлиб, инсон яшаётган жамият, давлат доирасидаги унинг хатти-ҳаракатларининг меъёри, чегарасининг характерини белгилаб беради. Буюқ файласуф Г. Гегель бежиз “ҳуқуқнинг асл моҳияти таъқиқдир” деган эмас.

Айни пайтда ҳуқуқ маъсулиятсиз, маъсулият эса ҳуқуқсиз яшай олмайди. Буларнинг бирини иккинчисидан ажратиш мумкин эмас. Чунки ҳуқуқсиз маъсулият куллик, тобелик бўлса, маъсулиятсиз ҳуқуқ бебошлиқ, бошбошдоқликдир. Шунинг учун ҳам ҳуқуқ деганда маъсулиятни, маъсулият деганда ҳуқуқни тушунмок керак.

Инсонда, ҳар бир муайян шахсда шаклланган ҳуқуқий муносабат, ҳуқуқий онг туфайли юзага келади.

Ҳуқуқан камолотга етган киши конунларнинг маъно ва мазмунини чуқур, ҳар томонлама тушуниб етмоғи лозим. Бинобарин конун маълум бир кишига қаратилмаган, яққа шахснинг фикр мулоҳазаси ёки истак – хоҳишига боғлиқ бўлмаган лекин барча томондан эътироф этилган ҳуқуқий қоидалар ёки таърифлардир. Машҳур рус файласуфи В.Соловьёв сўзлари билан айтганда, маълум бир шароитдаги, маълум бир муносабатдаги муносабат тушунчасидир.

Умумнинг манфаати билан хусусий эркинлик ўртасидаги мувозанатдир. Айрим воқеа ёки ходиса ҳақидаги ўзгача фикр-мулоҳаза юритиш орқали юзага келган таъриф ёки умумий тушунчадир.

Замонлар ўтиши билан инсон ҳуқуқларига бўлган муносабатлар ҳам турлича талқин қилина бошланди. Хусусан инсон ҳаётга кадам қўйиши билан – тенглик, шахс дахлсизлиги, мулкка эга бўлиш, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларига эгаллиги алоҳида таъкидланади. Инсоният цивилизациясининг барча босқичларида ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқий онг ва кишиларнинг билиш савияси, ҳуқуқий саводхонлиги даражасига мувофиқ тарзда шаклланиб борганлигини алоҳида таъкидламоқ зарур.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билим ва маданият, конун устуворлиги ҳақидаги тушунча ва тасаввурлар кишиларда тасодифий равишда пайдо бўлмайди, уларни инсоннинг туғма хусусияти дейиш ҳам тўғри эмас.

Ҳуқуқий билимлар ва маданиятнинг юзага келиши ва ривожланиши чексиз жараён дир. Ҳар қандай билим ва маърифат сингари ҳуқуқий билим ва маданият ҳам жамият ривожланиши натижасида пайдо бўлган талаб ва эҳтиёжлар, мавжуд шарт-шароит ва имкониятлар асосида юзага келади ва ривожланади. Мустақиллик шароитида, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қарор топаётган ҳозирги пайтда ҳуқуқий билим ва маданиятга бўлган эҳтиёж кун сайин ўсиб бораётганлигини юқорида айтиб ўтдик.

Болаларнинг қалби, вужудига гўдақлик пайтидан бошлаб одоб-ахлоқ, ҳуқуқий конун-қоидалар ҳақидаги илк тасаввур ва тушунчаларни сингдиришда жамиятнинг асосий негизи бўлган оиланинг роли ва аҳамияти катта.

Президентимиз таъбирлари билан айтганда, оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, келажак насллар қандай бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир.

Шунинг учун Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас саналган. "Халқимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, энг қимматли анъаналар: ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму ҳаё, меҳру-окибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар энг аввало оилада шаклланади",-дейди Ислоҳ Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг беш йиллигига бағишланган мажлисдаги табрик сўзида.

Эндигина ёруғ дунёга келган норасиданинг қалби, жисми жонига ўзбек халқининг "Қонун-нонинг, номус-оринг", "Қонунбузар-эл бузар, эл бузарни конун тузар", "Қонун билганга - кенг дунё, конун билмаганга - тор дунё", "Қонун -элники, эл - юртники", "Қонун қайиради, ёлғон айиради", "Қонун қалити адолат, адолатнинг қалити саҳоват", "Қонунсиз битирган ишнинг охири вой", "Қонун ҳақ сўзни ёқлар, ҳақ сўз одамни" каби бебаҳо

маколлари, ҳикматлари ижтимоий муҳит, жамоатчилик, маҳалла, кўни-кўшнилар, ота-она, бобо ва бувилар таъсирида шаклланиб чуқур илдиз ота бошлайди. Булар энг олий даражада маънавий-ахлокий, ҳуқуқий кадрият, инсон калбининг гавҳарларидир.

Қонун ва қонунчиликка, ахлокий-ҳуқуқий қондаларга амал қилишнинг зарурлиги, жиноят қилган кишининг муқаррар равишда жазоланиши, порахўр бойимаслиги, қонунни менсимаганнинг обрўси кетиши, қинғир ишнинг қийиғи қирк йилдан кейин ҳам чиқиши муқаррарлиги ҳақидаги шарқона, ўзбекона ҳикматларни болаларнинг онгига сингдиришда оила катта ўрин тутати.

Айни пайтда оила унда тарбиланаётган фарзандларнинг дунёкараши, ҳуқуқий савияси ҳамда маданиятини шакллантириш-да ҳам муҳим ўрин тутати. Бойси миллатимиз азалдан демократик ҳуқуқий тамойилларни ислом шарият ҳуқуқи, фикҳ илми асосида ўз руҳиятига сингдиришга доимий ҳаракат қилиб келган. Биз фуқаролар эркинлиги асосланган демократик жамият ва қонун устиворлигига асосланган ҳуқуқий давлатда яшаётган эканмиз ҳар бир онгли шахсни ўз қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш давлат ва жамият, миллат ҳамда халқ олдидаги ҳуқуқий масъулиятини чуқур англашга эришмоғимиз лозим.

Ҳуқуқий билим ва маданиятни шакллантиришда

ҳуқуқий онг ва унинг аҳамияти

С. Жабборов, А. Арипов

Наманган Давлат университети талабалари

Ҳуқуқий онгнинг мазмун ва моҳиятини аниқлаш учун аввало, «ҳуқуқий онг» тушунчасининг юридик табиатини аниқлаштириб олиш зарур деб ҳисоблаймиз. Бу анча мураккаб сиёсий-ҳуқуқий ҳодиса бўлиб, у ўз навбатида, фуқаролар ва ижтимоий гуруҳларнинг қонунийликка, ҳуқуққа, одил судловга муносабатини, уларнинг қандай хатти-ҳаракат қонунга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги ҳақидаги тасаввурларини акс эттирувчи ғоя ва қарашларларнинг йиғиндиси сифатида тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг янги юридик энциклопедиясида, Ҳуқуқий онг (инг legal awareness)– амалдаги ҳуқуқни намоён қилувчи ҳуқуқ назариясида ижтимоий онгнинг шакли, қарашлар ва ҳис-туйғуларнинг мажмуи, мавжуд ҳуқуқий муносабатларни ҳуқуқий тушунча ва категорияларда баҳолаш, шунингдек исталаётган ҳуқуқ ҳақидаги қарашлар дея таъриф берилган.

Давлатнинг ривожланишида ҳар бир шахснинг юридик аҳамиятга молик бўлган вазиятларда ўзини ҳуқуққа мувофиқ тутишига, ҳар ким эркин, етук ва соғлом ҳуқуқий онгга эга бўлишига ҳамда шу асосда тегишли ғоявий ва мафкуравий фазилатларни тарбиялашга, мустаҳкамлашга ва асрашга боғлиқ эканлигини қайд этиш лозим. Бунинг учун шахс тегишли ҳуқуқий мезонлар

доирасида эркин бўлиши ва зарур хулк атвор вариантини (турини) мустакил танлаш имкониятига эга бўлиши талаб этилади. Зеро, қонунларга эркин риоя қилинган тақдирдагина шахснинг ижтимоий ҳуқуқий фаоллиги, маънавий кадрқиммати, ҳуқуқий онги намоён бўлади. Ҳуқуқий онг инсонга хос маънавий фазилят бўлиб, унинг бутун ҳаёти мобайнида, барча ҳаттиҳаракатларида, қундалиқ фаолиятида иштирок этади ҳамда ўз таъсирини кўрсатади.

Ҳуқуқий мафкура — ижтимоий онг шакли сифатида ҳуқуқий онгнинг жамланган ифодаси ҳамда давлат бўлиб уюшган жамият ҳуқуқий ҳаётининг асоси ва узвий таркибий қисмидир. Шу билан бирга, у ҳуқуқнинг жамият, ижтимоий гуруҳ ёки шахс онгида акс этиши ҳамда ҳуқуқни билиш, амалдаги ҳуқуқни ва ундаги ижобий ғояларни баҳолашда ҳам намоён бўлади. Ҳуқуқий онг объектнинг акс этиши натижаси сифатидагина эмас, балки объектга, давлатнинг бутун ҳуқуқ тизимига таъсир кўрсатиш воситаси сифатида ҳам намоён бўлади.

Ҳуқуқий онг ҳуқуқдан олдин юради, негаки ҳуқуқ ўзида жамиятда мавжуд бўлган қарашлар ва йўл-йўриқларни ифодалайди. Бошқа томондан, муайян жамиятда амал қилаётган ҳуқуқтизими ҳуқуқий онгга таъсир кўрсатувчи энг муҳим омил сифатида майдонга чиқади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг амал қилиши, уларнинг қўлланилиши ва уларга риоя этилиши фуқароларнинг ҳуқуқий онги даражасига бевосита боғлиқ.

Ҳуқуқий онгда салбий хусусиятлар бир қатор омиллар асосида юзага келиши мумкин. Улар жумласига: қонунчилик ҳужжатларининг сифати, иқтисодий, сиёсий, маънавий, диний, ташкилий омиллар, жамиятда демократик кадриятларнинг қай даражада шаклланганлиги, ҳуқуқий анъаналар, тарихий ҳуқуқий тажриба ва бошқалар қиради.

Баҳолаш функцияси ҳуқуқий онгнинг ўсиши натижасида инсонларнинг ҳуқуқий ва ҳуқуққа зид бўлган кўринишларни бир-бирдан ажрата олишишга эришишига хизмат қилади. Тартибга солиш функцияси эса, шахсларнинг юқори даражадаги ҳуқуқий онгга эга бўлиши, уларни ҳуқуққа асосланган ҳолда ҳаракат қилишларини таъминлайди. Айрим адабиётларда ҳуқуқий онгнинг гнесологик, бошқарув ва ҳуқуқий шакллантириш функциялари алоҳида шаклда ажратиб кўрсатилади. Гнесологик функция объектив борликдаги мавжуд ҳуқуқий ҳолатларни билишни тавсиф этади. Бошқарув – ўз феъл-атворини ҳуқуқ талаблари билан қиёслаш воситасида ўз ҳатти-ҳаракатларини ўзгартиришдир. Ҳуқуқий онгнинг ўзини бошқариш функцияси инсон орзу-интилишларини оқилона рўёбга чиқариш ҳуқуқий онгнинг амалий томони ҳисобланиб, у ирода орқали амалга оширилади. У ҳуқуқий билимларни аниқлаш, ички туйғулар билан мавжуд ҳуқуқий эътиқодлар, мавжуд объектив борлик, жамиятда амал қилаётган ҳуқуқий нормаларни мувофиқлаштириш, мақсадни аниқлаш, қарор қабул қилиш ва қарорни ижро этиш қабиларни ўз ичига олади. Ҳуқуқий онг қабул қилаётган ахборотни “қайта ишлаш” ва

Ўзлаштиришда инсон феъл-атворини бошқарувчи мураккаб механизмлар муҳим ўрин эгаллайди, у манфаатни англаш, мақсадни аниқлаш, асослар тизими ва истагини намоён этиш каби ҳолатларни ўз ичига олади. Ҳуқуқий онгнинг шакллантириш функцияси – ўз хулқи ҳатти-ҳаракатларини шакллантириш, уюштириш, ташкил этишдан иборат бўлиб, у жуда муҳим ҳисобланади.

Ҳуқуқ назариясида ҳуқуқий онгнинг куйидаги шакллари ажратилади. Бирламчи ҳуқуқий онг–ҳуқуқ ва қонунчиликка “оид” кишиларнинг тасаввурлари, уларнинг ҳис-туйғулари, кайфиятлари. Ушбу ҳиссиётлар кишиларнинг бевосита ҳаёт тарзлари, уларнинг амалий тажрибалари таъсири остида пайдо бўлади. Профессional ҳуқуқий онг - профессионал-юристарлар доирасида шаклланадиган тушунча, қараш, гоя, ишонч, анъана, стереотиплар. Ҳуқуқий онгнинг ушбу шакли юридик нормаларнинг татбиқ этилишида асосий роль ўйнайди ва унга ҳуқуқий амалиётнинг услуги ва “руҳи” боғлиқ. Юристарларнинг тушунча, гоя ва ишончлари, энг аввало, бутун юридик амалиёт ва ўз навбатида юристарларнинг профессионал онгини ижтимоий анализ предметиға ажратадиган, кўпинча юридик фаннинг (мафқуранинг) таъсири остида шаклланади. Илмий ҳуқуқий онг– ҳуқуқнинг тизимлаштирилган назарий ўзлаштирилишини ақс эттирувчи фикрлар, концепциялар, қарашлар. Замонавий кишилик жамиятларида ҳуқуқнинг, қонунчиликнинг, сиёсий-конституциявий муносабатларининг ривожланиш йўлларини кўрсатишда профессионал ҳуқуқий онгга устун мавқе берилган. Юридик ҳодисани ақс эттиришнинг ушбу кўриниши қоида тарикасида илмий тадқиқот институтларида ишлайдиган ҳуқуқшунос-олимлар томонидан илгари сурилади ва улар томонидан ривожлантирилиб борилади.

Ҳуқуқий таълим-тарбия демократик давлат пойдевори

Б. Инатуллаев

Наманган Давлат Университети талабаси

Ҳар қайси жамият эркин фикрловчи, унинг ҳаётида фаол иштирок эта биладиган, ўз сўзини айтишға қодир фуқороларға доимо муҳтож бўлган. Бирок шахснинг бу фаолиятни амалға ошириши учун давлат томонидан зарур ҳуқуқий асослар яратилган бўлиши лозим бўлади. Бугун ҳуқуқий демократик ва фуқоралик жамияти қуриш йўлидан бораётган Ўзбекистон Республикасида қонун ижодқорлигини такомиллашувида бу каби ҳуқуқий асослар яратилганини кўриш мумкин. Жамият ҳаётининг субъекти бўлган шахслар томонидан бу ҳуқуқларини амалда қўллашлари учун ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий маданият зарур бўлади. Ўзбекистон Республикасида қонун ҳуқуқий таълим-тарбия ва ҳуқуқий маданиятнинг негизини ташкил этади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳуқуқий маданият – бу жамият муҳити, климидир, агар жамият ва ҳар бир фуқоро ҳуқуққа, қонунға ҳурмат билан

муносабатда бўлса, ҳуқуқ ва қонунчиликнинг устуворлигини тан олса давлатда тартиб ўрнатилади.

Ҳар қандай мустақил давлатда халқнинг эркин яшаши, фаровон турмуш қуриши, хоҳиш-иродасининг амалга оширилиши, эзгу мақсад-ниятлари ҳуқуқий жиҳатдан қафолатланиши лозим. Шу қафолат ватан тараққиётини, давлат мустақилигини, халқнинг жипслигини, миллатлараро ҳамжиҳатлик - дўстликни, мустақилликнинг барқарорлигини узок йиллар давомида таъминлашга шарт-шароит яратади. Ўз навбатида бу қафолатлар республикамиз Конституциясида Ўз ифодасини топди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъбири билан айтганда, “Ҳар қандай давлатнинг Конституцияси унда яшовчи халқнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради”.

Республикамизда қонунлар ижросини таъминлаш учун аҳолининг ҳуқуқий онгини, ҳуқуқий маданияти, ҳуқуқий мафқурасини юксалтириш зарур. Аҳолининг, айниқса, ёш авлоднинг ҳуқуқий билим савиясини юкори даражага кўтариш билан қонун бузилишлари, адолатсизликлар олди олинади. Зеро, ҳар бир фуқоро жамиятда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотлар ўтказиш даврида жамиятнинг қайси жаҳасида фаолият кўрсатмасин, ҳуқуқий билимга эҳтиёж сезади.

Ҳозирги кунда таълим муассасаларида ҳуқуқий таълим-тарбия бериш жуда муҳим вазифа ҳисобланади. Чунки ўз ҳуқуқларини ва бурчларини билган киши жамиятнинг барча соҳаларида онгли равишда фаолият юритади ва фаоллик кўрсатади. Умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларидаёқ “Конституция алифбоси”, юкори синфларда “Конституция оламига саёҳат”, “Конституциявий ҳуқуқ асослари” каби фанларнинг ўқитилишидан қутилган мақсад ҳам ана шундан иборат. Чунки таълим муассасалари ўз олдига ёш авлодга таълим бериш билан бир қаторда уларни миллий тарбия воситалари орқали юксак инсоний фазилатларни тарбиялаш вазифасини қўяди. Шу маънода ҳуқуқ ҳам инсоний фазилатлар билан уйғун ҳолда шахс ижтимоий фаолиятида намоён бўлади. Масалан, ахлоқ ва ҳуқуқ масаласини кўриб чиқадиган бўлсак, ахлоқ ҳуқуқбузарликнинг ҳар қандай кўринишини ва айниқса жиноятларни кескин қоралайди, бу каби ҳодисаларни баҳолашда ҳуқуқ ва ахлоқ бир фикрдадир. Ривожланган жамиятда ҳуқуққа қарши ҳар қандай ҳаракат ахлоқсизлик ҳисобланади. Ҳуқуқ ва ахлоқ жамиятда қонунларга риоя этишликни талаб этади. Конституциямизда, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ахлоқ ва ҳуқуқнинг умумий қарашлари қўшилиб кетади.

Жумладан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида “Ҳар бир инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқишида шундай чеклашларга мубтало бўлиши мумкинки, булар қонун томонидан белгилаб қўйилиши ҳамда бундан муддао бошқаларни ҳуқуқ ва эркинликлари зарур даражада тан олиниши ва ҳурмат қилиниши ҳамда ахлоқ одобнинг адолатли талаблари ижтимоий тартиб

ҳамда демократик жамиятдаги бугунги фаровонликнинг адолатли талаблари кондирилган бўлсин”, деб белгилаб қўйилган.

Ўзбекитсон Республикаси Президенти И.Каримов карашларида ҳам жамиятимизни янгилаш ишида ҳуқуқий, ахлоқий ва маънавий асосларининг муҳим аҳамияти қўйидагича таъкидланади: - “Шарқда демократия тушунчаси ҳамжихатлик гоёси, жамоатчилик фикрининг устуворлиги заминида шаклланади. Бизнинг мамлакатимизда демократик жараёнлар халқимизнинг қонуннинг ҳурмат қилиш, қонунга итоат этиш каби фазилатларига мос равишда ривожланиши зарур. Ахлоқий, маънавий кадриятлар сиёсий муносабатларда ҳам устунлик касб этиши дарқор.”

Республикада сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий қайта ўзгартиришларни ҳал этиш, демократияни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини таъминлаш жамият ҳаётининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш билан боғлиқдир. Ҳуқуқий маданиятни ошириш, жамият ҳар бир аъзосининг ўз ҳуқуқига саводхонлик билан муносабатда бўлиш, ҳар бир кишининг юридик нормаларни билиши ва уларга амал қилиши ҳамда уларни аниқ ва бенуқсон бажаришга интилиши зарурлиги мана шундан келиб чиқади.

**Ўзбекистонда шарқона жамоавийликка асосланган қучли
фуқаролик жамиятини шакллантиришда инсон маънавий
тарбиясининг иқтисодий жиҳатлари**
и.ф.н. Мирзакаримова М., асс. Абдуллаева Б.
Фарғона политехника институти

Иқтисодиёт назарияси дастлаб шаклланаётган даврда индивидуализмни инсон шахсининг, биринчи навбатда, ҳўжалик фаолияти соҳасидаги ҳулқ-атворини белгиловчи моҳиятли тавсифлари сифатида услубий талқин қилишга асосланди. Бу эркин рақобатли бозор иқтисодиётининг вужудга келиши даврида ўринли бўлиб, бунда товар ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг умумий иқтисодий ривожланишда жиддий узилишларга олиб келмайдиган оқилона эгоизми ҳукмронлик қилди. Бирок эркин бозор камчиликларининг аниқланиши ва қучайиб бориши билан уларнинг олдини олиш ва баргараф қилиш учун давлат аралашуви талаб қилинди, эгоистик индивидуализм тамоёйили ўзининг дастлабки универсаллигини йўқота бошлади. Индивидуал манфаатлар билан бир қаторда, бутун жамият манфаатлари ҳам катта аҳамият касб этди. Жамият манфаатларининг амал қилиши иқтисодий фан турли гоёларига зид келмайди. Ижтимоий манфаатлар ўзида нимани акс эттириши, қардан олиниши ва бошлангич индивидуал интилишлар ва афзал қўришлар билан қандай нисбатда бўлиши тўғрисида мунозаралар борди. Дж. Кейнс ўзининг иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш концепциясида индивиднинг субъектив хоҳиш-истакларини асос қилиб олган. Ҳўш, биз

ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришда ана шундай индивидуал ёндошувни асос қилиб олампизми ёки жамият манфаатларини устун қўйишга асосланган жамоавийликни, деган савол туғилади.

Бизнинг давримизда ҳам индивидуал ва ижтимоий манфаатлар нисбати тўғрисидаги масала ҳалигача диққат марказда қолмоқда. Чунки унга тўғри жавоб бермасдан туриб, ҳозирги замон иқтисодий воқелигини англаш мумкин эмас. Маълумки, инсон ўз индивидуал хоҳиш-истаклари билан алоҳидалашган ҳолда яшай олмайди, балки ўзига қулай бўлган жамиятда яшовчи ижтимоий мавжудот ҳисобланади. Инсон моҳиятининг индивидуал томони билан бир қаторда, ижтимоий жиҳатининг ҳам мавжудлиги бутун инсоният тарихи давомида кишиларнинг турли жамоаларга бирлашган ҳолда яшаши билан исботланади. Бугунги кунда ҳам индивидлар ўз манфаатлари бўйича оила ва бирлашмалардан тортиб, то давлат ва жаҳон ҳамкорлиги даражасидаги турли ижтимоий жамоаларнинг иштирокчилари ҳисобланадилар.

Бизнинг назаримизда, бугунги кунда бутун ғарб иқтисодиётини қамраб олган жаҳон молиявий – иқтисодий инкирозининг асосий сабаби ҳам унинг бир томонлама, индивидуализмга, фақат фойда кетидан қувиш, ҳар қандай фаолиятдан манфаат қутишга асосланганлиги билан боғлиқдир. Айни вақтда бу инкироз асосан, ўз корпоратив максадларини қўлаб иш юритиб келган, кредит ва қимматбаҳо қоғозлар бозорларида турли спекулятив амалиётларга берилиб кетган банклар фаолияти устидан етарли даражада назорат йўқлигини ҳам тасдиқлади.

Инсондаги ижтимоийлик, жамоавийлик ҳисси – бу мавҳум тушунча эмас. У ҳар бир шахсда бир хил бўлмаган қўлам ва турли шаклларда намоён бўлади. Хусусан, оила дастлабки ва энг кичик жамоа ҳисобланади. Бу ерда бола тарбиялаш, комфорт маиший шароитлар, биргаликда уй хўжалигини юритишдан иборат индивидуал ва оилавий манфаатлар рўёбга чиқади.

Республикамиз Президенти жамоавийликка инсоний туйғу сифатида эмас, балки кўпроқ миллий хусусиятимиз сифатида қараганлар: ”Масалан, Шарқ оламида, жумладан, ўзимизнинг Ўрта Осиё шароитида жамоа бўлиб яшаш туйғуси гоят муҳим аҳамият касб этади ва одамларни бир-бирига яқинлаштиришга, бир-бирини қўлаб-қувватлаб ҳаёт кечиришга замин туғдиради. Шу маънода, халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзига назар ташлайдиган бўлсак, бошқаларга ҳеч ўхшамайдиган, минг йиллар давомида шаклланган, нафақат ўзаро муомала, балки ҳаётимизнинг узвий бир қисми сифатида намоён бўладиган бир қатор хусусиятларни кўрамыз”. Президентимиз бундай хусусиятлар сифатида меҳр-оқибат, инсоннинг инсон билан, оиланинг оила билан, қўшнининг қўшни билан, қариндошнинг қариндош билан, энг муҳими, шахнинг жамият билан уйғун бўлиб яшашини, етим-есир, бева-бечора ва ногиронларга, мусофирларга саховат кўрсатиш, сидқидилдан, беғараз ёрдам беришни кайд этадилар. Халқимизга хос бу эзгу хислатларни Ўрта Осиё

халқларнинг қадимдан турмуш тарзини белгилаб берган табиий–клим шароитининг мураккаблиги билан боғлиқлигини кўрсатиб ўтадилар.

Демак, осийча ишлаб чиқариш усули Ўзбекистонда яшаган халқларни шарқона жамоавийлик асосида иқтисодиёт билан шуғулланишга, давлат бошқарувида маҳаллаларга таянишга мажбур қилган экан, бугунги кунда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ғарбдан кириб келаётган индивидуализм ғоясига кўр-кўрона эргашмасдан, ўзимизнинг азалий кадриятларимизни сақлаб қолган ҳолда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш йўлининг танлаб олинганлиги ғоят тўғридир. Бу йўлни биз бугунги кунда жаҳон молиявий – иқтисодий инкирозини бартараф этишда дунё мамлакатларига модел сифатида тавсия этишга ҳақлимиз.

Ta`lim tizimida huquqiy bilim va madaniyatni shakllantirish

D. Nurmatov

Andijon muhandislik-iqtisodiyot instituti, i.f.n., dots.

G. Nurmatova

Andijon Davlat Tillar pedagogika instituti talabasi

Ўзбекистон Республикасининг mustaqilligi, o`z yo`lini o`zi belgilashdek buyuk baxt bugungi yosh avlodga nasib etdi. Bunday davlatni yaratish uchun esa jamiyat, xalq, ayniqsa, yoshlar yuksak darajada huquqiy bilimli, madaniyatli bo`lishi kerak. Respublikamizda mustaqillikni mustahkamlash, ta`limni rivojlantirish, huquqiy madaniyatni yuksaltirish borasida juda ko`p ishlar amalga oshirilmoqda.

Ўзбекистон Республикаси Олий Majlisining 1997 yil 29 avgustdagi qarori bilan tasdiqlangan “Jamiyatda huquqiy madaniyatni yuksaltirish Milliy dasturi” ning qabul qilinishi aholining barcha qatlamlarida huquqiy savodxonlikka erishish, huquqiy madaniyatni shakllantirishning keng qamrovli muntazam tizimini yaratdi. Prezidentimiz I.A.Karimovning 2001 yil 4 yanvardagi “Ўзбекистон Республикаси Konstitutsiyasini o`rganishni tashkil etish to`g`risida”gi Farmoni kabi bir qancha huquqiy hujjatlar misol bo`la oladi. Zero, muxtaram Prezidentimiz ta`kidlaganidek “Huquqiy madaniyat – umumiy madaniyatning ajralmas tarkibiy qismi. Inson ongida shunday ishonch qaror topishi kerakki, huquqiy bilimlarga ega bo`lgan va ularni amaliyotda tadbiq eta oladigan kishigina madaniyatli va bilimli deb hisoblanishi mumkin”.

Mamlakatimizning rivojlanishi dunyo miqyosida xurmat va e`tiborga sazovor bo`lishi kelajak avlodni har tomonlama kuchli, bilimli qilib tarbiyalashni talab etadi. “Ўзбекистон Respublikasida yoshlar va turli yoshdagi balog`atga yetmaganlarning huquqiy ta`limi haqida”gi Nizomiga asosan huquqiy ta`lim respublikadagi barcha maktablarda, litseylarda, professional va ixtisoslashtirilgan texnika bilim yurtlarida, oliy o`quv yurtlarida maxsus dastur asosida olib borilishi lozim. O`rta maxsus ta`lim tizimining 8-sinfiga “Ўзбекистон davlati va huquqi asoslari”, 9-sinfda esa “Konstitutsiyaviy huquq”, o`rta maxsus va kasb-hunar ta`limida barcha huquq

sohalari, oily ta'limda esa butun huquqshunoslik fani mukammal yo'lga qo'yildi. Yuksak huquqiy madaniyat demokratik jamiyat poydevoridir. U jamiyatdagi turli xil hayotiy jarayonlarga faol ta'sir ko'rsatuvchi, fuqarolarning, barcha ijtimoiy guruhlarning jipslashuviga ko'maklashuvchi, jamiyatning yahlitligi hamda tartibli hayotini ta'minlovchi va mustahkamlovchi omildir. Qonunni hurmat qilish huquqiy jamiyatning, siyosiy va huquqiy tizimlar samarali faoliyat ko'rsatishining asosiy talablaridan biri hisoblanadi. Kishilarning huquqiy ongi qanchalik kuchli bo'lsa, huquq normalarining ixtiyoriy bajarilishiga olib keladi. Huquqiy ong huquqiy bilimlar natijasida shakllanadi va huquqiy madaniyat orqali amal qiladi.

Jamiyat va davlat taraqqiyotining hozirgi holati huquqiy munosabatlar barcha ishtirokchilarining huquqiy madaniyatini, huquqiy savodxonligini har tomonlama oshirishni talab qilmoqda. Huquqiy madaniyat huquqiy bilim, huquqiy e'tiqod va izchil amaliy faoliyat majmui sifatida jamiyat va davlat oldida turgan vazifalarning muvaffaqiyatli hal etilishini ta'minlaydi.

Mustabid tuzum davrida qonun haqida yuzaki tushunchaga ega xalq bugun qonun ijodkorligi tamoyiliga tayanib, yangi qonunlar qabul qilinishida bevosita ishtirok etmoqda. O'z fikri, taklif-mulohazalarini erkin bildirib, bu jarayonda faol qatnashmoqda. Zero, milliy dasturda: "Inson huquqlari – insonparvar demokratik huquqiy ongning o'zagidir. Huquqiy ong darajasi – bu odamlarning huquqlardan shunchaki xabardorligi, qonunlarni bilishigina emas. Bu, eng avvalo, qonunlarga rioya etish va ularni bajarishga tayyorlik, qonunga itoatkorlik, huquqni va odil sudlovni hurmat qilishdir" deyiladi. Qonunchilik tizimini takomillashtirish bilan bir qatorda qonunlarning hayotga tadbiq etilishiga, ularga qat'iy hamda og'ishmay rioya qilinishiga erishish zarur.

Таълим тизимида ҳуқуқий билим ва маданиятни шакллантиришнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболи

Г. Юлчиева

Наманган муҳандислик-педагогика институти талабаси

Маданият - инсонларнинг ижодий фаолияти туфайли яратилган моддий ва маънавий бойликлари бўлибгина қолмай, аynи пайтда у жамият таракқиётнинг даражасини ҳам ифодалайди, яъни жамиятдаги билим, мезон ва кадрларнинг йигиндиси маданиятда гавдаланади. Маданиятни ўрганишда объектив қонуниятлар, ҳодисалардаги сабабий боғлиқлик ҳақидаги анъанавий тасавурлардан фойдаланмаслик ҳам мумкин.

Маъданият - жамиятнинг маҳсули, ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим жабҳаларидан биридир. Маданиятсиз жамият бўлмаганидек, маданият ҳам жамиятдан ташқарида бўлмайди.

Президентимиз И.Каримов тарифлаб берганидек: "таракқиёт йулидан қадамма-қадам, босқичма-босқич, изчил илгарилаб бориш принципи" умуминсоний маданият тарихини чуқур таҳлил қилишга ва илмий тафаккур

ютуқларига асослангандир. Яъни жамият куриш йўлида ҳуқуқий маданиятни юксак даражада шакллантириш ҳамда уларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатли таъминлаш муаммолари алоҳида касб этмоқда. Ҳуқуқий маданиятнинг юқори даражада бўлиши давлатнинг ўзига хос хусусиятидир. Ҳуқуқий маданият савиясини оширишда яратилаётган қонунлар - сони билан эмас, шу қонунларни ижро этилиши даражаси билан муҳимдир. Ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан инсонларда ҳурмат ҳисси муҳим аҳамиятга эга.

Ҳуқуқий онг ҳуқуқий маданиятнинг таркибий қисмларидан бири бўлиб, аввало одамларнинг қонунга муносабатларини ифодаловчи қарашлар ва эътиқодлари, уларнинг ҳуқуқ ҳақидаги тасаввурларидан, интилишларидан иборат. Ҳуқуқий онг фуқароларнинг янги қонунлар яратиш, қабул қилиш, қонунни қўллаш, фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ фикрлари, мамлакатимиздаги демократик ўзгаришларга муносабатини белгилайди.

Шахснинг ҳуқуқий маданияти - бу умум этироф этилган ижтимоий кадриятлар нуқтаи назаридан қараганда индивидуал қарашлар, баҳолар сабаблар, йўл-йўриқлар бўлиб, қонуний ҳамда ижтимоий фаол ҳаракатга асос бўлади. Ҳуқуқий давлатни, адолатли фуқаролик жамиятни шакллантиришда Президентимиз таъкидлаганидек “одамларнинг онгидаги эски фикрларни, психологиясини ўзгартириб янги ҳуқуқий онгни шакллантиришимиз лозим. Шундай бўлсинки, ҳар бир киши инсон эркинликлари-айни вақтда муайян бурч, мажбурият ва масъулият эканлигини чуқур ҳис этиб турсин. Жамиятда ислохотларни чуқурлаштиришда сифат жиҳатдан янгича шарт-шароитлар яратилиб қолмасдан, жиддий ўзгаришлар ясаш ҳам такозо этади.

Ҳуқуқий маданиятнинг етарли эмаслиги айрим фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги паст даражада бўлишининг асосий сабабидир.

Маълумки ёшлар ҳар қандай жамиятнинг энг илғор ва фаол қучларидан саналади. Жамиятда ёшларнинг ижтимоий улғайиши, ўзининг муносиб ўрнини топиши, турли мафкуравий оқимларга бардош беришлари, жамият ҳаётига кириб боришлари учун уларнинг ҳуқуқий онги, маданиятини юксалтириш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, қобилият ва имкониятларини намоёиш этиш учун муносиб шарт-шароитларни яратмоқ зарур. Буни республикаимиз шароитида амалга оширилаётганлигини мисоллар билан исботлаш мумкин. Мамлакатимизда ёшларни ўз имкониятларини намоён этишлари учун тузилган турли хил жамғармалар, танловлар бунга мисол бўла олади. Олий таълимда ёшларни қўллаб-қувватлаш учун бир неча ўнлаб номдор давлат стипендияларини таъсис этилгани исботи бўлади.

Ёшларнинг билим олишларида онла, мактаб, маҳалла, ёшлар ташкилотлари катта рол ўйнайди. Барқамоллик ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда катта имкониятлар очиб беради. Ҳуқуқий онга эга бўлиш ҳуқуқий маданиятни тўлақонли ифодаси эмас, қонунларга риоя қилиш билан белгиланади. Ҳуқуқий онг шахс онгида жамият ғояларида намоён бўлган ҳуқуқ

бўлиб, у конунийликка нисбатан бўлган муносабатдаги эътиқод, тасаввур, баҳо, хис-туйғулар ва маънавиятнинг бошқа таркибий қисмлари тизимидир. Ҳуқуқий онг одамларнинг конунга бўлган муносабатини ифодаловчи қарашдир. Ҳуқуқий онги, маданияти юксак халқ максадлари йўлида эришишга жадаллик билан ҳаракат қилади.

Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият инсоннинг жамиятдаги ҳуқуқий меъёрларини билишидир. Ҳуқуқий онг-ҳуқуқий маданият даражасига етишгандагини сиёсий, ижтимоий, иқтисодий муносабатлар ривожланиб бораверади. Ҳуқуқий онг инсон маънавиятининг бир бўғинидир. Инсон маънавиятини онгсиз тасаввур этиб бўлмайди. Жамият ривожланган сари ҳуқуқий маданият, маънавий кадрятлар ҳам ривожланиб боради. Ҳуқуқий маданиятни ўрганиш ҳуқуққа бўлган ҳурматнинг бир дебочасидир. Ҳуқуқий маданиятни билишни умуминсоний аҳамиятга эга бўлган муаммоларни конуний ҳал қилишда ёрдам беради.

Демак юқоридагиларга асосланиб қуйидагиларни ҳулоса қилдим ҳуқуқий билимлар, ҳуқуқий меъёрлар ёшларнинг онги ва турмушига сингиб борсагина ҳуқуқий маданиятга айланар экан. Республикамизда қабул қилинаётган конунларга, ҳужжатларга бефарқ бўлмаслик, улар билан танишиб, бориш, фойдаланиш ҳам ҳуқуқий маданият белгиларидан ҳисобланади. Инсон ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билиши ҳуқуқий маданиятнинг таркибий қисмларидан биридир.

Келажаги буюк мамлакатимиз келажаги биз ёшлар қўлида экан, бу бизга билдирилган масъулият ва ишончга муносиб жавоб беришимиз, баркамол авлод бўлиб етишишимиз учун етук даражали ҳуқуқий онг ҳамда маданиятга эга бўлишимиз лозим деб ҳисоблаймиз.

**“Ёшлар ва аёлларнинг меҳнат қонунчилиги бўйича ҳуқуқий билим ва маданиятини шакллантириш” мавзuida ўтказилган илмий-амалий конференциядан олинган
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР**

Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилигида ёшлар ва аёллар меҳнати ҳамда имтиёзлар йўналиши бўйича

Хулосалар:

- Меҳнат кодексида аёллар ва 18 ёшга тўлмаган шахсларга қўшимча кафолатлар билан бирга, ишни таълим билан бирга қўшиб олиб бораётган шахсларга ҳам имтиёзлар белгиланган. Буларнинг барчаси ёшлар ва аёллар меҳнатини ижтимоий ҳимоялаш, имтиёзлар бериш қонуний асосларда мустаҳкамланган.
- 18 ёшга тўлмаган шахслар меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларда катта ёшдаги ходимлари билан тенг ҳуқуқда бўладилар, меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллار ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида улар учун меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган қўшимча имтиёзлардан фойдаланадилар.

Таклифлар:

- Давлат томонидан кўрсатилаётган моддий ва бошқа ёрдамлар билан бирга хотин-қизларга ишлаш учун шарт-шароит ва имкониятлар яратиш.
- Хотин-қизлар қўмиталарининг фаолияти, энг аввало, хотин-қизларни иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этишга, шу жумладан, вақтинчалик иш ўринлари барпо этиш, касаначилик меҳнатини ташкил этиш ва хотин-қизларни ишга жойлаштиришнинг бошқа шаклларида фойдаланишга қаратилиши зарур.
- Ишчи кучи экспорти нафакат меҳнатда бандлик муаммосини қисман ҳал этишда, балки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши, замонавий билимларни эгаллаган малакали мутахассисларнинг кўпайиши ва келгусида Ўзбекистоннинг ҳар томонлама тараққий этган мамлакатга айланишида ҳам муҳим аҳамиятга эга.
- Меҳнат ресурсларини бошқаришда ишсизликнинг мавжуд муаммоларини бартараф қилишга қаратилган меҳнат бозорини тартибга солиш сиёсати банд бўлмаганлар сонини камайтиришгагина эмас, балки замонавий иктисодиёт талабларига жавоб бера оладиган Ўзбекистон меҳнат соҳасини сифатли ислох қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга йўналтирилиши зарур.

Меҳнат миграциясининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий омиллари йўналиши бўйича

Хулосалар:

- Ишчи кучи экспорти нафақат меҳнатда бандлик муаммосини қисман ҳал этишда, балки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши, замонавий билимларни эгаллаган малакали мутахассисларнинг кўпайиши ва келгусида Ўзбекистоннинг ҳар томонлама тараққий этган мамлакатга айланишида ҳам муҳим аҳамиятга эга.
- Меҳнат ресурсларини бошқаришда ишсизликнинг мавжуд муаммоларини бартараф қилишга қаратилган меҳнат бозорини тартибга солиш сиёсати банд бўлмаганлар сонини камайтиришгагина эмас, балки замонавий иқтисодиёт талабларига жавоб бера оладиган Ўзбекистон меҳнат соҳасини сифатли ислох қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга йўналтирилиши зарур
- Ишчи кучи миграцияси - бу ҳаётий зарурат бўлиб, у барча мамлакатларда доимий равишда давом этаверади.
- Маҳалла гузарларида спорт майдончалари, кутубхоналар ташкил этиш, кичик бизнес, тадбиркорлик ва миллий ҳунармандчиликни такомиллаштириш орқали фуқароларни иш билан таъминлаш имконияти юзага келади
- Ишчи кучларининг халқаро миграцияси – бу бозор иқтисодиётига таалуқли бўлган объектив жараёндир. У мамлакатлар ўртасида капиталнинг айланиши, ташқи савдо алоқалари, халқаро иқтисодий интеграциянинг ривожланиши каби объектив ҳолатдир

Таклифлар:

- Ташқи меҳнат миграциясидан фойдаланиш мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун имкониятлар яратишини ҳисобга олиб:
- республиканинг ташқи ишчи кучи миграцияси бўйича давлат сиёсатининг ишлаб чиқиши ҳамда унда давлатнинг ушбу соҳага бўлган сиёсати, мақсад ва вазифалари, ташқи меҳнат миграциясини ташкил қилиш механизми ва ушбу жараёнларга давлат томонидан таъсир ва назорат қилиш чоралари аниқ ифодаланиши лозим;
- мамлакатимизда миграция жараёнларини амалга оширишнинг институционал асосларини халқаро меъёрларга мослаш, ушбу соҳада муқобил хизматни ташкил қилиш, қолаверса касб-ҳунар коллежларида ёшларга жаҳон меҳнат бозорига чиқадиган даражада билим бериш, уларни меҳнат мигрантлари қабул қиладиган давлатлар меҳнат бозоридаги талабни ўрганган ҳолда тайёрлаш ишларига ҳам аҳамият қаратиш зарурати мавжуд.
- жойлардаги меҳнат биржалари фаолиятини кучайтириш, ишсизларни касбга йўналтириш ишларини фаоллаштириш;

- иш билан банд бўлмаган ортикча ишчи кучини чет мамлакатларга, айниқса, иктисодий ривожланган давлатларга давлатлараро битимлар асосида экспорт килиш ёки ёлланиб ишлашни авж олдириш;
- кишлоқларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи кичик ва ўрта корхоналар тизимини кенгайтириш;
- кишлоқларда азалдан шуғулланиб келинган маҳаллий хунармандчилик фаолиятини кенгайтириш лозим
- Коллежлар ва олий ўқув юр்தларини битирувчиларини бизнес ва тадбиркорлик бўйича билимларини шакллантириш ва ўз бизнесларни бошлашлари учун “Бизнес билан танишув” ва “Ўз бизнесингни бошла” факультатив курсларини жорий этиш

Одам савдосини олдини олишда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий ҳамкорлиги ва одам савдосидан жабрланганларга ёрдам беришнинг педагогик ва психологик муаммолари йўналиши бўйича

Хулосалар:

- Фуқароларнинг меҳнат ва хорижга чиқиш-келиш қонунчилиги бўйича ҳабардорлигини ошириш орқали одам савдосинини олдини олишга қўмаклашиш лозим.
- Одам савдоси деб ном олган бу трансмилий жиноятни бартараф этиш йўлида давлатимиз миллий қонунчилик тизимида одам савдосига қарши курашишнинг ҳуқуқий асослар етарлича яратилди ва амалиётга тадбиқ этилди.
- Биз онгли инсонлар миллатини улуғлаб эъзозлаб чиқарилган бу муқаддас қонунларимизга юзаки қарамай, сўзсиз риоя этиш билан биргаликда идрокимиз билан иш тутиб бундай жиноят қурбонига айланмаслик учун ва бошқа инсонларни ҳам бу ҳавфдан сақлаш учун қўлимиздан келган барча ҳуқуқий тарғибот ва ташвиқот ишларини доимий равишда амалга оширишимиз шарт.
- Одам савдосининг олдини олиш учун кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда тарғибот-ташвиқот ишларини янада жадаллаштириш, маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар имқониятларидан самарали фойдаланиш, шунингдек хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазаси, уларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш ишларини янада кучайтириш лозим.
- Одам савдосига қарши кураш тўғрисидаги қонун ва қонун ости ҳужжатларида одам савдосини олдини олиш ва аҳоли ўртасида кенг қамровли тушунтириш ишларини олиб боришда давлат ва нодавлат ташкилотари ўртасида узвий ижтимоий ҳамкорлик йўлга қўйилган. (буғунги конференциямиз ҳам шу йўналишдаги лойиҳа доирасида ўтказилмоқда)

Таклифлар:

- Одам савдосига қарши барча шаклларда кураш олиб боришнинг самарадорлигига фуқаролик жамиятининг барча институтлари жалб этиш.
- фуқаролардаги лоқайдлик ва бепарволик хиссини йўқотиш мақсадида туркум тадбироларни ўтказиш ва уларни телевидение ва бошқа оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш
- Аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришда давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий ҳамкорлик даражасини кенгайтириш мақсадида давлат ва маҳаллий дастурларни биргаликда амалга ошириш
- Нодавлат ташкилотлар томонидан амалга оширилаётган ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ва аҳоли манфаатларини кўзловчи кичик лойиҳаларни маҳаллий бюджет ҳисобидан танлов асосида молиялаштириш (бу учун қонуний асослар ишлаб чиқилган)

Таълим тизимида ҳуқуқий билим ва маданиятни шакллантиришнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболи йўналиши бўйича

Хулосалар:

- Мамлакатимизда миллатимизнинг келажагини белгилаб берувчи ёшларнинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари қонун йўли билан қафолатлангандир. Шу боис тўла ишонч билан айтишимиз мумкинки юксак маънавиятни жамиятимизда ёйиб миллатни энгиб бўлмайдиган даражага эришиш имкониятига эгамиз.
- Ҳуқуқий билимлар, ҳуқуқий меъёрлар ёшларнинг онги ва турмушига сингиб борсагина ҳуқуқий маданиятга айланади. Республикамизда қабул қилинаётган қонунларга, ҳужжатларга бефарқ бўлмаслик, улар билан танишиб, бориш, фойдаланиш ҳам ҳуқуқий маданият белгиларидан ҳисобланади. Инсон ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билиши ҳуқуқий маданиятнинг таркибий қисмларидан биридир
- Қонунчилик тизимини такомиллаштириш билан бир қаторда қонунларнинг ҳаётга тадбиқ этилишига, уларга катъий ҳамда оғишмай риоя қилинишига эришиш зарур.
- Ҳуқуқий тарбия тизими уч таркибий қисмдан ташкил топади: давлат белгиланган қонун-қоидаларини ўқитиш, уларни жамият аъзолари ўртасида ташвиқот қилиш, ўқувчи ёшларни қонун-қоидалар ижросида бевосита иштирок этишга ўргатиш.
- Таълим тизимида инсон маънавий қиёфасини шакллантиришнинг энг аввало ахлоқий ва ҳуқуқий дунёқарашини бойитиш орқали уларнинг муайян ғояга мустаҳкам ишончи ва эътиқодни тарбиялаш жамият олдидаги ўз бурчи ва масъулиятига жавобгарлик хиссини камол топтириш.

- Демократик жамият ва қонун устиворлигига асосланган ҳуқуқий давлатда яшаётган эканмиз ҳар бир онгли шахсни ўз қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш давлат ва жамият, миллат ҳамда халқ олдидаги ҳуқуқий масъулиятини чуқур англашга эришмоғимиз лозим.

Таклифлар:

- Республикамизда олий таълим тизимида ижтимоий ходимларни тайёрлаш тизим йўлга қўйилган, ушбу амалиётни педагогика ва тиббиёт йўналишидаги коллежларга жорий қилиш
- Корхона ва ташкилотларда ҳуқуқий билимлар соатларини ташкил этиш
- Наманган давлат университетининг Ҳуқуқшунослик факультетининг талабаларини ҳамда ва вилоятимиздаги юридик коллежларини битирувчиларини маҳаллаларда яшовчи ҳеч қаерда ишламайдиган ва ўқимайдиган одам савдоси жиноятдан жабрланиш таваккалчилиги юқори бўлган ёшлар ва аёлларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга жалб этиш

